

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

**Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович
Якубов Ўткир Шермаматович
Райимжонов Зокир Ҳасанович**

Аҳоли географияси ва демография асослари

(Ўқув қўлланма)

5140500 – география ва иқтисодий билим асослари

Тошкент-2008

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси - улкан инсон салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир. 2006 йилда меҳнат ресурслари сони жами аҳолининг 55,4 фоизини ташкил этди. 2000 йилдан кейинги даврда меҳнат ресурслари сони йилига ўртача 400 минг кишига ортиб бормоқда. Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда хал қилувчи роль ўйнайди. Айниқса қишлоқ жойларида меҳнат базаларининг асосий муаммоси – иш ўринларининг талаб даражасидан пастлигидир. Бу узоқ даврлар мобайнида, қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли пайдо бўлган. Бундай номувофиқликлар ишсизлик, ишлашни ҳохлайдиган, лекин турли сабабларга кўра бандлик хизматларида рўйхатга олинмаган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли тўпланганлиги билан боғланган.

Янги иш ўринлари аксарият ҳолларда саноатда, моддий ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжаликнинг кам даражада боғлиқ бўлган ёки умуман боғлиқ бўлмаган тармоқларида шаклланмоқда. Бу эса, қишлоқ жойларида, яъни ишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари кам ташкил этиладиган ҳудудларда бандликни таъминлашнинг сунъий ечимини ҳосил қилиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда ёки меҳнат лаёқатидаги аҳолининг салмоқли қисмини кўшни давлатлар Қозоғистон, Россия ҳудудига ишлаш учун “нолегал” тартибда чиқиб кетиши ҳолларини келтириб чиқармоқда. Бу ўз ўрнида, минтақадаги миграция жараёнларининг фаоллашувига олиб келмоқда.

Маълумки, демографик жараёнлар тарихи инсоният тарихи қадар қадимий бўлиб, XIX-XX асрлар давомида анча фаол тус олди. “XIX асрда 50 млн. европалик бошқа қитъаларга кўчишди. Кўчишларининг асосий сабаби, яшаётган жойларида ерларнинг етишмовчилиги ва кўчиб борган жойларида эса ерларнинг арзон баҳоаларга сотилишидир. Кўчиб борган муҳожирларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларида ўрнашдилар. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида эса миграция оқими йирик саноатлашган шаҳарларга қаратилди”¹. Миграция жараёнларини ўрганиш эса узоқ ўттиз йиллик танаффусдан сўнг, 50 йилларда бошланган бўлиб, бу даврда Европадаги Польша, Германия, Чехия, Словакия мамлакатлари ва Россиянинг асосан шарқий қисми аҳолиси миграцияси чуқурроқ тадқиқ этилган.

Бугунги глобаллашув жараёни фаол кечаётган шароитда демографик жараёнлар хусусиятлари ўтган асрга нисбатан тубдан фарқ қилади. Яъни ишлаб чиқариш тезлиги ва аҳоли даромадлари юқори, коммуникациялар ривожланган, қулай шарт-шароитларга эга бўлган минтақаларга меҳнат ресурсларининг интилиши билан характерланади. Айниқса, бозор

¹ Райимжонов З.Х. Халқаро миграция кеча ва бугун // “Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши” Республика илмий-амалий конф. материаллари. Термиз, 2006, 95-96 б.

иқтисодиёти шароитида режалаштирилган иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, демографик жараёнларга янгича ёндошишни тақозо этмоқда.

Мазкур ўқув қўлланмада демографик жараёнларнинг юқорида баён этилганидек, географик омиллар билан боғлиқ хусусиятларига эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси ҳам барча собиқ “иттифок”даги республикалар сингари миграция тарихига эга. Республикада демографик жараёнларнинг назарий ва амалий масалаларига доир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, давлат мустақиллиги йилларида ушбу муаммоларни тадқиқ этишга олимлардан О.Б.Отамирзаев, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, З.Х.Райимжонов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Рус олимларидан К.В.Папенков, М.Г.Трудова, В.И.Юшковлар қишлоқ аҳолиси миграциясига оид илмий ишларни амалга оширдилар. Шаҳарлар аҳолиси миграциясини В.И.Староверов (Россия), А.Марьянский (Польша), Т.А.Ашимбаев (Қозғистон) каби олимлар ўрганишган. Минтақа ва алоҳида ҳудудлар миграциясини Ж.А.Зайончковская, В.И.Переведенцев, Л.Л.Рыбаковский каби олимлар чуқур ўрганишган. Бироқ, глобаллашув жараёни фаол кечаётган, ишлаб чиқариш тезлиги ва аҳоли даромадлари юқори, коммуникациялар ривожланган, қулай шарт-шароитларга эга бўлган минтақаларга меҳнат ресурсларининг оқими ортаётган шароитда демографик жараёнларга янгича ёндошишни, демографик жараёнларнинг географик хусусиятларига эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.

I БОБ. АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИНING ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1§ . Аҳоли географияси ва демографиясининг предмети, мақсади, вазифалари ва тадқиқот методлари

Буюк географик кашфиётлар натижасида янги қитъаларнинг очилиши, кашф этилган материклар табиий бойликларини ўзлаштиришга ривожланган мамлакатларнинг интилиши, жаҳон урушлари аҳоли ҳаракатида муҳим ўзгаришларни келтириб чиқарди. Айниқса, ўтган XX асрда жаҳон урушлари оқибатида дунё аҳолисининг ҳудудий тақсимоотида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жумладан, туғилиш, ўлим, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Шу боис, аҳоли унинг табиий ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш фалсафа, иқтисод, социология каби фанлар намоёндалари билан бир қаторда, биринчи навбатда, географ олимлар диққатини ҳам ўзига жалб этди.

Бугунги кунда мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти энг биринчи омил сифатида қаралмоқда.

Демографиянинг пайдо бўлиши бошқа фанлардан фарқли равишда аниқ санага эга. 1662 йилнинг январида инглиз савдогари, капитани Жон Траунта (1620-1674)нинг «Ўлим бюллетени асосидаги табиий ва сиёсий кузатишлар (шаҳарлардаги эътиқод, савдо, аҳолининг ўсиши, касалликлар ва бошқа ўзгаришларни бошқариш) муқаддимаси» номли китоби Лондонда чоп этилган. Бу китоб бир даврнинг ўзида статистика, социология ва демография каби фанларнинг ривожланишига ҳисса қўшди.


«Демография» - грекча «демос» - халқ, аҳоли ва «графо» - ёзаман сўзларидан олинган.

XX асрга келиб, демография фан сифатида иккита асосий йўналишда ривожланди. Улардан бири, демографиянинг тадқиқот майдонини аниқлаштириш бўлса, иккинчиси демографик жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар доирасининг кенгайиши бўлди.

1960 йиллар ўрталарида кўпчилик мутахассислар демографиянинг предметини аҳолининг табиий ҳаракати масалалари билан шуғулланувчи фан сифатида чегаралаб қўйди.

Аҳолининг табиий ҳаракати – бу туғилиш, ўлим, никоҳга кириш ва никоҳдан ажралиш натижасида аҳоли сони ва таркибининг узлуксиз ўзгариб туришидир. Шунингдек, аҳолининг табиий ҳаракатига аҳолининг жинс ва ёш таркибидаги ўзгаришлар каби ўзаро боғлиқ барча демографик жараёнлар киради. Масалан, 90-йиллар бошида Евросиёда кўплаб мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши оқибатида миграция жараёнлар сезиларли равишда фаоллашди. Бу, ўз навбатида, минтақадаги барча ҳудудлар аҳолисининг табиий ҳаракатида ўзгаришлар содир этди.

Хар қандай фан объект доирасидаги воқеликнинг қонун ва қонуниятларини очиб бериш, унинг тадқиқот мақсади ҳисобланади. Шунга кўра, демографиянинг предмети аҳоли табиий тақдор барпо бўлишининг қонун ва қонуниятларини ўрганишдан иборат. Ўз навбатида, демография қуйидаги фан тармоқларига бўлинади:



Демографик статистика – демографиянинг тарихий тармоғи бўлиб, аҳоли тақдор барпо бўлишининг тарихий қонуниятларини ўрганади. Статистик демографиянинг вазифалари аҳолининг тақдор барпо бўлишига оид материалларни тўплаш ва дастлабки қайта ишлаш, демографик жараёнларни статистик таҳлил этиш ва кузатиш методларини ишлаб чиқишдан иборат.

Математик демография – демографик жараёнларни моделлаштириш ва башоратлаш ҳамда улар ўртасидаги алоқадорликни ўрганишнинг математик усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш билан шуғулланади. Демографик моделларга туғилиш, ўлим, никоҳ жадвалларининг аниқлиги, стационар ва барқарор аҳоли модели кабилар киради.

Тарихий демография – мамлакатлар ва халқлар тарихидаги демографик жараёнлар ҳолати ва динамикасини ўрганади.

Этник демография – аҳоли тақдор барпо бўлишининг этник хусусиятларини тадқиқ этади. Халқлар турмуш тарзининг этник хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари, оилавий муносабатлар таркиби кабилар аҳолининг туғилиш даражаси, ўртача умр кўриши ва саломатлиги ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иқтисодий демография – аҳоли тақдор барпо бўлишининг иқтисодий омилларини тадқиқ этади. Иқтисодий омиллар деганда, жамият ҳаётининг барча иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда уларнинг туғилиш, ўлим, никоҳланиш даражасига, аҳолининг ўсиш даражасига таъсири тушунилади.

Социаль демография – демографик жараёнларга аҳолининг субъектив ҳаракати, ижтимоий, ижтимоий-психологик таъсирини ўрганади.

«Аҳоли географияси ва демография асослари» номли курснинг предмети аҳолининг табиий ўсиши ва унинг тақсимланиши билан боғлиқ географик жараёнлардир.

Курснинг асосий мақсади қуйидагилар:

1. Аҳоли динамикасидаги ўзгаришларнинг назарий асослари ва бу ўзгаришларнинг иқтисодий ижтимоий турмуш тарзига таъсирини тадқиқ этиш;
2. Ўзбекистондаги демографик ўзгаришларни дунё мамлакатларидаги демографик жараёнлар билан қиёслаш;
3. Аҳолининг табиий ўсиши, миграцияси билан боғлиқ маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш асосида аҳолининг табиий ҳаракати ва миграцияни тартиблаш жараёнларини ўрганиш.

Курснинг асосий вазифалари қуйидагилар:

1. Аҳолининг табиий ўсиши ва миграциясига хос ҳудудий хусусиятларни ўрганиш;
2. Аҳолининг кўпайиши ва миграциясини ҳудудий қиёслаш ва ўзгаришлар билан боғлиқ омилларни ўрганиш;

Аҳолини ўрганишда тадқиқот усуллари танлаш ва улардан самарали фойдаланиш, таълим олувчи ишининг самарадорлигини оширади. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда тадқиқот усуллари диалектик усулларнинг таркибий қисми ҳисобланиб, таълим-тарбия ўқитиш жараёнларидаги методик усуллардан бирмунча фарқ қилади. Бироқ, мавжуд тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, кузатиш, экспедиция, анкета сўровлари асосида суҳбат, эксперимент ва тажриба усулларида географик ва иқтисодий тадқиқотларда ҳам фойдаланилади. Масалан, тадқиқот қилинаётган объект ҳақидаги ахборот ва хизматларни ўрганиб чиқиш усулига ҳар қандай тадқиқотда зарурият туғилади ёки эксперимент ва тажриба усули бугунги кунда иқтисодий ва географик тадқиқотларда кенг қўлланилади. Чунки, иқтисодиётда бирор янгилик ёки моделни тўғридан-тўғри амалиётга тадбиқ этиш мумкин эмас, яъни, агар у тажрибада синалмаган бўлса, соҳада шундай қалтисликларни келтириб чиқарадики, натижада бу қалтисликлар иқтисодиётнинг бирор тармоғини ёки бутун иқтисодиётнинг издан чиқишига олиб келади.

Шунингдек, «Аҳоли географияси ва демография асослари» номли курснинг ҳам хусусий методологияси мавжуд бўлиб, бу ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, юксалишида муҳим вазифа бажарувчи инсон омилидан унумли фойдаланишга асосланади.

«Аҳоли географияси демография асослари билан» номли курснинг тадқиқот усуллари қуйидагилар:

- Географик таққослаш усули;
- Тарихий қиёслаш усули;
- Иқтисодий-математик усул;

- Статистик ва кўп ўлчамли статистик усул;
- Қиёсий ва иқтисодий қиёсий таҳлил усули;
- Меъёрий-баланс ҳисоби усули;
- Картографик тадқиқот усули;
- Социологик сўровлар ўтказиш усули;
- Омилларни таҳлил қилиш усули;
- Иқтисодий прогноз усули.

*Географик таққослаш усули*га кўра ўрганилаётган соҳани таҳлил этишда ҳудудга асосан эътибор қаратилади. Бунда асосан ҳудуднинг табиий шарт-шароити муҳим ўрин тутати. Масалан, аҳоли миграциясига бошқа омиллар билан бир қаторда, табиий шарт-шароит ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, қурғоқчилик, ҳудуднинг чўлланиши, шўрланиш каби жараёнлар қишлоқ хўжалиги ёки ишлаб чиқаришнинг бирор тармоғида иш самарадорлигини сусайишини келтириб чиқаради. Натижада, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб бориб ишлаш зарурияти келиб чиқади. Бу каби вазиятларнинг юзага келиши албатта, жойнинг географик шарт-шароитлари билан боғлиқ.

Тарихий қиёслаш усули деярли барча фаннинг тадқиқот усули ҳисобланади. Чунки, ўрганилаётган бирор соҳанинг эртаси албатта, унинг тарихи билан боғлиқ. Жумладан, «Аҳоли географияси демографик асослари билан» номли курсни ўрганишда ҳам тарихий қиёслаш усули муҳим ўрин тутати. Масалан, 2006 йилда дунё аҳолиси сони 6,5 миллиарддан ошган бўлса, агар эрамиз бошида аҳоли сони 175 миллион киши бўлганини эътиборга олганда, XX аср давомида аҳоли 37,1 мартага ўсган.

Иқтисодий-математик усул. Тадқиқот натижаларини таҳлил этиш учун математик усулни қўллаш катта имконият яратади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий математик усул икки ёки ундан ортиқ ҳолатлар ўртасидаги ишончли фарқларни қайд қилиши мумкин. Иқтисодий-математик усул ёрдамида ҳар доим ишончли натижаларга эришиб бўлмайди. Чунки, ўрганилаётган соҳасининг ривожланиши ёки кўрсаткичларнинг пасайишига турли объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатиб туради.

Статистик ва кўп ўлчамли статистик усул. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда статистик ва кўп ўлчамли статистик усул ёрдамида турли-туман омиллар таъсирида шаклланувчи ҳолатларни ўрганиш имконини беради. Бу усул бугунги кунда иқтисодий, социологик, демографик, психологик ва ҳатто педагогик тадқиқотларда кенг қўлланилмоқда. Жумладан, иқтисодиётда йиллар ёки бирор иқтисодий ривожланиш босқичдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини

таққослаш, йиллар давомидаги ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаб топишда фойдаланилса, социологик тадқиқотларда аҳолининг маиший шарт-шароитлари ҳолатини таҳлил қилиш ёки умумий натижаларга эришишда, демократик тадқиқотларда аҳолининг табиий ўсиши, меҳнат ресурслари динамикаси ёки уларнинг маълум йиллардан кейинги ҳолатини прогнозлашда, психологик тадқиқотларда аҳоли ёки унинг маълум қатламининг руҳий ҳолатини тадқиқ этиш ва унинг ижтимоий омилларини аниқлаш каби корреляцион натижаларга эришишда фойдаланиш мумкин.

Қиёсий ва иқтисодий қиёсий таҳлил усули. Иқтисодий ва географик тадқиқотларда иқтисодий қиёсий таҳлил усулини четлаб ўтиб тадқиқотни амалга ошириш мумкин эмас. Чунки, ҳар қандай иқтисодий ва иқтисодий географик тадқиқотда ўрганилаётган ҳудуд бошқа ҳудуд билан ёки соҳанинг турли ҳудудлардаги ҳолати таҳлил этилади. Кўпгина ҳолатда қиёсий таҳлил этиш ёрдамида жуда муҳим муаммоларни ва бу муаммоларнинг пайдо бўлиш омилларини тадқиқ этиш имконини беради. Умуман, қиёсий ва иқтисодий қиёсий таҳлил усули ёрдамида табиат, ишлаб чиқариш ва аҳоли билан боғлиқ жуда долзарб муаммоларни ва уларнинг пайдо бўлиш омилларини аниқлаш мумкин.

Меъёрий-баланс ҳисоби усули. Меъёр ва нисбат тушунчаси табиатнинг энг муҳим қонуниятларидан биридир. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда меъёр-баланс ҳисоби усули кенг фойдаланилади. Жумладан, аҳолининг туғилиши, табиий ўсиши, миграцияси билан боғлиқ шундай қонуниятлар борки, бу қонуниятларнинг моҳиятини очиб беришда ёки тадқиқ этилаётган масалага аниқлик киритишда меъёрий-баланс ҳисоби усулидан кенг фойдаланилади.

Картографик тадқиқот усули. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда картографик тадқиқот усулидан фойдаланиш тадқиқот ишининг вазифасида кўзда тутилган хусусиятларининг уйғунлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Чунки карталарда географик ва социал иқтисодий элементлар уйғунлиги бир-бирини тўлдириш билан бирга, мамлакат ёки ҳудуднинг табиати ва унинг бойликларини, иқтисодиётини, маданий-маърифий ва тарихий хусусиятларини ўзида жамлаган бўлади. Тадқиқот иши давомида тадқиқотчи учун карталардаги маълумотлардан фойдаланишда қулайлик яратади ёки тадқиқот иши натижасида тузилиши лозим бўлган картанинг мукамаллигини таъминлаш учун тадқиқотчига намуна вазифасини ўтайди. Баъзан тадқиқот вазифасида кўзда тутилмаган қирраларини ёки хусусиятларини ҳам ёритиш имконини беради ва тадқиқот ишининг мукамаллигини оширади.

Социологик сўровлар ўтказиш усули. Социологик сўровлар усули айниқса, аҳолининг ижтимоий демографик ҳолатини ўрганишда кўп қўлланилади. Анкета сўровлари маълум мақсаддан келиб чиқиб, кенг қамровли тузилганлиги тадқиқотни самарали ўтказишда муҳим аҳамиятга эга. Дастлабки умумий саволлар (яшаш жойи, туғилган йили, миллати, жинси, маълумоти, мутахассислиги, мутахассислик бўйича ишлаётган ёки ишламаётганлиги, сабаби, ижтимоий келиб чиқиши, oilaviy аҳволи, фарзандлар сони, бир ҳовлида неча киши яшаши, oilанинг ўртача йиллик даромади каби саволлар) ҳар бир анкета сўровларида берилиши керак. Кейинги бериладиган саволлар тадқиқот мавзусига бевосита тегишли бўлиши лозим. Масалан, аҳолининг ички ва ташқи миграциясини ўрганиш учун қуйидаги саволларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Сиз яшаш жойингизни ўзгартиришни хоҳлайсизми?
2. Нима сабабдан яшаш жойингизни ўзгартирмоқчисиз?
3. Агар бошқа жойга кўчишни хоҳласангиз, қаерга кўчган бўлардингиз?
4. Агар бошқа давлатга кўчишни хоҳласангиз сабабини кўрсатинг.
5. Ўзбекистоннинг бошқа жойига кўчишни хоҳласангиз сабабини кўрсатинг.
6. Ҳозирги кунда oila аъзоларингиз орасида Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ўқиётган, ишлаётган, яшаётганлар борми?
7. Ҳозирги кунда oila аъзоларингиз орасида чет мамлакатларда ўқиётган, ишлаётган, яшаётганлар борми?

Тадқиқотчи анкета сўровлари натижаларини қайта ишлаш йўллари пухта ўйлаб олиши зарур.

Омилларни таҳлил қилиш усули. Географик тадқиқотларда муаммонинг келиб чиқиши ёки уни тартиблаш омилларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Улар тадқиқот мақсади ва доирасига кўра турлича бўлиши мумкин:

1. Табиий омиллар
2. Иқтисодий омиллар
3. Демографик омиллар
4. Этник омиллар
5. Ижтимоий-психологик омиллар ва бошқалар

Омилларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин: 1) субъектив омиллар, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ёки инсон фаолияти натижасида юзага келган омиллар. Юқоридаги демографик, ижтимоий-психологик, этник омиллар шулар жумласидандир. 2) объектив омиллар, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган омиллар. Масалан, қурғоқчилик, шўрланиш, тошқинлар, кўчкилар, об-ҳаводаги кескин ўзгаришлар кабилар табиий омиллар ҳисобланиб, ишлаб-

чиқаришнинг бирор мавсумда издан чиқишига ёки бутунлай инқирозига олиб келиши мумкин.

Иқтисодий прогноз усули. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда иқтисодий прогноз қўлланиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ёки табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаб беради. Кўпчилик ҳолатларда прогноз яъни кутилган натижа юз бермаслиги мумкин. Бироқ, кутилган натижа юз бермаган ҳолатларда шу соҳа ёки тармоқ тадқиқотчилари унинг омилларини излаб топишга интилади. Прогноз – тадқиқот ишининг стержени бўлиб, у тадқиқот жараёнини бошқаради ва уни ички мантиқига бўйсундиради. Кўпгина машхур тадқиқотчилар прогнознинг бўлмаганидан кўра, унинг хато бўлсада, мавжудлигини афзал кўришади. Бирор иқтисодий жараённи прогноз қилишда, маълум вақт оралиғидаги кўрсаткичлар ёки воқеалар ривожини таҳлил этилади ва шу асосда жараённинг келгусидаги ҳолати прогноз қилинади. Прогноз қилишда илмий асосланган бирор қонуният ёки механизм мавжуд эмас. Баъзан иқтисодчилар статистик прогноз усулларига асосланиб, бирор тармоқнинг истиқболи тўғрисидаги 5-10 йил кейинги прогнозларни келтиради. Кўпчилик ҳолатда бу прогнозлар ўзини оқламади. Чунки, у ёки бу омиллар таъсирида кутилган натижа кузатилмайди. Шу боис, тадқиқот прогнозларини инкор қилиб бўлмайди. Яъни агар амалга ошмаса, тадқиқотчи олдига «Нима учун?» деган саволни қайта-қайта қўяверади.

2 §. Демографик тадқиқотлар тарихи ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари

Маълумки, мамлакатимиз ўз мустақиллиги йўлидан барқарор ривожланишида давом этаётган бугунги кунда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган моддий неъматлар биринчи навбатда инсон манфаати учун, яъни уни ҳимоя қилиш, муҳофаза этиш, ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини юксалтиришга йўналтирилган. Жумладан, демографик жараёнлар ҳам мамлакатимиз аҳолисининг ҳаётига бевосита ўзининг таъсирини кўрсатади. Шунингдек, мамлакатимиздаги демографик жараёнлар тарихи ҳам узоқ даврлар давомида Марказий Осиёдаги қолаверса, бутун Евросиёдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ бўлди.

Умуман, демографик жараёнлар тадқиқоти билан XIX асрдан Октябрь тўнтаришига қадар рус олимлари В.С.Порошин (1840), Ю.Э.Янсон (1880), П.Океппен (1890), Б.П.Кодомцев, А.Котельников, Г.С. Полляк, Г.Г.Швиттаулар, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари оралиғида (1917-1945) Д.Бозин, А.Я.Боярский, В.К.Воблей, Н.Я.Воробьев, А.И.Гозулов, Е.О.Слуцкий, Дж.Уиппл каби олимлар шуғулланишган.

Демографик жараёнлар тарихи ҳам инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

XX аср бошларига қадар бўлган дунёнинг турли минтақаларидаги кичик урушлар даврида ҳам аҳоли қисман аралашган. Бу жараёнларни турли тадқиқот намоёндалари турлича, яъни тилшунослар тил оилаларининг шаклланиши, тарихчилар давлатларнинг пайдо бўлиши, маданият ривожланиш босқичларини тадқиқ этувчилар турли давр маданиятининг ривожланиш даври билан боғлаб ўрганадилар. Демографик жараёнлар тараққиёти бевосита ҳудудларнинг кашф этилиши, яъни Буюк географик кашфиётлар билан боғлиқ бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Албатта, ҳамма тарихий даврларда бир қитъага мансуб аҳолининг иккинчисига кўчишига маълум сабаблар ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, XVIII аср охирига қадар Австралия маълум бўлмаган даврда европаликлар дастлаб Америкага, кейинчалик рудали конларга ёки қимматбаҳо металлларга бой минтақаларга, Африкага боришга бойлик орттиришга интилишган. Тарихдаги «Бурлар уруши»ни, бирмунча илгари бориб маҳаллийлашган голландлар ва инглизлар ўртасидаги «Трансвалда» мажоросини эсланг. Умуман XVIII аср охирига қадар бутун дунё халқларининг янги ерларни ўзлаштиришга интилиши юқори бўлди.

Шунингдек, XVII-XVIII асрларда руслар ҳам Шимоли-шарқий Осиё бўйлаб юришда давом этди. Бу даврда испанлар ва португаллар асосан, Марказий ва Жанубий Африкани эгаллашга ҳаракат қилишди. Албатта, бу даврдаги колонияларни ташкил этиш билан боғлиқ юришларга табиий ва иқлимий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган, яъни иқлими яшаш учун қулай бўлган серунум, ҳосилдор ерларга эга бўлишга интилишган. Аста-секин бу жараёнлар бевосита давлатчиликнинг аралашуви, баъзи дипломатик муносабатларнинг шаклланишига сабаб ҳам бўлган. Масалан, А.Гумбольдт (1799-1804) экваториал давлатлар бўйлаб саёҳатга чиқиш учун Испания ҳукуматидан махсус рухсат олган. Кейинчалик, Германияда эмигрантларни рўйхатга олиш анъанавий тус олган (1832 йилдан Берлинда, 1846 йилдан Гамбургда в.б.).

Демографик вазиятларни объектив баҳолаш учун 1970-1980 йиллардаги демографик революция жараёнига эътибор қаратиш лозим. Демографик революция назариясини дастлаб (1934 йил) А.Ландри илгари сурди ва кейинчалик бу борада тадқиқотларининг ривожланишига асос солди. Сўнгра унинг тараққиётига узоқ хориж олимларидан Ф.В.Нотстейн (1953); З.Павлик (1964, 1979); В.С.Томпсон (1942), рус олимларидан А.Г.Вишневский 1973, 1976, 1982; А.Я.Кваша (1974); В.Ц.Урланис (1974); демографик тараққиётнинг замонавий концепциясининг шаклланишига ўзларининг илмий улушини қўшдилар. Бу концепцияга мувофиқ, аҳолининг қайта барпо бўлиши жамиятнинг социал-иқтисодий социопсихологик ривожланиши каби мураккаб омиллар мажмуаси билан боғлиқ бўлишини ва тизимли босқичлар асосида ривожланишини асосладилар.

Бугунги кунда бу олимларга яна иккита асосий геосиёсий ва социал экологик омиллар долзарблиги аҳамият касб этмоқда. БМТ экспертларининг қарашларига кўра, демографик ўтиш даврини 4 та фазага ажратиши мумкин. Аввало ўлим коэффиценти туғилиш коэффицентиға нисбатан тез тушиб кетади. Натижада, табиий ўсиш коэффиценти токи максимал даражаға етгунча ўсади. Кейин туғилиш коэффиценти ўлим коэффицентиға нисбатан тезроқ пасаяди. Бу жараён ўлим коэффиценти минимал даражаға етгунча давом этади. Кейин туғилиш коэффиценти секин темпда пасая боради. Бунда ўлим коэффиценти аксинча кўтарилади ва ниҳоят туғилиш қайта барпо бўлиш даражасигача пасаяди.

Бунда туғилиш коэффиценти охирги стационар даражаға яқинлашиб қолади. Шунда ўлим коэффиценти бир неча мартаға ошиши билан характерланади. Бу концепция АҚШ ва Европа давлатлари илғор демографик муносабатлари умумий қонуниятлари асосида пайдо бўлди. Айниқса, II-жаҳон урушидан кейинги демографик жараёнлардаги ўзгаришлар мазкур концепцияни тасдиқлади. Унинг тасдиқланиши ривожланаётган давлатлардаги демографик жараёнларни бошқаришда қўл келди.

М.С.Бетный (1972) нинг таъкидлашича, бунда аҳолининг ўртача умр кўриши муҳим ўрин тутгани ҳолда, туғилиш шу даражада камаядики, натижада аҳолининг умумий ўлим коэффиценти аҳоли туғилиш коэффицентининг ўсишиға сабаб бўлади. Умумий ҳолатда аҳоли сони камаяди. Агар кўрсатилган демографик вазиятда ўзгариш юзаға келса, аҳолининг кўпайишиға бошқа омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, 1990 йилларда **кейинги Россия аҳолисининг қайта барпо бўлишида шундай ўзгариш содир бўлди.**

Шундай қилиб, А.Ландри (1934) томонидан киритилган «демографик инқилоб» тушунчаси ҳозирги пайтда аҳоли қайта барпо бўлишининг самарали ҳаракати сифатида изоҳланади. Бу ёндашув А.Г.Вишневскийнинг 1976 ҳамда 1982 йиллардаги монографияларида кенг ёритилган бўлиб, унда аҳоли қайта барпо бўлиши 3 та асосий тарихий типға ажратилади: архетип, анъанавий ва замонавий типлар. Унга кўра, бир типдан иккинчисига ўтиш инқилобий босқич сифатида изоҳланади.

Аҳолининг қайта барпо бўлиши ҳақидаги прогнозлар ўтган асрнинг 80-йилларида кўп вариантли тус олди. Шулардан бевосита ҳозирги Марказий Осиё мамлакатлари ҳақидаги тадқиқотлар Д.Вересов ишларидан ўрин эгаллаган. Унинг прогнозлари тўртта вазиятни эътиборға олган ҳолда амалға оширилган:

биринчидан, ўша даврда Собиқ Иттифоқ таркибидаги мусулмон республикаларидаги туғилиш коэффиценти бошқа минтакалардан фарқ қилишға эътибор қаратилган. Бироқ, бу прогнозлар биологик характер касб этгани ҳолда республикалараро миграцияни ҳисобига олмаган. Унда барча иттифоқдаги бошқа республикаларға хос туғилиш коэффицентларининг пасайиши мусулмон республикаларида кузатилмаганлигини аҳолининг қайта барпо бўлишининг оддий режими XX аср охириға қадар давом этиши прогноз қилинади. Бунда муаллиф (Д.Вересов) келгусида бу мамлакатларнинг бирмунча исломлашувини ва репродуктив тарғиботлар ўзини оқламаслигини эътироф этган. Натижада бу

каби объектив демографик омиллар демографик босқичларининг бирдан иккинчисига ўтишига тўсқинлик қилишини эътироф этган. Бошқа тадқиқотчилар (Е.Андреев, С.Перечков 1975; П.Венсан, 1945) аҳолининг қайта барпо бўлишига иқтисодий омиллар ўз таъсирини кўрсатишини яъни аҳолининг бирламчи деҳқончилик ишларидан саноат ишлаб чиқаришга ўтиши жамоат ишларига кўплаб аёлларнинг жалб этилиши туғилишнинг камайишига сабаб бўлишини эътироф этишган.

Иккинчидан, Д.Вересов аҳолининг қайта барпо бўлишида ташқи миграцияни эътиборга олмаганлигини тадқиқотларининг энг муҳим камчилиги сифатида эътироф этади. Шунингдек, Т.Иванов ва И.Калинюк (1979) ларнинг тадқиқот ишларида ҳам миграциянинг аҳоли қайта барпо бўлишига таъсири ифода этилмаган. Д.Вересов совет ҳукуматининг миграцияни бошқаришдаги сиёсатининг мантиқсизлигини ўз даврида қайд этди (1987). У иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш учун эмиграцион сиёсатни ташқи кучлар босимида идора этишни қоралаган.

Учинчидан, Д.Вересов прогнози аҳолининг ўртача умр кўриши қисқартирилган вариантнинг қўлланганлигини олдинги тадқиқотчилар прогнозларидан фарқли жиҳати сифатида ажратиб кўрсатади. У бу кўрсаткичнинг даврий тебраниши прогноз кўрсаткичларига сезиларли таъсир этмаслигини таъкидлаган.

Тўртинчидан, олдинги тадқиқотларда ҳам, Д.Вересов прогнозларида ҳам аҳолининг қайта барпо бўлишига фожеали омиллар таъсири эътиборга олинмаган. Бироқ, катта масштабда Чернобиль фожеаси сингари фожеа юз бермаган бўлсада, Собик Иттифоқнинг емирилиши катта ҳудудни ишғол этган. Империядаги сиёсий ўзгаришлар аҳоли қайта барпо бўлишида катта ўзгаришларни содир этди ва мамлакатлар олдида талай янги муаммоларини қўйди. Албатта, ўз даврида умумий кўринишга эга бўлган аҳолининг қайта барпо бўлишидаги бу каби тадқиқотлар ўз натижаларига кўра ҳам Марказий Осиёдаги демографик жараёнлар ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Марказий Осиёдаги демографик жараёнларнинг специфик жиҳатлари тўғрисида О.Б.Ота-Мирзаев таъкидлаганидек, «Социал демографик стереотип келажакка қадар, ҳеч бўлмаганда жорий юз йиллик охирига қадар сақланиб қолади» [1]. Марказий Осиё республикаларидаги туб аҳолининг асосий қисмида туғилишнинг юқорилиги сақланиб қолиши кўпчилик маҳаллий олимлар томонидан эътироф этилган. Шундан фарқли ҳолатда М.Аманеков Туркменистонда туғилишнинг пасайиши ҳолати фаоллашуви ҳақидаги маълумотлар келтиради [2]. А.Г.Вишневский Ўрта Осиё ва бошқа минтақаларда туғилишнинг юқорилиги сабабли аҳолининг қайта барпо этилишини прогнозлашга ва аниқ натижаларга эришишга ҳар қандай назарий таҳлил, бутун дунё тажрибасидан келиб чиқиб ёндашиши ёки алоҳида олиб борилган аниқ тадқиқот ҳам ёрдам беролмаслигини таъкидлайди. Туғилишнинг юқорилиги миллий хусусият эмас, дунёда ҳеч бир халқ йўқки, унинг тарихида туғилишнинг юқорилиги анъанаси кузатилмаса, қачонки тарихий тараққиёт бу анъанадан

объектив асосда маҳрум этар экан, у бир муддат инерция кучи сингари сақланиб қолади. Бу инерциянинг қанча муддат давом этиши жой ва вақтнинг кўплаб хусусиятлари билан боғлиқ. Шунингдек, бу боғлиқлик ўтмишдаги инерциянинг ҳозирги талабларидан кучли эмаслиги билан изоҳланади[3].

3 §. Демография статистикаси

Аҳоли билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, илк давлатчиликнинг шаклланиш давларига бориб тақалади. Ҳатто узок ўтмишда, яъни Рим империяси даврида мамлакат ҳарбий қудратини ошириш мақсадида аҳоли, ёши, жинси ҳақида дастлабки маълумотлар тўпланганлиги тарихдан ҳаммага маълум.

Аҳоли ҳақида маълумот тўплаш. Демографиядаги асосий ахборот манбалари қуйидагилар:

1. Ҳар 10 йилда бир марта ўтказилиб турадиган аҳоли рўйхати.
 2. Демографик ходисаларнинг жорий статистик рўйхати (туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш)нинг ҳисоби ва узлуксизлиги.
 3. Аҳоли жорий картотекасининг узлуксизлиги.
 4. Алоҳида ва махсус кузатувлар.
-
1. Аҳоли рўйхати бу мамлакат ёки унинг бирор ҳудудида маълум вақтда яшовчи аҳоли билан боғлиқ маълумотлар тўплами бўлиб, унда демографик ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар таҳлили ва баҳоси акс эттирилади. Аҳоли рўйхатида қуйидаги масалалар ўрганилади:
 - мамлакат ҳудудидаги аҳоли сони ва жойлашуви, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли миграцияси;
 - аҳолининг миллий таркиби, она тили ва мулоқат тили, фуқаролиги;
 - аҳолининг маълумоти, қишлоқ хўжалиги ва саноат ёки хизмат кўрсатиш тизимларида бандлиги, даромадлари;
 - oilаларнинг комплекс ва ижтимоий тавсифига кўра тури ва сони;
 - туғилиш;
 - аҳолининг яшаш шароитлари ва б.к.
 2. Аҳоли табиий ҳаракати ходисаларининг жорий ҳисоби – асосан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ходисаларининг қайд этилишидир. Аҳоли табиий ҳаракатининг жорий ҳисоби икки нусхада қай этилиб, улардан бири архивга, иккинчиси эса фуқаролик ҳолатларини умумлаштириш, маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш учун статистика муассасаларига топширилади. Бироқ, бу маълумотлар жамланган ҳолда ҳам демографик жараёнлар интенсивлигини ифодаламайди. Демографик ходисалар ҳажми аҳоли сони билан боғлиқ. Масалан, аҳоли зич ҳудудларда иш ўринларининг камлиги ва ортиқча ишчи кучларининг тўпланиб қолиши ёки аксинча, аҳоли сийрак ҳудудларда иш ўринлариинг кўплиги ва меҳнат ресурсларининг етишмаслиги ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.
 3. Аҳолининг жорий картотекасини турли маъмурий давлат органлари юритади. Бу картотекалар аниқ мақсадларни амалга ошириш мақсадида

тузилади ва одатда аҳолининг барча қисмини қамраб олмайди, яъни маълум қисмини (микрорайон аҳолиси, баъзи социал гуруҳларни) ҳисобга олади.

4. Алоҳида ва махсус кузатувлар. Аҳолининг алоҳида гуруҳлари ҳақида маълумот олиш ва уни барча аҳоли гуруҳлари учун жорий этишда аҳоли рўйхатига нисбатан кам куч талаб этади ва кўпроқ муаммоларни ўрганиш имконини беради.

Асосий демографик кўрсаткичлар. Аҳолига оид кўрсаткичларни иккига ажратиш мумкин, улар нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлардир.

Мутлоқ кўрсаткичлар маълум вақтдаги демографик ходисалар йиғиндисидир (бу вақт оралиғи кўпинча бир йилни ташкил этади). Масалан, унга маълум вақтдаги аҳоли, туғилганлар, ўлганлар сонини киритиш мумкин. Шунингдек, мутлоқ кўрсаткичлар орқали аҳоли ҳақида кўп маълумотга эга бўлиш қийин. Кўпроқ маълумотга ва таҳлилларга эга бўлиш учун илгариги маълумотлардан фойдаланилади. Бу, ўз навбатида, таҳлилий маълумотларга эришиш ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш имконини беради.

Қиёсий таҳлиллар учун фақатгина нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мазкур кўрсаткичларнинг нисбий деб аталишининг сабаби шундаки, улар доимо қайсидир аҳоли сонига нисбатан таққослаш натижасида ҳосил бўлади.

Аҳоли сони кўрсаткичлари. Аҳоли сони - аниқ вақтдаги аҳоли кўрсаткичи бўлиб, бу кўрсаткичлар орқали аҳолининг мутлоқ ўсиши, ўсиш тезлиги ва аҳолининг ўртача сонини аниқлаш мумкин бўлади.

Аҳоли сони S , яъни маълум йилдаги аҳоли сонини аниқлаш учун

- 1)
$$\bar{S} = \frac{S_0 + S_1}{2}$$
 - йил бошидаги ва охиридаги аҳолининг мутлоқ сони кўрсаткичларидан фойдаланилади.

$$2 \quad \bar{S} = \frac{\frac{1}{2} S_0 + S_1 + \dots + S_{n-1} + \frac{1}{2} S_n}{(n-1)} \quad \text{тенг} \quad \text{оралиқ}$$

муддатларда (йил чораклари кўрсаткичлари асосида) ўртача хронологик формуладан фойдаланилади.

- 3)
$$\bar{S} = \frac{\sum si \cdot ti}{\sum ti}$$
 тенг бўлмаган оралиқ муддатларда қўлланиладиган формула.

Аҳолининг табиий ҳаракати. Аҳолининг табиий ҳаракати - туғилиш ва ўлим жараёнлари билан боғлиқ аҳоли сонининг ўзгаришидир.

$$\text{Табиий ўсиш: } \Delta_{tab} = D - O' \quad (4)$$

Унда, D – Туғилганлар (дунёга келганлар) сони, O' – ўлганлар сони.

Аҳолининг табиий ҳаракати баъзан аҳолининг умумий коэффиценти ҳам деб аталишининг сабаби туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари ҳисобланганда аҳолининг умумий сонига мос келади. Бироқ, аҳолининг табиий ҳаракати деб аташнинг маъқуллиги шундаки, туғилиш ва ўлим доимо турли табиий омиллар таъсирида бўлади ва маълум қонуниятларга мувофиқ юз берди.

Туғилишнинг умумий коэффиценти:

$$Udk = \frac{D}{S} \times 1000 \quad (5)$$

Бугунги кунда туғилиш кўрсаткичлари мамлакат келгуси турмуш тарзини белгиловчи энг муҳим омилдир. Чунки, келгусидаги мамлакатнинг истъеомол кўрсаткичлари ҳам айнан шу омил билан боғлиқ.

Ўлимнинг умумий коэффиценти:

$$Uo'k = \frac{O'}{S} \times 1000 \quad (6)$$

Табиий ўсишнинг умумий коэффиценти:

$$Utab = \frac{d - o'}{S} \times 1000 = Dk - O'k \quad (7)$$

Механик ҳаракат кўрсаткичи, миграция. Миграция – аҳолининг мамлакат ҳудудидаги ёки давлатлараро механик ҳаракатидир.

1-жадвал

	Миграцион оқимлар					
	2004			2005		
	Келувчилар сони	Кетувчилар сони	Миграцион ўсиш (+), камайиш(-)	Келувчилар сони	Кетувчилар сони	Миграцион ўсиш (+), камайиш(-)
Миграция	147398	243490	-96092	144778	246386	-101608
Ички ҳудудий	140669	148009	-7340	137599	141395	-3796
Халқаро миграция	6729	95481	-78752	7179	104991	-97812
МДҲ ва Балтика давлатлари иштирокида	6597	92690	-86093	6989	102990	-96001
МДҲ ва Балтика давлатларидан ташқари	132	2791	-2659	190	2001	-1811

$$\Delta_{mex} = \Delta_{kel} - \Delta_{ket} \quad (8)$$

Δ_{kel} — кўчиб келувчилар, Δ_{ket} — кўчиб кетувчилар.
Аҳоли сонининг умумий ўсиши:

$$\Delta_{ym} = \Delta_{tab} - \Delta_{mex} \quad (9)$$

Унда Δ_{tab} — табиий ўсиш; Δ_{mex} — миграцион (механик) ўсиш.
Механик ўсиш коэффициенти:

$$K_{mex} = \frac{\Delta_{mex}}{\bar{S}} \times 1000 \quad (10)$$

Бунда $\bar{S}$ - аҳоли сонининг йиллик ўртача кўрсаткичи.
Умумий ўсиш коэффициенти:

$$K_{ym} = K_{tab} - K_{mex} \quad (11)$$

Умумий коэффициентнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳоли сонидagi фарқларни (ноаниқликларни) бартараф этади (у доимо минг кишига нисбатан ҳисобланади) ва ҳудуддаги аҳоли сонини турли демографик жараёнлар даражаси билан қийслаш имконини беради.
2. Мураккаб демографик ходиса ва ҳолатларни битта рақам ёрдамида ифодалайди ва воқеликни умумлаштирувчи хусусиятга эга.
3. Расмий статистик нашрларда умумий коэффициентларни ҳисоблаш учун илгариги маълумотлардан ҳам фойдаланилади.
4. Оммавий ахборот воситаларининг фойдаланиши ва омманинг тушуниши учун қулай.

Ўзбекистон аҳолиси табиий ҳаракатининг умумий коэффициентларини ҳисоблаш. 2003 йил маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси йил бошида $S_0=25523,0$ минг киши ва йил охирида $S_1=25802,5$ минг кишини, туғилганлар сони $D=546,2$ минг киши, ўлганлар сони $O=139,0$ минг кишини ташкил этган. Шу маълумотларга кўра, аввало, аҳолининг йиллик ўртача сонини, сўнгра баъзи коэффициентларни ҳисоблаб топамиз:

$$\bar{S} = \frac{25523,0 + 25802,5}{2} = 25662,75 \text{ минг киши}$$

Туғилишнинг умумий коэффициенти:

$$Udk = \frac{D}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{546,2}{25662,75} \times 1000 = 21,2\text{‰} \quad (12)$$

Ўлимнинг умумий коэффициенти:

$$Uo`k = \frac{O^{\text{`}}}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{139,0}{25662,75} \times 1000 = 5,4\text{‰} \quad (13)$$

Табиий ўсишнинг умумий коэффициенти:

$$Utab\Delta k = \frac{D - O^{\text{`}}}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{407,2}{25662,75} \times 1000 = 15,8\text{‰} \quad (14)$$

2003 йилдаги умумий ўсиш:

$$\Delta ym = S^{t+1} - S^t = 25802,5 - 25523,0 = 279,5 \text{ минг кишини,} \quad (4)$$

Табиий ўсиш:

$$\Delta tab = D - O^{\text{`}} = 546,2 - 139,0 = 407,2 \text{ минг кишини,} \quad (5)$$

Миграцион ўсиш:

$$\Delta mex = \Delta ym - \Delta tab = 279,5 - 407,2 = -127,7 \text{ минг кишини} \quad (6)$$

ташқил этган. Шунга мувофиқ равишда аҳолининг умумий ўсиш ва миграцион ўсиш коэффициентлари қуйидагича бўлган.

$$\Delta ymk = \frac{279,5}{25662,75} \times 1000 = 10,8\text{‰} \quad (7)$$

$$\Delta mexk = \frac{-127,7}{25662,75} \times 1000 = -4,9\text{‰} \quad (8)$$

Натижа: 2003 йилда Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши 407,2 минг кишини, миграцион (механик) ўсиши -127,7 минг кишини, умумий ўсиш 279,5 минг кишини ва туғилишнинг умумий коэффициенти 21,2 ‰ ни, ўлимнинг умумий коэффициенти 5,4 ‰ ни, табиий ўсишнинг умумий коэффициенти 15,8 ‰ ни ва шунга мувофиқ равишда умумий ўсиш коэффициенти -10,8 ‰ ни, миграцион (механик) ўсиш коэффициенти -4,9 ‰ ни ташқил этган.

Хусусий демографик кўрсаткичлар. Туғилишнинг махсус коэффициенти (аёлларнинг туғувчанлик коэффициенти) 15 ёшдан - 50 ёшгача бўлган аёлларнинг ўртача ва йиллик туғилган болалар сонига нисбатан аниқланади:

$$F = \frac{D}{A_{15-49}} \times 1000 \quad (20)$$

Бунда F -туғилишнинг махсус коэффициенти, D -тирик туғилган болалар сони, A_{15-49} - 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган аёллар сони.

Масалан, туғиш ёшидаги аёллар сони 2003 йилда 7740 минг киши бўлса ва юқорида қайд этилганидек, 546,2 минг кишини ташқил этса, унда:

$$F = \frac{D}{A_{15-49}} \times 1000 = \frac{546,2}{7740} \times 1000 = 75,5\text{‰}$$

Шунингдек, махсус ва умумий коэффициент ўртасидаги ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлиб, у қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$Dk = F \times A$$

Аҳолининг миграцион ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил этишга дастлаб инглиз олими Е.Рейвенстейн эътибор қаратган. Унинг ҳисобларига кўра, маълум ҳудуддаги кўчиб келувчилар сони кўчган ва жойлашган ҳудудлар оралиғидаги масофага тескари пропорционал ва кўчиб кетган ҳудуддаги жами аҳоли сонига тўғри пропорционал [4].

Шу даврда австриялик олим Лилль шаҳар аҳолиси ҳаракатини кузатиш мобайнида ўзининг «Саёҳат қонуни»ни яратишга ҳаракат қилган. У тадқиқотларида темир йўл йўловчилари ҳақидаги статистика натижаларига таянади. Шунга кўра, у Рейвенстейндан фарқли равишда нафақат миграция муаммоларини балки, транспорт муаммоларини ҳам тадқиқ этган [5].

Машҳур америкалик олим Ципф кўчиш ва жойлашиш ҳудудлари оралиғидаги миграцияни натижали баҳолаш мақсадида қуйидаги формулани таклиф этган:

$$M_{n,z} = \frac{B_n \cdot B_z}{E_{n,z}}$$

Унда, $M_{n,z}$ - кўчиш n ҳудуддан жойлашиш z ҳудудига миграцион оқимнинг интенсивлиги,

B_n - кўчиш ҳудуди аҳолиси сони,

B_z - жойлашиш ҳудуди аҳолиси сони,

$E_{n,z}$ - n ва z ҳудудлар оралиғидаги масофа.

Мазкур формулага кўра, миграция оқими фаоллиги кўчиш ва жойлашиш ҳудудлари оралиғида ортган сайин, улар орасидаги масофа қисқариб боради.

Бу борадаги аниқроқ формула қуйидагича бўлиши мумкин:

$$M_{n,z} = K \frac{B_n \cdot B_z^a}{E_{n,z}^b}$$

Унда, K – доимий бирлик. Унга кўра, бир томондан M , B_n , B_z ва иккинчи томондан E бирликлари орасида кўрсаткичли функция шаклидаги алоқа мавжуд[6].

Кўп корреляцияли юқори коэффицентларни аниқлаш учун барча омиллар ҳисобга олинади. Миграцион жараёнларни имитацион моделлаштириш ва миграциянинг экстраполяцион моделига И.С.Матлин ўзининг «Аҳоли жойлашувини моделлаштириш» асарида эътибор қаратган[7].

Масалан, 2003 йилда Ўзбекистонда аҳоли сони 25523 минг кишини, Россия аҳолиси 147000 минг кишини ва Қозоғистон аҳолиси 15400 минг кишини; шунга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг миграция сальдоси -4916 кишини, Россиянинг Ўзбекистон билан миграция сальдоси 46653 кишини ва Қозоғистоннинг Ўзбекистон билан эса 36712 кишини ташкил этган бўлсин.

Унда, 2003 йилда Ўзбекистоннинг миграция даражаси

$$Mo' = \frac{-4916}{25523000} \times 1000 = -0,19\text{‰} \text{ бўлса, Россия ва Қозоғистоннинг}$$

Ўзбекистон билан миграция алоқалари даражаси:

$$Mo' = \frac{46653}{147000000} \times 1000 = 0,32\text{‰} \text{ ва}$$

$$Mo' = \frac{36712}{15400000} \times 1000 = 2,38\text{‰} \text{ бўлган.}$$

Миграция ҳажмига нисбатан унинг сальдоси аҳоли миграцион ҳаракатининг интенсивлигини белгилайди. Бу ҳолатни иммиграция ва эмиграция коэффицентларида кузатамиз.

$$K_{O,R} = \frac{50223}{25523000} \times 1000 = 2,0\text{‰}$$

$$K_{O,Q} = \frac{38529}{25523000} \times 1000 = 1,5\text{‰}$$

$$K_{R,O} = \frac{3570}{147000000} \times 1000 = 0,02\text{‰}$$

$$K_{Q,O} = \frac{1817}{15400000} \times 1000 = 0,12\text{‰}$$

Демографик прогнозлаш. Демографик прогноз ҳар қандай ижтимоий прогнозлаш ва режалаштириш асосида ётади. Прогноз қилинаётган даврдаги демографик жараёнларнинг барчаси аҳолининг умумий сони билан боғлиқ бўлади.

Прогнозлашда аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омилнинг барқарор ёки беқарорлиги муҳим ўрин тутади. Аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар барқарор бўлган шароитда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$S_t = S_o \times \sum^{kt} \quad (21)$$

Бунда S_t - прогноз қилинадиган давр охиридаги аҳолининг умумий сони; S_0 –прогноз қилинадиган давр бошидаги аҳолининг умумий сони; k - прогноз қилинаётган даврда аҳоли ўсишидаги тахмин қилинаётган коэффициент; t – прогноз қилинаётган давр оралиғидаги йиллар.

2015 йилда Ўзбекистон аҳолиси сони қанча бўлишини ҳисоблаб топамиз. 2003 йил бошида аҳоли сони 25523,0 минг кишини ташкил қилди. Прогноз қилинаётган давр аҳоли ўсишидаги тахмин қилинаётган коэффициент сифатида одатда аҳолининг умумий коэффициенти олиниши лозим. Бироқ, 2003 йилдаги миграция коэффициенти юқорилиги ва маълумки, бу доимий кўрсаткич эканлигини эътиборга олган ҳолда аҳолининг табиий ўсиш коэффициентида фойдаланамиз. 2003 йилдаги аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти эса 15,8% га тенг бўлди. 1998-2003 йиллар давомидаги миграцион ўсишнинг ўртача коэффициенти -3,0% га тенг, яъни

$k = U_k \Delta t_{ab} - \overline{\Delta} \text{ mex} = 12,8\%$ –деб қабул қиламиз ва (22) формуладан фойдаланамиз.

$$S_t = \frac{S_0}{1000} \times \Sigma^{kt} + S_0 \quad (22)$$

Унда, натижа қуйидагича бўлади:

$$S_{2015} = \frac{25523,0}{1000} \times \Sigma^{12,8 \times 12} + 25523,0 = 29443,3 \text{ минг киши.}$$

Ўтган асрнинг 80 йилларида рус олими Д.Вересов 2020 йилда Ўзбекистон аҳолиси 40362 минг кишига етишини прогноз қилган. У даврда аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 23,8% га тенг бўлган. Бироқ, умумий ўсиш коэффициентида турли омиллар (маълум давр оралиғида туғилишнинг камлиги, миграцион ўсиш) таъсир этиб туради. Шу боис, прогноз кўрсаткичлари нисбий ва кўп вариантли бўлади.

Глоссарий

Демография – аҳоли жадвали, рўйхати каби маъноларни англатиб, аҳоли ёши, жинси, табиий ва механик ҳаракатини ўрганувчи фандир.

Демографик жараёнлар – бирор район, ҳудуддаги аҳолининг туғилиши, ўлим кўрсаткичлари, динамикаси, миграцион ҳаракати, ёш жинс таркибининг маълум муддатдаги ҳолатидир.

Аҳолининг туғилиш кўрсаткичи – йил давомида ҳар 1000 кишига тирик туғилган аҳоли сони.

Ўлим кўрсаткичи – ўлим сонининг ҳар 1000 кишига нисбати.

Табиий ўсиш – ўлим кўрсаткичларига нисбатан туғилишнинг юқори бўлиши ҳолати

Депопуляция – маълум ҳудудда комплекс сабабларга кўра аҳолининг камайиши.

Кўшимча маълумотлар

Дунё миқёсида туғилишнинг юқори коэффиценти 3,3ни ва аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффиценти 1,6. Шунингдек, дунёда аҳолининг ўртача умр кўришидаги давомийлик 65 ёшни, туғилиш ва ўлим даражаси тахминан йилига 15,5 %о ни ташиқил қилади.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг икки типи мавжуд:

I- тип. «Демографик қиш» – иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланишдаги ва баъзи собиқ иттифоқ давлатлари учун хос. Бу типдаги давлатларда туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари паст бўлиб, табиий ўсиш «0»га яқин, баъзи мамлакатларда аҳолининг табиий камайиши билан характерланади.

II- тип. «Демографик баҳор» - туғилиш кўрсаткичларининг юқорилиги ва ўлимнинг туғилишга нисбатан пастлиги бу типдаги давлатлар учун хос. Уларга Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги қатор давлатларни киритиш мумкин. Туғилишга нисбатан ўлимнинг пастлиги ҳозирги кунда амалда дунёнинг барча мамлакатлари учун хос, бу биринчи навбатда тиббиётнинг ривожланганлиги эпидемия ва болалар ўлимига қарши курашдаги ютуқлар билан боғланган.

Ривожланаётган давлатларда туғилишнинг юқорилиги кўпчилик мамлакатларда миллий ва диний анъаналар билан боғлиқ. Уларда оилани режалаштириш тамойили биринчи даражага чиқмаган. «Демографик қиш» ҳукм сураётган мамлакатларда аҳолининг такрор барпо бўлишидаги ўртача формула $13-10=3$, табиий ўсишнинг юқори чегараси йилига 12%одан ошмайди. «Демографик баҳор» ҳукм сураётган мамлакатларда эса, аҳолининг такрор барпо бўлишининг ўртача формуласи $28-9=19$, табиий ўсишнинг қуйи чегараси йилига 12%одан ортади. II-типдаги кўпгина мамлакатларда табиий ўсишнинг ниҳоятда юқорилиги «Демографик портлаш» номини олган. Африкадаги Танзания, Мали, Уганда, Буркино-Фасо, Нигер каби давлатларда туғилиш йилига 50%о дан юқори.

Савол ва топшириқлар:

1. “Аҳоли географияси ва демография асослари” номли курснинг предмети ва вазифалари қайсилар?
2. “Аҳоли географияси ва демография асослари” номли курснинг тадқиқот усуллари қайсилар?
3. XIX аср давомида демографик жараёнлар билан шуғулланган олимларни биласизми?
4. “Буюк географик кашфиётлар” демографик жараёнларга қандай таъсир кўрсатди?
5. Демографик революция назариясига қачон ва ким асос солди?
6. Демографик тараққиётнинг замонавий концепциясининг шаклланишига ҳисса қўшган олимларни санаб беринг.
7. Аҳолининг такрор барпо бўлиши билан боғлиқ Д.Вересов башоратларига таъриф беринг.
8. Марказий Осиёда аҳоли туғилишининг юқори бўлиши тўғрисидаги фикрларини асослаган олимлар кимлар?

Назорат тестлари

1. 1799-1804 йилларда экваториал давлатлар бўйлаб саёҳатга чиққан рус олимини белгиланг.
А) А.Я.Боярский
Б) А. Гумбольдт
В) В.С.Порошин
Г) Ю.Э.Янсон
2. 1832 йилда эмигрантларни рўйхатга олиш Германиянинг қайси шаҳрида амалга оширилган?
А) Берлин
Б) Гамбург
В) Бонн
Г) Дрезден
3. «Демографик революция» назариясининг асосчисини белгиланг.
А) З. Павлик
Б) А. Гумбольдт
В) А. Ландри
Г) В. Томпсон
4. Ўлим кўрсаткичларига нисбатан туғилишнинг юқори бўлиши қандай номланади?
А) Депопуляция

- Б) Аҳолининг туғилиш кўрсаткичи
- В) Демографик талофат
- Г) Табиий ўсиш

5. Аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффициентини белгиланг.

- А) 1,6
- Б) 2,1
- В) 2,7
- Г) 3,3

6. Дунё микёсидаги туғилишнинг юқори коэффициентини белгиланг.

- А) 1,6
- Б) 2,1
- В) 2,7
- Г) 3,3

7. Иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланган давлатларга хос аҳоли такрор барпо бўлиши типини белгиланг.

- А) «Демографик баҳор»
- Б) «Демографик қиш»
- В) «Демографик турғунлик»
- Г) «Демографик портлаш»

8. Қайси давлатларда туғилишнинг юқорилиги миллий ва диний ананалар билан боғлиқ?

- А) Юқори ривожланган давлатларда
- Б) Ривожланаётган давлатларда
- В) Кам ривожланган давлатларда
- Г) Ривожланишдаги қолоқ давлатларда

9. «Демографик баҳор ҳукум сураётган давлатларда аҳоли такрор барпо бўлишининг ўртача формуласини белгиланг.

- А) $13-10=3$
- Б) $16-10=6$
- В) $21-9=12$
- Г) $28-9=19$

10. «Демографик портлаш» юз берган мамлакатларда туғилиш йилига неча промиллени ташкил этади?

- А) 12 дан кам.
- Б) 20
- В) 40
- Г) 50 дан ортиқ.

Адабиётлар

1. Ата-Мирзаев А., Б.Гольдфарб Б. Перспективы воспроизводства населения Средней Азии. В: «Наше будущее глазами демографа». М., 1979, -113 б.
2. Аманков М. Тенденции развития населения Туркмении. В: «Возобновление поколений нашей страны». М., 1979, -76 б.
3. Вишневский А.Г. Воспроизводство населения и общество. История, современность, взгляд в будущее. М., 1982, -214б.
4. Ravenstein E. G. The Laws of Migration. – “I. Journal of the Statistical Society”, June 1885. II; “Journal of the Statistical Society”, June 1889.
5. Lill E. Das Reisegesets und seine Anwendung auf den Eisenbalinverkehr. Wien, 1891.
6. Zipf G. The $\frac{P_1 \cdot P_2}{D}$ Hypothesis: on the intercity movement of Persons. – “American Sociological Review”, 1946.
7. Матлин И.С. Моделирование размещения населения. –М.: 1975.

Қўшимча адабиётлар

1. Переведенцев В.И. Методы изучения миграции населения. -М., 1975.-231 б.
2. Урланис Б.Ц., Борисов В.А. (ред.). Народонаселение стран мира. Справочник. - М., 1984.
3. Ата-Мирзаев О., Салиев А. Урбанизация в регионе. – В сб.: Народонаселения. М., 1985
4. Ата-Мирзаев О.Б. Многодетная женщина. Социально-демографический анализ. В: «Женщины на работе и дома». М., 1978
5. Слука А.Е., Слука Н.А. География населения с основами демографии. Учебно-методическое пособие. –М.: Изд. МГУ. 2000.

II БОБ. ДУНЁ АҲОЛИСИ ЖОЙЛАШУВИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1 §. Аҳолининг жамият тараққиётидаги аҳамияти

Илмий манбаларда, планетамизда инсон аجدодларининг пайдо бўлиши даври ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Кўпчилик антрополог олимлар фикрича, сайёрамизда бундан 5-7 миллион йил аввал инсоннинг дастлабки аجدодлари (австралопетиклар) Африка ва Осиёнинг тропик ва экваториал зоналарида яшаганлар. Кейинчалик, 2-3 миллион йил илгари австралопетиклардан энг қадимги инсонлар - архатроплар шаклланганлар ва улар шарқий Африкада истиқомат қилганлигини қайд этганлар. Бундан 600-700 минг йил муқаддам инсоннинг энг қадимги аждоди бўлган архантроплар палеонтропларга, питекантропларга ва неандерталларга айланганлар ва Жанубий-Шарқий ҳамда Жануби-Ғарбий Осиёга тарқалганлар. Ниҳоят, бундан тахминан 40-50 минг йил илгари инсоннинг онгли (*Homo Sapiens*) аждоди шаклланган. Онгли инсоннинг пайдо бўлиши мезолит даврига тўғри келади. Аҳоли сони ҳақидаги дастлабки маълумотлар эрамиздан олдинги даврга тааллуқли бўлиб, бу даврда ер куրрасида бор-йўғи бир неча юз минг киши яшаган холос. Аниқроқ маълумотлар бўйича эса эрамиздан 7 минг йил олдин ер куրрасида 10 миллионга яқин аҳоли яшаган. Улар ҳар 1000 йилда тахминан 10-20%дан кўпайиб борган холос. Аҳолининг бундай секин кўпайиши аҳоли ўртасида ўлим ҳолларининг юқорилиги билан изоҳланади. Ушбу даврда аҳоли ўртасида ўлимнинг умумий коэффициенти 50 промилле ва ундан юқори бўлган. Айниқса, болалар ўлими юқори бўлган. Аҳоли кўпроқ очликдан, касалликлардан ва қабилалараро бўлиб турган тўқнашувлардан кўпроқ ҳалок бўлганлар, аҳолининг ўртача умр кўриши 20 йилдан ошмаган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳар бир давр аҳолисининг кўпайиши ва ривожланиши шу даврнинг ишлаб чиқариш усули ва муносабатларига, турмуш даражасига, яшаш шароитларига бевосита боғлиқ бўлган. Жамият ривожланишининг биринчи босқичида ер юзи бўйича аҳолининг кўпайиши жуда секин кечган. Аҳоли сонининг кўпайиб боришида ва жойлашувида қабилалар жойлашган масканларнинг табиий шароитлари, сув ресурслари, иқлим асосий омил ҳисобланган. Турли табиий офатлардан баъзи қабилалар қирилиб кетган. Айниқса, совуқ иқлими, киши узоқ давом этувчи ҳудудларда аҳоли совуқдан, очарчиликдан кўплаб ҳалок бўлган. Ана шу боис, Евросиёнинг шимолий қисмида аҳоли жуда сийрак жойлашган. Америка ва Австралияда ҳам палеолит даврининг охирларида жуда кам аҳоли истиқомат этган. Табиий шароити инсон яшаши учун қулай, сув ресурслари мавжуд ҳудудларда, яъни, Ўрта Ер денгизи атрофларида Шимолий Африка, Евросиё материгининг жанубларида эса аҳоли зичроқ жойлашган.

Ибтидоий жамоа даврида, аҳолининг яшаш шароити жуда оғир эди. Инсонлар ғорларда истиқомат этишган. Тоғ тошлардаги табиий ғорлар одамлар учун яккаю-ягона бошпана вазифасини ўтаган. Энг муҳими қорин тўйғазиш,

бирон бир жойда тунаш бўлган. Улар овчилик ва турли хил ёввойи ҳолдаги мевалар билан кун кўришган, табиий офатларга қарши кураша олмаганлар. Муҳитнинг табиий таъсирига онгли чоралар қўллай билмаслик сабабли, аҳоли ўртасида ўлим ҳам юқори бўлган. Манбаларда ёзилишича, ибтидоий жамоа даврида аҳолининг ўртача умр кўриши 20-25 ёшни ташкил этган, холос. Ибтидоий давр одамлари ҳозирги давр одамларига нисбатан 3-3,5 марта кам яшаганлар. Шундай бўлса-да, аҳоли сони секинлик билан кўпайиб борган.

Аҳолининг кўпайишининг асосий сабаби туғилишнинг юқори даражада (физиологик имконият даражасида) бўлганлигидир. Демак, бир томондан инсоннинг табиий офатлар олдида ожизлиги, ўзаро низолари, унинг камайишига олиб келса, туғилишнинг юқори даражада бўлганлиги аҳолини сонининг маълум даражада кўпайиб боришига сабаб бўлган. Ибтидоий жамоа даврида Жанубий Осиё, Европанинг жанубий қисмларида, Африка қитъасида аҳоли нисбатан зич яшаган. Евросиё материгининг шимолий районларида, Австралия ва Америка қитъаларида аҳоли жуда сийрак жойлашганлар.

Ушбу даврда дунё аҳолиси сони жуда секин ўсган. Тахминан, бундан 15 минг йил илгари мезолит даврининг бошида ер куրрасида бир неча миллион аҳоли яшаган холос. Неолит даврининг бошида эса дунё аҳолисининг сони 10 миллионга етган. Аҳолининг асосий қисми Жанубий ва Шарқий Осиёда, Африка ва Жанубий Европада жойлашган. Евросиёнинг шимолий қисмида аҳоли деярли яшамаган. Австралия ва Америка ҳудудларида ҳам жуда кам аҳоли яшаган. Шимолий ва Жанубий Америкада 100-200 минг киши яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор[1].

Ибтидоий жамоа даврида туғилиш жуда юқори (1000 одамга нисбатан 45-50 та) даражада бўлган туғилишни юқори бўлиши эрта никоҳлар ва тартибсиз оила - никоҳ муносабатлари билан боғлиқ бўлган. Лекин, кўпчилик аёллар ўзларининг репродуктив даврини тўла яшай олмаганлар. Уларнинг оғир турмуш шароити, тиббий хизматларнинг деярли йўқлиги ҳаётдан жуда эрта кўз юмишига сабаб бўлган. Кўпчилик аёллар фарзанд кўриш даврида ҳалок бўлганлар. Ушбу даврда нафақат аёллар балки, болалар, эркалар ўлими ҳам юқори бўлган. Аҳоли очликдан, антисанитария ҳолатидан, қабилалараро тўқнашувлардан, ёввойи ҳайвонлар ҳужумларидан, табиий офатлардан ва турли эпидемиялардан ҳалок бўлганлар. Ибтидоий давр одамларининг ўртача яшаш муддати 20-25 йилни ташкил этган, ҳозирги давр одамларининг умр кўриш муддати 3-3,5 марта камроқ бўлган. Аҳоли гуруҳ-гуруҳ қабила бўлиб яшаганлар. Баъзи қулай табиий шароитда яшаган қабилаларда аҳоли сони нисбатан тезроқ кўпайган, табиий шароити ноқулай жойда яшаган қабилаларда эса очлик, камбағаллик туфайли аҳоли ўлими юқори бўлиб, аҳоли сони жуда секин ўсган.

Инсоният тарихида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши озиқ-овқатнинг кўпайишига, аҳоли моддий турмуш шароитининг бир мунча яхшиланишига олиб келди. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, синфий жамиятга асос солди. Ибтидоий жамият бағрида феодалистик ишлаб чиқариш муносабатлари шакллана бошлади. Дунёда маданият марказлари пайдо бўлди, аҳолига тиббий хизмат

кўрсатиш йўлга қўйилди. Содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳоли ўртасида ўлим ҳолларининг камайишига, ўртача умр кўриш муддатининг бир мунча узайишига сабаб бўлди. Натижада дунё аҳолисининг сони кўпая бошлади. Қадимги Мисрда фиръавнлар даврида 7 миллион, Вавилонда эса 4-5 миллион аҳоли яшаганлиги маълум. Эрамизнинг бошида дунё аҳолиси 200-250 миллионни ташкил қилган ва уларнинг 50 миллиони Рим империясида истиқомат қилган. Аҳолининг яна 40-50 миллиони эса Хитой ва Ҳиндистон ҳудудларида яшаган. Шимолий-Ғарбий Европада эса аҳоли жуда кам - 1 миллион атрофида бўлганлиги қайд этилади [1;7].

Ўрта асрларда ҳам дунё аҳолисининг сони кўпайиб борди. Лекин, аҳолининг кўпайиш суръати нисбатан секин бўлган. Биринчи минг йилликнинг охирида дунё аҳолисининг сони 250-300 миллионни ташкил этган бўлса, иккинчи минг йилликнинг ўрталарида бу кўрсаткич 400-500 миллионга етган. Жумладан, Осиёда – 250 миллион, Европада – 65-80 миллион, Америкада - 30-50 миллион, собиқ Иттифоқ ҳудудида эса - 15-20 миллион аҳоли истиқомат қилган. Ушбу даврда баъзи давлатларда босқинлар, урушлар, хўжаликларнинг барбод бўлиши натижасида аҳоли сонининг камайиб кетганлиги ҳам кузатилади.

Аҳоли сонининг кўпайиб боришида жамият ишлаб чиқаришининг мукаммаллашиб бориши, жамиятда содир бўлган меҳнат тақсимотлари – яъни чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши алоҳида омил ҳисобланади. Эрамиздан 7-8 минг йил олдин Яқин Шарқ ҳудудларида жуда кўп қабилалар овчиликдан чорвачиликка, деҳқончилик қилишга ўта бошладилар. Хўжалик юритишдаги янги шароит қабилалардаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилади, озиқ-овқат захиралари яратилди. Натижада, аҳолининг ўлим ҳоллари нисбатан камайди. Лекин, аҳолининг турли эпидемиялардан, қабилалар орасида бўлиб турувчи урушлардан ўлим ҳоллари юқори эди.

Хўжалик юритишнинг янги шакли сабабли, қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга мунтазам кўчиб юриши бирмунча барҳам топди. Қабилалар деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиши натижасида ўтроқ ҳаётга ўта бошладилар. Бу ҳол эса аёллар аҳволининг бир оз яхшиланиб, туғилишнинг кўтарилишига сабаб бўлди. Туғилишнинг кўтарилиши эса дунё аҳолиси сонининг кўпайиб боришига олиб келди. Ушбу даврда эрта никоҳлар ва кўпболалилик деярли барча аҳолига хос бўлган. Лекин синфий жамиятнинг пайдо бўлишида туғилишга салбий таъсир этувчи баъзи омиллар ҳам шакллана бошлади. Масалан, кулдорлик даврида куллар, аскарлар аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнида иштирок этмасдилар. Шунингдек, баъзи диний қарашлар; масалан, буддизм руҳонийларининг никоҳсизлик ва фарзандсизлик ҳолатларини инсон руҳини кутқариши мақсадида қўллаб қувватланарди. Ишлаб чиқариш кучларининг янада такомиллашуви аҳоли ўртасида синфлар ва давлат пайдо бўлишига олиб келди. Жамият аста-секин ибтидоий тузумдан кулдорлик даврига (синфий жамиятга) ўтди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади. Жамият таракқиётидаги бу ўзгаришлар аҳолининг ибтидоий тузум даврига нисбатан анча тез эди. Бунинг асосий сабаби никоҳга кириши, туғилишнинг

чекланмаганлиги эди. Кулдорлик тузуми даврида ҳам аҳоли ўртасида ўлим анча юқори бўлган, сабаби – кўпгина қишлоқ ва шаҳарларда аҳолининг жуда зич жойлашуви ва гигиена-санитария шароитларнинг йўқлиги туфайли юқумли касалликларнинг кенг тарқалганлигидир.

Аҳоли ўртасида маданиятнинг ривожланиши, қадимий марказларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу маданият марказлари ер куррасининг суғориладиган ҳудудларида (Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа ҳудудлар) шаклландилар. Дунё ҳудудларида умумий аҳоли сони эрамыздан аввалги 5 минг йилликда 30 миллион атрофида бўлган. Ана шу даврда ер юзида аҳоли жойлашувининг ҳозирги ареаллари пайдо бўлган.

Инсоннинг яшаш учун кураши бориб-бориб, жамият тараққиётида ижобий (прогрессив) ўзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқариш кучлари ривожлана бориб, кишилар дастлаб чорвачилик, кейинроқ эса деҳқончилик билан шуғулланишга ўтдилар, очликка, касалликларга қарши кураш бошладилар. Энди улар меҳнат қилиб, моддий маҳсулотлар яратадилар. Ҳунармандчилик, савдо ривожланди ва шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Инсон ҳаётидаги бу ижобий ўзгаришлар уларнинг ҳаёт шароитини яхшилади.

Синфий жамиятнинг шаклланиши, дунё ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишидаги фарқлар, аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатди. Баъзи ҳудудларда антисанитария шароити, ёппасига тарқалган эпидемиялар ва урушлар оқибатида аҳоли ўртасида ўлим ниҳоятда юқори бўлган. Баъзи ҳолларда қишлоқлар аҳолисиз қолганлар. Ушбу давр учун аҳоли такрор барпо бўлишида ибтидоий жамиятдагидек, умумий бир хусусият - туғилишнинг юқорилиги сақланиб қолган эди. Кўпболалилик нафақат урф-одатлар, балки давлат сиёсати, дин, айниқса ислом ва индуизм томонидан ҳам қўллаб қувватланар эди.

2 §. Аҳолининг айрим тарихий даврлардаги сони ва динамикаси

Инсоният тараққиёти тарихидаги дастлабки "Маданий-техник революция" ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожланишига сабаб бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланди. Бу ҳол эса ўз навбатида дунё аҳолиси сонининг кўпайишига олиб келди.

Эрамызнинг бошида ер шари аҳолисининг сони 200-250 млн. киши атрофида эди. Аҳолининг асосий қисми Рим империясида, Хитой ва Ҳиндистонда жойлашган. XI-XV асрларда дунё аҳолисининг маълум қисми мўғул-татар, турк урушлари туфайли қирилиб кетдилар. Айниқса, бу урушлардан Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатлари аҳолиси катта талофат кўрдилар. Урушлар нафақат аҳолининг бевосита қирилиб кетишига, балки хўжаликларни, ишлаб-чиқаришнинг издан чиқиши ҳисобига содир бўлган очарчилик сабабли ҳаётдан бевақт кўз юмишларига олиб келганлар. Агар дастлабки 500 йилда (1000-1500 йиллар) ер юзи аҳолиси 135 миллионга кўпайган бўлса, 1500-1750 йилларда ёки 250 йилда эса бу кўрсаткич 288 миллионни ташкил қилди, яъни аҳолининг

ўсиши 2 марта тезлашди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳолининг ўсиши янада тезлашди. XX асрдан ер шари аҳолиси ҳар йили 1 фоизга кўпая бошлади.

Аҳоли сони ва таркиби, унинг бажарадиган вазифалари билан боғлиқ ҳолда баҳоланади. Аҳоли авваламбор ўзидан кўпаядиган, ўзини такрор барпо қиладиган-биосоциал организмдир. Аҳоли шу билан бирга жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ва истеъмолчисидир. Ана шу нуқтаи назардан аҳоли сони таркиби, ўсиш суръатлари, жойлашишига хос хусусиятларни таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Инсоният тарихининг катта даври давомида яъни неолит давридан бошлаб аҳоли сони ва таркиби анъанавий деб аталувчи тип таъсирида такрор барпо этилган. Унга жуда юқоридаги ҳар 1000 кишига нисбатан туғилганлар сони 40-45 ни ташкил этади туғилиш ҳамда юқори даражадаги ўсиш (30-35 %) 8 паст даражадаги табиий ўсишга хос эди.

Ер шари аҳолисининг динамикаси тўғрисида маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

2-жадвал

Ер шари аҳолисининг ўсиши

Йилнома	Давр	Даврнинг давом этиши	Давр бошида аҳоли сони (млн киши)	Аҳоли сони ўртача йиллик ўсиши
Эраминдан 7000 йил аввал	Неолит	5000	10	-
	Антик давр	7000	50	0,03
(янги эра)	Янги эранинг бошланиши ўрта асрларни дастлабки йиллари	2000	230	0,1
1000 йил	Ўрта асрлар	1000	305	0,02
1500 йил	Ўрта асрнинг якуний даври	500	440	0,1
1650 йил	Янги замоннинг бошланиши	150	550	0,3
1800 йил	Янги замон	150	952	0,5
1900 йил	Янги замон якуний даври	100	1656	0,8
1950 йил	Энг янги замон	50	2527	1,0
1980 йил	Яқин ўтган давр	30	4430	1,9
2000 йил	Ҳозирги давр	20	6024	1,5

Аҳолининг такрор барпо қилинишининг ушбу тип иқтисодиёт ва унга хос ижтимоий муносабатлар билан бевосита алоқадор эди. Бунда кўп болали оилани

ташкил қилишга интилиш, айниқса хўжалик ишларида отага кўмак берувчи ўғил болаларнинг мавжудлигига ва сонининг кўп бўлишига катта эътибор қаратилади. Ота-она оилада 3-4 фарзандга эга бўлмоқчи бўлишса, унда аёл мазкур миқдордагидан 2-3 марта кўп бола туғиш лозим эди, чунки ўлим, айниқса, гўдаклар ва болалар ўлимининг ниҳоятда юқорилиги туғилган болаларнинг ярмидан кўпини йўқотишга сабаб бўлар эди.

Бир неча минг йиллар мобайнида, ўлим даражасининг жуда юқорилиги ва аҳоли ўсишининг паст бўлишлиги ўзининг объектив сабабларига эгадир.

3-жадвал

Жаҳон аҳолисининг сони, динамикаси ва унинг айрим ҳудудлар бўйича тақсимланиши. (млн.)

	1950	1960	1970	1980	1990	1995	1999	2025
Жами иш тартиби	2516	3019	3694	4433	5246	5702	5982	8054
Осиё	1399	1702	2147	2623	3123	3451	3637	4923
Ғарбий Осиё	50	66	86	112	145	168	186	303
Марказий Осиё	496	619	787	972	1215	1355	1451	2101
Жанубий-Шарқий Осиё	182	226	288	356	439	485	520	722
Шарқий Осиё	671	791	986	1183	1324	1442	1481	1798
Россия	113	119	130	138	148	147	147	138
Европа	436	487	527	556	578	581	582	580
Шимолий Европа	78	82	87	89	91	94	95	99
Ғарбий Европа	133	154	166	173	180	181	183	188
Шарқий Европа	116	133	146	155	162	162	159	150
Жанубий Европа	109	118	128	139	145	144	145	143
Африка	224	280	361	481	645	720	771	1290
Шимолий Африка	52	65	83	109	140	162	170	249
Ғарбий Африка	65	81	106	144	198	159	223	408
Шарқий Африка	63	80	106	142	196	226	235	387
Марказий Африка	27	33	40	52	69	83	94	188
Жанубий Африка	17	21	26	33	42	50	49	57
Америка	331	415	570	612	726	774	815	1083
Шимолий Америка	166	199	227	252	275	193	303	374
Марказий Америка	37	50	68	92	119	126	135	700
Жанубий Америка	111	146	190	239	297	319	339	463
Кариб ҳавизаси	17	20	25	29	35	36	37	46
Австралия ва океания	13	16	19	23	26	28	30	41

Даставвал, бу моддий ва санитар гигиеник шарт-шароитларнинг қониқарсиз аҳволда эканлиги, қолаверса, вақти-вақти билан тақрорланиб турувчи очарчилик, ўлат, вабо ва чечак эпидемиялари натижасида юз минглаб одамларнинг қирилиб кетиши каби омиллар ўз таъсирини кўрсатган. Ер шарида бундай офатлар 200-

400, 1600-1650 йиллар ичида қайд этилган бўлиб, ўша даврларда аҳоли сони умуман ўсмади, 1300-1400 йиллар давомида қора ўлат эпидемиясининг таъсирида сайёра ўз аҳолисининг 1/4 қисмидан ажради, унинг сони кескин камайди. Аҳоли кўрсаткичларига охири кўринмаётган урушлар ҳам катта салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Урушлар XVIII асрда 5,2 млн кишининг ёстиғини қуритди.

XIX асргача бўлган даврда демографик жараёнларда сезиларли сифат ўзгаришлари бўлмаган. Ундан кейинги даврда аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларида демографик ўтиш жараёни бошланди. У оила бажарадиган вазифаларнинг кескин ўзгариши, турмушнинг нисбатан яхшиланиши, аҳолининг еш таркибидаги силжишлар ва бошқа омиллар билан боғлангандир.

Демограф олимлар демографик ўсиш жараёнини 4та кетма-кет келувчи фазани ўз ичига олишини илмий асослаб берганлар.

Биринчи фаза- учун туғилишининг юқори даражада сақланиши ва ўлимнинг кескин қисқариши оқибатида вужудга келувчи жуда юқори даражадаги табиий ўсишга хосдир.

Иккинчи фаза- кўп болали оиладан кам оилага ўтиш, ўлимнинг қисқарилиши, туғилишнинг эса камайиши натижасида табиий ўсишнинг пасайиши билан ифодаланади.

Учинчи фаза- авваламбор аҳоли ичида қариялар сони ва уларнинг ўсиши ҳамда туғилишнинг аста-секин пасайиши натижасида ўлим бирмунча кўтарилади. Мазкур босқичда аҳоли сони жуда кам миқдор суратларда ўсади ёки қисқаради.

Тўртинчи фаза- туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари тенглашади, аҳолининг улуши ўсиши барҳам топади.

Демографик ўтиш даври даставвал Европада XVIII асрда бошланади. Шунда табиий ўсиш 20-30% га тенг бўлди, буни ҳақиқатдан ҳам демографик инқилоб деб аташ мумкин. Чунки 10-20 йил олдин атиги 5-10% га тенг бўлган табиий ўсиш қисқа вақт ичида 2-3 мартага ошди. Ушбу жараён Европада 100-150 йил давом этди. Ундан кейинги даврда Европа мамлакатлари демографик ўтишнинг иккинчи фазосига ўтди. Ҳозир ушбу мамлакатларнинг кўпчилиги демографик ўтишнинг учинчи фазосидадирлар. Бинобарин, Германия, Австрия, Белгия, Италия, Дания, Венгрия, Нидерландия аҳолини оддий такрор барпо этилиши ҳам айрим йилларда таъминланмаганлиги кузатишмоқда, яъни ўлганларнинг сони туғилган болалар сонидан кўп бўлмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги демографик ўтиш жараёнининг 1-фазасини ўтамоқда.

АҚШ, Япония, Канада, Австралия мамлакатлари 2-фазани бошидан кечирмоқдалар. Хитой ва бошқа бир қатор мамлакатлар ушбу 2-фазага ўтиш арафасида турибди. Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё мамлакатларида 1-фазадан 2-фазага ўтиш учун замин тайёрланди, бу жараён яқин 10-15 йил мобайнида бошланса, ажаб эмас. Дунё аҳолиси ана шу давр ичида 2,4 марта ўсди. Бундан ҳам юқори кўрсаткич Осиё (2,6) ва Африкага (3,6) хос бўлди. Мазкур кўрсаткич Европада, 1,4 мартага тенг бўлди. Сўнгги йилларда сайёра аҳолисининг мутлоқ сони ўртача 3286 млн кишига етмоқда. Аҳоли сонининг юқори суръатлар билан ўсиши Африкада айрим минтақаларда эса Марказий ва Жанубий Осиёда,

Марказий Америкада кузатилмоқда. Шу вақтнинг ўзида Европанинг айрим минтақаларида аҳоли сони жуда паст суръатлар билан ўсмоқда ёки деярли ўзгармаяпти.

3 §. Аҳолининг дунё ҳудудлари бўйлаб жойлашуви ва унинг омиллари.

Илмий манбаларда қайд этилишича, Ер куррасида аҳоли яшаб келган масканлар, ареалларнинг кўпчилиги жуда қадимдан бошлаб шаклланиб келган. Дунё ҳудудлари бўйлаб аҳолининг жойлашуви ҳақидаги дастлабки маълумотлар эраиздан 5 минг йил олдинги даврга тааллуқли бўлиб, ушбу даврда дунё аҳолисининг 66 фоизи (20 млн киши) Хорижий Осиёда, 17 фоизи (5 млн киши) Африкада, 10 фоизи (3 млн киши) Хорижий Европада, 3 фоизи (1 млн киши) МДХ давлатларида, 3 фоизи (1 млн киши) Шимолий ва Лотин Америкасида ҳамда 1 фоизи (0,5 млн киши) Австралия ва Океанияда жойлашган экан. Энг қадимги аҳоли масканлари инсон яшаши учун зарур биологик ресурслар мавжуд бўлган жойларда, яъни Осиёнинг жануби ва Шимолий Африкада Ўрта Ер денгизидан то Тинч океанигача бўлган ҳудудларда жойлашганлар. Бу ҳудудларда аҳоли жуда узоқ вақт овчилик билан шуғулланган. Кейинчалик ушбу ҳудудларда чўллашиш жараёнлари кучайган. Аҳолини овчилик билан яшашлари учун имкониятлар қисқариб кетган.

Эраизнинг бошларида аҳоли аста-секин деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлайди. Моддий неъматларни ўзлари меҳнат қилиб яратишга ўтадилар ва хўжалик юритишнинг ишлаб чиқариш тури етакчилик қила бошлайди. Аҳоли маълум жойларда ўтроқ бўлиб яшайдилар, масканлар курадилар. Натижада, аввал қишлоқ масканлари кейинчалик эса, шаҳарлар пайдо бўла бошлайди. Аҳолининг турмуш тарзи, овқатланиши яхшилана боради. Инсон ҳаётида ижтимоий ўзгаришлар содир бўлади, ёзув шаклланади, фан ва тиббиёт, маданият ривожлана боради. Аҳолининг турмуш тарзи яхшилангач, юқорида қайд этилганидек, ўлим ҳоллари камаяди, аҳолининг ўртача умр кўриш муддати ҳам узаяди. Натижада, ер куррасида аҳоли сони, аҳоли масканлари кўпайиб боради. Аҳоли зичлиги айниқса, деҳқончилик билан шуғулланиши учун табиий имкониятлари мавжуд, суғориладиган ерларда чорвачилик билан шуғулланиш имкони бор ҳудудларга нисбатан юқори бўлган. Масалан, Нил, Фрот, Дажла, Ганг, Хуанхе дарёлари ҳамда Ўрта Ер денгизи соҳилларида эраизнинг бошида аҳоли зичлиги 1 км² га 10 кишини ташкил этган. Ана шу даврда кўчманчи чорвачилик ривожланган Осиё ҳамда Африканинг чўл ва чала чўл зоналарида аҳоли зичлиги 1 км² га 1 кишидан тўғри келар эди.

Жамиятнинг тараққий этиб бориши, ишлаб чиқариш усуллариининг шаклланиши, жаҳон демографик вазиятида қатор ўзгаришларга олиб келди. XIX-XX асрга келиб, ер юзи аҳолиси жуда юқори суръатлар билан кўпая борди. Аҳолининг дунё ҳудудлар бўйлаб жойлашувида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлди. Аҳоли зич ҳудудлардан, айниқса, Европадан Америка ва Океания ҳудудларига кўплаб аҳоли кўчиб кетди. Кейинги икки минг йилликда ер юзида аҳоли жойлашуви кескин ўзгарди. Эраизнинг дастлабки йилларида сайёраиз

аҳолисининг 82,7 фоизи Европа ва Осиё ҳудудларида жойлашган бўлса, 2000 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 15 фоизга камайди ва 67,7 фоизни ташкил этди. Америка, Австралия ва Океанияда истиқомат этувчи аҳоли ҳиссаси эса дунё аҳолиси умумий сонидан ортиб борди. Эрампдан кейинги 1000 йилда дунёда 305 миллион аҳоли истиқомат этган бўлса, унинг 63,9 фоизи Хорижий Осиёда, 14,8 фоизи Хорижий Европада, 13,1 фоизи Африкада, 3,3 фоизи МДХ давлатлари ҳудудида, 4,6 фоизи Америкада ва 0,3 фоизи Австралия ва Океанияда яшаган. 2000 йилда эса дунё аҳолиси сони 6 миллиард 55 миллионга етди ва унинг 59,3 фоизи Хорижий Осиё, 8,4 фоизи Хорижий Европа, 13 фоизи Африка, 4,8 фоизи МДХ давлатлари, 14 фоизи Америка ва 0,5 фоизи Австралия ва Океания давлатларида истиқомат этадилар [2]. Кейинги минг йилликда Америка, Австралия ва Океания ҳамда МДХ ҳудудларида истиқомат этувчи аҳолининг салмоғи 5 марта кўпайган.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда ер юзи ҳудудлари бўйлаб аҳоли нотекис жойлашган. Сайёрампда аҳоли жуда зич (1 км^2 га 1000 киши) яшайдиган ҳудудлар билан бир қаторда аҳоли яшамайдиган ҳудудлар ҳам учрайди. Бу ерларда ҳаво ҳарорати жуда паст, сув йўқ ва бошқа сабаблар мавжуд. Бундай ҳудудлар ер шарига куруқликнинг 10 фоизини ташкил этади. Уларга Шимолий ва Жанубий кутблар, баландлиги 5000 метрдан зиёд тоғлар ва саҳролар киради. Ер курампдаги куруқликнинг 50 фоизи эса аҳоли яшаши учун табиий шароитлар нисбатан пастроқ бўлиб, уларда аҳоли сийрак - 1 км^2 га 1 кишидан жойлашгандир. Ушбу ҳудудларга тундра, ўрмон-тундра, шимолий тайга, чўл, чала чўл ва нам экваториал ўрмонлар киради. Куруқликнинг 25 фоизига аҳоли зичлиги 1 км^2 га 1-10 кишини ташкил этиб, бу ерлар аҳоли нисбатан сийракроқ жойлашган. Ер курампдаги куруқликнинг қолган 15 фоизига эса аҳоли зичлиги 1 км^2 га 10 кишидан ошади [3].

Ер шарига аҳоли яшайдиган асосий ҳудудлар 78^0 шимолий кенглик ва 54^0 жанубий кенглик орасига жойлашгандир. Ер юзига аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар жуда қадимдан маданият марказлари бўлиб келган Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиё, Шимолий Африкадаги дарё водийлари ҳамда Европадаги саноат марказлари бўлиб, улар ер шарига куруқликнинг бор-йўғи 7 фоизини ташкил этадилар. Бу ҳудудда дунё аҳолисининг деярли 70 фоизи жойлашгандир. Ер шарига аҳолисининг $4/5$ қисми текисликлар ва 500 метргача бўлган баландликларда жойлашганлар. Бундай ҳудудлар ер юзига куруқликнинг 28 фоизини ташкил этади.

Ҳозирги даврда (2004 й.) ер курампдаги куруқликнинг инсон яшаши мумкин бўлган қисмида ўртача аҳоли зичлиги 1 км^2 га 48 кишидан тўғри келмоқда. Агар аҳоли 1 км^2 га 50 кишидан тўғри келса, аҳоли зичлиги юқори ҳисобланади. Аҳоли дунё қитъалари бўйлаб ҳам жуда нотекис жойлашгандир. Маълумотларга қараганда, XXI аср бошларида аҳоли зичлиги 1 км^2 га Осиёда 75 киши; Европада 70 киши; Африкада 22 киши; Америкада 19 киши; Австралия ва Океанияда 3 кишини ташкил этмоқда.

Ер юзасида аҳоли жуда нотекис жойлашган. Доимий аҳолиси мавжуд ҳудудлар 430 млн км.кв. доирасида 46 кишини ташкил қилади.

4-жадвал

Дунё ҳудудлари бўйича аҳоли жойлашувидаги ўзгаришлар (1950-2000 й.й.)

Кўрсаткичлар	Аҳоли млн, киши			Аҳоли зичлиги, киши/км			Аҳолининг ўсиш теми, %		
Йиллар	1950	1975	2000	1950	1975	2000	1950-55	1975-80	2000-05
Африка	224	414	820	7,4	13,7	27,1	2,2	2,8	2,5
Осиё	1402	2406	3689	44,1	75,7	116,1	1,9	1,9	1,3
Европа	547	676	729	23,8	29,4	31,7	1	0,5	-0,1
Лотин Америкаси	166	320	515	8,1	15,6	25,1	2,7	2,1	1,4
Шимолий Америка	172	244	309	8	11,3	14,3	1,7	0,9	0,7
Океания	13	21	28	1,5	2,5	3,3	2,2	2,1	1,3
Дунё бўйича	2524	4081	6090	18,6	30,1	44,9	1,8	1,7	1,3

Шу вақтнинг ўзида ушбу кўрсаткич Осиёда 116,3 ва Европада 102,5 кишини ташкил этса, Африкада 27,5, Шимолий Америкада 23,8, Жанубий Америкада 19,6 ҳамда Австралия ва Океанияда атиги 3,7 кишига тенг. Умумлаштириб айтганда, ер қуруқлик юзасининг атиги 2% да унда мавжуд аҳолининг 70% и истиқомат қилади. Аҳоли ниҳоятда зич жойлашган минтақалар қаторига Жанубий Шарқий ва Шарқий Осиё, Европа ҳамда АҚШ нинг шимоли-шарқий қисми “Босвони” мегаполиси киради.

Дастлабки учта минтақада аҳоли қадимдан жойлашган бўлиб, у ҳозирги вақтда жуда юқори даражадаги аҳоли зичлигига эга. Бундай ҳолат авваламбор, бу ерда меҳнатни жуда кўп талаб қилувчи шиличиликнинг қадимдан мавжудлиги, қолганларда эса XVIII-XIX асрларда юз берган саноат инқилоби ҳамда ундан кейинги даврда амалга ошган индустриаллаштириш жараёни билан узвий боғлангандир. Инсонларнинг қадимдан океан ва денгиз соҳилларида жойлашишига интилиши ҳам муҳим омиллардан биридир. Ҳозирги вақтда денгиз ва океанлардан қуруқликка томон 200 км га чўзилган ер юзаси қисмида инсониятнинг ярмидан зиёд қисми 50 км кенгликка эга бўлган қуруқлик қисмига эса дунё аҳолисининг деярли 30 фоизи тўплангандир. Дунё бўйича аҳоли жуда зич жойлашган ҳудудлар қаторига қуйидагилар киради: Рус, Элзас ва Латарингия ҳамда Париж ва Лондон районлари, Шимолий Италия, Москва райони, Донбасс, Фарғона водийси, Шарқий Хитой, Ҳинд-Ганг текислиги, Ява ороли, Япония ороллари, Нил дельтаси, АҚШ нинг шимоли-шарқи, Буюк кўллар районлари ва Сансан мегаполиси. Аҳоли сийрак тарқалган ҳудудлар ер қуруқлик юзасининг анча катта қисмини эгаллайди. Шулар қаторига биринчи навбатда, экстремал табиий шароитларга эга бўлган геологик объектлар, чўллар, тропик ўрмонлар, баланд тоғлар, тундра муз ҳудудлари ва бошқалар киради.

Дунёда аҳоли энг юқори зичлиги Шарқий Осиёда жойлашган Хитой-Макао (Аомин) давлатида қайд этилади ва бу ерда аҳоли 1 км² га (2004 й.) 20000 кишини ташкил этган.

5-жадвал

Дунё мамлакатларининг аҳоли зичлиги

1975 йил			2004 йил		
№	Давлатлар	Зичлик	№	Давлатлар	Зичлик
Аҳолиси энг сийрак жойлашган давлатлар					
1	Гвиана (Франция)	0.7	1	Ғарбий Сахрои Кабир	0.1
2	Ботсвана	1	2	Намибия	2
3	Мўғилистон	1	3	Гвиана(Франция)	2
4	Намибия	1	4	Суринам	2
5	Ливия	1.5	5	Мўғулистон	2
6	Мавритания	1.5	6	Ливия	3
7	Австралия	1.8	7	Мавритания	3
8	Габон	2	8	Ботсвана	3
9	Исландия	2	9	Канада	3
10	Канада	2.3	10	Исландия	3
Аҳолиси энг зич жойлашган давлатлар					
1	Мальта	950	1	Макао-Хитой	20000
2	Барбадос	568	2	Сингапур	7000
3	Бангладеш	533	3	Гонконг-Хитой	6181
4	Бахрайн	411	4	Мальта	1333
5	Мальдив ороллари	400	5	Мальдив ороллари	1000
6	Пуэрто-Рико	348	6	Бангладеш	981
7	Жанубий Корея	345	7	Барбадос	750
8	Нидерландия	333	8	Бахрайн	700
9	Мартиника	330	9	Фаластин	609
10	Бельгия	321	10	Морис	600

Аҳоли зичлиги бўйича Хитой-Макаосидан кейинги ўринларда Бангладеш (981 киши), Фаластин (609 киши), Жанубий Корея (487 киши), Ливан (450 киши), Нидерландия (398 киши), Ҳиндистон (330 киши), Исроил (324 киши), Филиппин (279 киши), Вьетнам (245 киши), Буюк Британия (244 киши), Германия (231 киши), Италия (192 киши), Покистон (200 киши), Нигерия (148 киши), Хитой (135 киши), Польша (118 киши), Европа Иттифоқи - 15 (117 киши), Индонезия (114 киши), Европа Иттифоқи-25 (114 киши), Франция (109 киши), Туркия (92 киши), Испания (84 киши) ва Миср (73 киши) давлатлари туради[4].

Аҳоли энг сийрак жойлашган давлатлар Мўғулистон, Австралия, Канада бўлиб, бу давлатларда аҳоли зичлиги 1 км² га 2-3 кишини ташкил этади. Дунёда аҳолиси энг зич ва сийрак жойлашган давлатлар (1 км² га киши)*. Дунёда аҳоли сони кўпайиб бориши билан мутаносиб, унинг зичлиги ҳам ортиб боради. 1920 йилда дунёнинг аҳоли яшайдиган қуруқлик қисмида ўртача км² га 13 кишини ташкил этган бўлса, 1950 йилда 18, 1983 йилда 34, 1999 йилда 45 ва 2004 йилда 48 кишини ташкил этган.

Аҳоли жойлашувида асосий табиий омил бу - сув ресурсларидир. Чунки. инсоннинг яшаши ва ҳўжалик юритишида сув энг зарур шароитдир. Дунё аҳолисининг 1/3 қисми Дунё океани соҳиллари бўйлаб (океандан 50 км узоқликда) жойлашгандир. Бу ҳудуд дунёдаги қуруқликнинг атиги 12 фоизини ташкил этади холос. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи эса Дунё океанидан 200 км узоқликда бўлган масофа ҳудудида жойлашган. Ер шари бўйича Дунё океани соҳилларида, дарё водийларидаги пасттекисликларда яшовчи аҳоли салмоғи мунтазам ошиб бормоқда. XX аср охири XXI аср бошларида дунё қитъаларининг барчасида аҳолининг 42-73 фоизи денгиз сатҳидан 200 м баланд бўлган пасттекисликларда жойлашганлар. Ер қуруқлик юзасининг 15% и умуман ўзлаштирилмаган ва доимий аҳолиси йўқ ҳудудлар ҳисобланади.

6-жадвал

XX аср охирида дунё аҳолисининг баландлик зоналари бўйича жойлашуви*

Материклар	Денгиз сатҳидан баланд зоналарда жойлашган аҳоли салмоғи, фоизда					
	200 м.гача бўлган текисликларда	200-500 м бўлган баландликларда	500-1000 м бўлган паст тоғларда	1000-2000 м бўлган ўртача баландликда	2000 м дан баландликда	Жами
Европа	69	24	7	0	0	100
Осиё	56	24	12	7	1	100
Африка	32	24	21	21	21	100
Шимолий Америка	47	33	8	8	4	100
Жанубий Америка	42	15	23	9	11	100
Австралия ва Океания	73	18	8	1	0	100
Жами қуруқликда	56	24	12	7	1	100

*Манба: Максаковский В.П. Географическая картина мира ч. 1 - Ярославль; Верхневолжское издательство, 1996; Симагин Ю.А. Территориальная организация населения. М, 2004 - стр. 48.

Айрим мамлакатлар ичида аҳоли зичлигининг жуда юкори кўрсаткичлари Сингапур (5000 кишига яқин), Бангладеш (1000 кишига яқин), Нидерландия (460), Корея Республикаси (454), Бельгия, Япония ва бошқаларига 200 кишидан ортиқ жами 40 мамлакат, жуда паст кўрсаткичлар Россия, Канада, Австралия,

Мавритания, Ливия, Намибия ва бошқаларга хос. Аҳоли жойлашишидаги жуда катта ҳудудий фарқлар мавжуд мамлакатлар қаторига Россия, Канада, Хитой, Бразилия, Миср, Туркменистон, Тожикистон, Индонезия киради.

Дунё аҳолисининг вертикал минтақалар бўйича ҳам нотекис тақсимланган. Аҳолининг ярмидан ортиқ қисми (56% и) мутлоқ баландлиги 250 метргача бўлган текислик ва нотекисликларда истиқомат қилади. Салкам чорак қисми (24%) 200-500 м баландликка эга текислик ва қирраларга тўғри келади. Демак ер шари аҳолисининг 80% и мутлоқ баландлиги 500 метргача бўлган ҳудудларда жойлашган. Шу вақтнинг ўзида 2000 метрдан баланд ҳудудларга ер шари жами аҳолисининг атиги 10% и тўғри келади. Умуман олганда, аҳоли сони ва улуши баландлик ошган сари камайиб боради. Лекин бу қонуният Жанубий Америкада ўз ифодасини топмайди. Бундан ташқари, Осиё қитъаси билан жами қуруқлик юзасига хос бўлган кўрсаткичлар бир хил миқдорлар ҳослиги билан ажралиб туришлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Океан ва денгиз соҳиллари, дунё водийларидаги паст текисликларда жойлашган аҳоли салмоғи дунё аҳолисининг таркибида мунтазам ортиб бормоқда. Соҳилларда аҳолининг концентрациялашуви жараёни ҳамон давом этмоқда. Бу ҳол сув ресурсларининг инсон ҳаёти учун нақадар муҳимлиги билан боғлиқдир.

4 §. Дунё аҳолисининг дунё қитъалари бўйича тақсимланишига хос хусусиятлар

Дунё аҳолисининг 1000 йилдан 2005 йилгача бўлган ўсишига назар ташласак, аҳоли энг тез кўпайган давр XX асрдир. Агар ер шари аҳолисининг бири миллиардга етиши учун салкам 850 йил керак бўлган бўлса, 2 миллиардга етиши учун 85 йил, 3 миллиардга етиши учун 25 йил, 4 миллиардга ўтиши учун - 15 йил, 5 миллиардга ўтиши учун 20 йил ва 6 миллиардга ўтиши учун - 15 йил вақт керак бўлди. Сайёрамиз аҳолисининг кўпайиб бориши унинг алоҳида ҳудудлари бўйича ҳам фарқ қилади. Европада XIV асрнинг ўрталаридан фан ва техника ривожланди. Илмий манбаларда, ушбу даврни Европа учун "уйғониш" даври, деб қайд этилган.

Европа дунё қитъалари ичида аҳолининг ўртача зичлиги юқори ҳудуд ҳисобланади. Аҳоли зичлиги Европанинг шаҳарларида юқори бўлиб қишлоқ ҳудудларидан кескин фарқ қилади. Бу қитъада аҳоли умуман яшамайдиган ҳудуд йўқ. Европада аҳолиси нисбатан сийрак жойлашган ҳудудлар Исландия ва Норвегия давлатлари бўлса, аҳолиси энг зич жойлашган Нидерландия (Голландия) ва Бельгия давлатларидир. Аҳоли зичлиги бўйича Мальта давлати алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу ерда аҳоли зичлиги 1 км² га 1000 кишидан ортади. Мальтада ичишга яроқли сув жуда танқис бўлиб, у сотилади. Тоза сувнинг қиммати ҳатто винодан ҳам юқори туради. Европада аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд Рейн дарёси водийсидир. Бу ер жуда ҳосилдор лёссимон тупроқлардан таркиб топган бўлиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан

шуғулланиш учун жуда қулайдир. Шунингдек, Дунай дарёси водийси бўйлаб ҳам аҳоли зичлиги нисбатан юқоридир.

Европада урбанизация даражасининг юқорилиги шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари аҳолиси зичлигидан кескин фарқ этишига олиб келган. Ўз навбатида, қишлоқ ҳудудларида ҳам аҳоли зичлиги ўзаро фарқ қилади. Масалан, Мальтада қишлоқ аҳолиси 1 км² га 100 кишидан ортиб борганда, Европанинг шимолий ҳудудларида аҳоли сийрак жойлашган. Чунки бу ерлар иқлими совуқ бўлиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун унчалик қулай эмас. Шундай бўлсада, Европада аҳоли зичлиги 1970-2004 йилларда 1 км² га 94 кишидан 123 кишига ошган.

Фан-техниканинг ривожланиши туфайли Европада ишлаб чиқаришда қўл кучи ўрнига техникалардан фойдаланиш аҳоли ижтимоий-иқтисодий шароитини маълум даражада яхшиланишига олиб келди. Аҳоли сони олдинги даврларга нисбатан тезроқ суръат билан кўпая борди. Лекин Европанинг, баъзи ҳудудларида тарқалган эпидемиялар (1624, 1639 йилларда ўлат ва вабо), очарчиликлар (Италияда 1739-1741 йиллардаги картошка очарчилиги) ва урушлар (Туркия ва Болқон уруши XVI асрда; 1618-1648 йиллардаги 30 йиллик уруш, 12 йил давом этган испан мероси учун урушлар 1701-1713 йиллар) аҳоли сонининг кўпайиб боришига салбий таъсир этган албатта. Шунингдек, Европа аҳоли сони динамикасига эмиграция ҳам таъсир кўрсатди. Американинг кашф этилиши жуда кўп испанлар, португаллар, инглизлар, голландлар ва французларнинг Америкага кўчиб кетишига сабаб бўлган. XVI-XVIII асрларда Европадан Америкага 2 миллиондан кўп аҳоли кўчиб кетган.

Шундай бўлсада, Европа аҳолиси XVI-XVIII асрларда олдинги даврларга нисбатан юқори суръат билан кўпайиб борган. Масалан, 1700 йили Европа аҳолиси тахминан 100 миллион киши бўлса, 1800 йилда бу кўрсаткич 150-160 миллионга етган. Франция, Англия, Германия ва Испания Европанинг аҳолиси энг кўп давлатларидан бўлганлар. XIX аср Европа аҳоли такрор пайдо бўлишида янги босқичга ўтган. Ўлимнинг камайиб бориши, аҳоли ўртача умр кўриш муддатининг узайиши ва туғилишнинг нисбатан юқори даражада сақланиб туриши аҳолининг табиий кўпайишини юқори даражага олиб чиқди. Ушбу даврда Европада туғилишнинг умумий коэффициенти 35-40 промилле, ўлим эса 20-25 промилле атрофида бўлган. Аҳоли табиий ўсиши ҳар 1000 кишига 15-20 кишини ташкил этган. Европадан Америкага аҳоли эмиграциясининг кўпайиши, Франция императори Наполеоннинг урушлари аҳоли сонининг кўпайишига салбий таъсир этган.

Лекин, аҳолининг табиий кўпайишининг юқорилиги туфайли Европа аҳолисининг умумий сони динамикасида камайиш кузатилмайди. XIX асрда Европадаги кўп сонли аҳолига эга бўлган давлатлар Франция, Буюк Британия, Германия аҳолиси 1,5-2 баробарга кўпайган.

XX аср Европа аҳолисининг такрор барпо бўлишида янги босқич бўлди. Европадаги қатор давлатларда XX асрнинг иккинчи ярмида туғилиш кескин камайиб борди. Туғилиш билан бир қаторда ўлим ҳоллари ҳам қисқарди.

Аҳолининг такрор барпо бўлишида янги демографик ўтиш даври бошланди. Натижада, Европада аҳоли сонининг ўсиш суръати бир мунча камайди. 1900-1950 йилларда Европа аҳолиси ҳар йили ўртача 1,8 миллион атрофида кўпайган бўлса, 1970-2000 йилларда эса, бу кўрсаткич 1,2 миллионни ташкил этган. Ҳозирги даврда (2005 й.) Европа аҳолиси 728 миллионга етган ва бу кўрсаткич дунё аҳолисининг 11,4 фоизини ташкил этади. 2000-2005 йилларда Европа аҳолисининг ўртача йиллик ўсиши фоизга тенгдир.

Осиё дунёнинг энг кўп сонли аҳоли истиқомат этаётган ҳудудидир. XX асрга қадар бўлган давр учун Осиё аҳолисининг сони ҳақидаги аниқ маълумотлар деярли йўқ. Тахминларга кўра, XVI-XVIII асрларда Осиё аҳолисининг умумий ўсиш суръати Европа аҳолисининг ўсиш суръатига жуда яқин бўлган. Чунки, Осиёда ушбу даврлар нисбатан тинч, йирик қирғин-барот урушлар бўлмаган давр ҳисобланади. Осиёнинг баъзи давлатлари демографик жараёнларида кескин ўзгаришлар кузатилади. Масалан, Японияда оилаларда фарзанд туғилишини назорат этиш бошланди. Натижада аҳолининг табиий кўпайиш суръати секинлашди ва аҳоли сони ҳам мос равишда нисбатан кам суръатда кўпайди. XIX аср бошларида Осиёнинг энг кўп сонли ҳудди Хитойда аҳоли сони 300- 350 миллион, Ҳиндистонда - 150-210 миллион, Японияда - 27-30 миллион кишини ташкил этган.

XIX асрда Осиё давлатларининг кўпчилигида янги сиёсий ўзгаришлар юз берди ва уларнинг кўпчилиги мустамлакаларга айлантирилди. Мустамлакачилик аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир этди. Дехқонларнинг асосий қисми ерсиз қолдилар, хунармандчилик, ишлаб чиқариш маълум даражада суствлашди. Бу ҳолатлар аҳолининг табиий кўпайиш суръатига салбий таъсир этди. Очарчилик, эпидемия ва мустамлакачиларга қарши урушлар натижасида аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари кўпайди. Миллионлаб аҳоли юқоридаги омиллар натижасида қирилиб кетди. XIX асрнинг охирида Ҳиндистонда 20 мартага яқин очарчилик бўлиб, уларда қарийб 20 миллион атрофидаги аҳоли ўлган. Ана шу даврда (1887 й.) Хитойнинг Шимолий районларида ҳам очарчилик бўлиб, 4-6 миллион киши ҳалок бўлган. XIX асрда Осиёнинг қатор ҳудудлари аҳолисида туғилиш 45-50 промиллени, ўлим эса 40-45 промиллени ташкил этган. Аҳолининг табиий ўсиши жуда паст бўлиб, 5-10 ‰ нигина ташкил этган. Натижада, Осиё аҳолисининг сони жуда секинлик билан кўпайган. 1900 йилларда Осиё аҳолисининг сони 900-1000 миллион кишидан ошган. Шу жумладан, Хитойда аҳоли сони 400-500 миллион, Ҳиндистонда 285 миллион ва Японияда 44 миллионга етган.

XX асрда Осиё мамлакатларининг кўпчилигида аҳоли ўлимининг кескин камайиши кузатилади. Натижада, Осиё аҳолисининг сони кўпайиб борди. 1900-2000 йилларда Осиё аҳолиси сони 950 миллиондан 3585 миллионга етди ёки 3,6 марта кўпайди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, XX асрнинг иккинчи ярмида Хитой, Ҳиндистон каби аҳоли кўп сонли давлатларда туғилишни назорат этиш давлат сиёсати даражасида олиб борилиши аҳолининг ўсиш суръатини бир мунча секинлашишига олиб келди. Осиё аҳолисининг дунё аҳолиси таркибидаги

салмоғи 1000-2000 йилларда 63,9 фоиздан 59,3 фоизга тушди. Ҳозирда (2005 й.) Осиёда дунё аҳолисининг 60,6 фоизи истиқомат этмоқда.

Осиёда дунё аҳолисининг энг асосий қисми яшайди. Шарқий Осиёда Япония, Хитой, Корея, Жанубий Осиёда эса Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби давлатлар жойлашган бўлиб улар дунёдаги аҳоли зичлиги бўйича энг юқори ўринларни эгаллайдилар. Осиё аҳолисининг асосий қисми Ҳинди-Хитой яриморотида ва Индонезия оролларида жойлашган бўлиб, уларда аҳоли зичлиги 1 км² га 400-500 кишига тенг. Ғарбий Осиёдаги Арабистон ярим оролида, Марказий Осиёда, айниқса, Мўғулистонда аҳоли сийрак жойлашган бўлиб, 1 км² га 2-3 кишини ташкил этади. Осиёда дунё қишлоқ ҳолисининг катта қисми истиқомат этиб, улар қишлоқ хўжалиги, айниқса деҳқончилик учун қулай ерларга- Хитойдаги йирик дарёлар, Ганг, Брахмапутра, Меконг, Хуанхе водийларига, Кореянинг жанубий қисми, Япония ва Ява оролларида жойлашганлар. Бу ҳудудлар майдони 2.5 млн.км² бўлиб, уларда тахминан 2 миллиарддан ортиқ аҳоли яшайди. Аҳоли зичлиги Ҳинд ва Ганга водийларида, Хуанхе ва Янцзи дельталарида жуда зич бўлиб 1 км² га 1000-1500 кишини ташкил этади.

Осиёда аҳоли доимий яшамайдиган тоғли ҳудудлар (Тибет, Ҳиндикуш, Ҳимолай тоғликлари) ва чўллар, чала чўллар (Руб-ал-Хали, Такла-Макон, Гоби чўллари) ҳам мавжуддир. Афғонистон, Сурия, Эрон, Туркия давлатлари ҳудудларида ҳам аҳоли жуда сийрак жойлашгандир. Чунки бу ҳудудлар табиий шароити ҳам деҳқончилик учун унча қулай эмас. Бу ерларда асосан аҳоли кўчманчи чорвачилик билан шуғулланадилар.

Африка - инсон аجدодларининг энг қадимий масканлари шаклланган шу билан бир қаторда аҳолиси ер қуррасининг қатор ҳудудларига нисбатан жуда сийрак жойлашган ҳудуд 1970-2004 йилларда Африка аҳолисининг ўртача зичлиги 1 км² га 12 кишидан 29 кишига етган. Африкада аҳолининг сийрак жойлашуви бир томондан табиий шароитнинг қишлоқ хўжалиги учун қулай эмаслиги, ичимлик ва суғориш учун сув танқислиги бўлса, иккинчи томондан Африка давлатларининг жуда узоқ давр Европа давлатлари мустамлакаси бўлиб келганлигидир, чунки колония шароитида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши секин боради. Ушбу жараён эса аҳолининг табиий ўсишига, ўртача умр кўриш муддатига салбий таъсир этади. Натижада, аҳоли сони секин кўпаяди ва аҳоли зичлиги ҳам шунга мос тарзда ўзгаради. Жуда кўп Африка давлатларида аҳоли зичлиги 1 км² га киши атрофида тўғри келади. Аҳолининг энг юқори зичлиги Маврикий, Реюньон ва Виктория кўли атрофида жойлашган Руанда ва Бурунди давлатларида (1 км² га 400-450 киши), аҳоли энг сийрак жойлашуви эса Ботсвана, Ливия ва Намибия давлатларида (1 км² га киши) кузатилади.

Африкада ҳам аҳоли жойлашувида сув ресурсларининг асосий омил эканлиги яққол кузатилди. Нил дарёси водийларида, Гвинея қўлтиғи, Тунис, Жазоир ва Марокашнинг соҳил бўйларида аҳоли зич жойлашган Саҳрои Кабир, Калахари ва Ливия чўлларида, тропик ўрмонларда аҳоли жуда сийрак, баъзи чўлларда умуман аҳоли яшамайди. Африканинг баъзи ҳудудларида аҳоли жуда

нотекис жойлашган. Бундай ҳол айниқса, Африканинг Шимолий қисмига характерлидир. Бу ерда аҳоли энг зич жойлашган - Ўрта Ер денгизи соҳиллари билан аҳолиси жуда сийрак Сахрои Кабир чўли мавжуддир. Шунингдек, Марокашнинг шимоли-ғарбида унинг аҳолисининг 90 фоизи истиқомат этади ва аҳоли зичлиги 1 км² га 200 кишидан ортиқ, жануби-шарқий қисмидаги тоғ ва чўл ҳудудларида аҳоли зичлиги 1 км² га 1 кишини ташкил этади.

Африка аҳолиси сонининг кўпайиб боришида унинг табиий шароити билан бир қаторда ижтимоий аҳволи ҳам асосий омил ҳисобланади. Ўрта асрларда Шимолий Африкага арабларнинг босқинчилик юришлари туфайли жуда кўп аҳоли қирилиб кетган. Бу қитъа аҳолиси асосан Ғарбий Судан ва Шарқий Африка аҳолиси ҳисобига бир мунча кўпайган. Шарқий Африкада араб султонликлари ташкил топиб, Осиё давлатлари, айниқса, Ҳиндистон билан савдо-сотик ривожланади.

Иккинчи минг йилликда Африка халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна кескин ўзгаришлар содир бўлди. Африкани европалиklar томонидан мустамлакага айлантририлиши натижасидаги урушлар, африкаликларни кулларга айлантририб сотилиши, уларнинг оғир турмуш шароити, очлик, иссиқ иқлим шароитида турли юкумли касалликларнинг тез-тез тарқалиб туриши натижасида аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичлари юқори даражада бўлган. 1650-1800 йилларда Африка аҳолиси тахминан 100 миллиондан 90 миллионга камайган.

XVI-XVII асрларда Африкадан негрларни кул қилиб, Америкага олиб кетилиши ҳам Африка қитъаси аҳолиси сонига салбий таъсир этган. Айниқса, Шимолий Америкадаги инглиз колонияларига Африкадан миллионлаб негрларни кул қилиб ҳайдаб келишган. 1680-1786 йилнинг ўзида Шимолий Америкага Африкадан 2 миллион негрлар келтирилган. Юзлаб негрлар йўлда ҳалок бўлишган ва кул сифатида сотиб юборилган. Юқорида қайд этилган ҳолат натижасида Африканинг Ангола, Мозамбик ва Ғарбий Судан каби давлатларида аҳоли жуда камайиб кетган.

XIX асрга келиб, Африканинг ижтимоий-сиёсий аҳволи бир мунча яхшиланди. Қатор давлатлар мустамлака тузумидан озод бўлдилар. Дунёда инсон ҳуқуқларини, миллатлар манфаатини ҳимоя этиш ташкилотлари ташкил топиб, фаолият кўрсата бошлади. Африка халқларининг ҳимоя қилиниши, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, билим олишларига имкониятлар яратила бошланди. Натижада қитъа аҳолиси ўртасида ўлим ҳоллари камайди. Туғилишнинг юқори даражада бўлиши ва ўлимнинг камайиши Африка аҳолисининг тез суръатлар билан кўпайишига олиб келди. 1900 йил Африка аҳолиси тахминан 130 млн. кишини ташкил этган. 1900-2000 йилларда эса қитъада аҳоли сони 6 марта кўпайди ва 790 миллионга етди. XX аср Африка аҳолисининг энг юқори суръат билан кўпайган давридир. 2005 йил маълумотларига қараганда, Африка аҳолисининг сони 885 миллионни ташкил этиб, бу кўрсаткич дунё аҳолисининг 13,8 фоизини ташкил этди [5].

Илмий манбаларда ёзилишича, Америка Христофор Колумб томонидан кашф этилган даврга қадар, 25 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган. Аҳолисининг

асосий қисмини ацеклар (Марказий Мексика) давлатида ва инклар империясида (Перу) яшаганлар. Америка аҳолисининг туб халқи ҳиндулар бўлиб, улар кичик-кичик қабилаларга бирлашганлар. Ҳозирги АҚШ ҳудудида 1 миллионга яқин ҳиндулар яшаганлар.

Американинг европаликлар томонидан босиб олиниши учун бўлган урушлар натижасида туб аҳоли бўлмиш ҳиндуларнинг қириб юборилишига сабаб бўлган. Масалан, Кариб денгизи ҳавзасидаги оролларда 1 миллиондан ортиқ ҳиндулар яшаганлар. XVI аср ўрталарида европаликларнинг босқинчилик урушлари туфайли маҳаллий аҳоли вакилларида бир неча юз кишигина қолган холос. Мексикада эса XIX аср бошларида 1,5 млн. АҚШда XIX аср охирида 200 минг ҳиндулар яшаганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Америка туб аҳолисининг камайиб кетишига уларнинг европаликлар томонидан аёвсиз қириб ташланиши билан бирга, европаликлар олиб келган эпидемиялар "янги касалликлар" (қизамиқ, вабо, тошмалар), плантациялардаги оғир, антисанитария шароитдаги меҳнатлар ҳам сабаб бўлган.

Америка ҳам ер шаридаги аҳолиси нисбатан сийрак жойлашган ҳудуддир. Бу ерда аҳоли зичлиги 1970-2004 йилларда 12 кишидан 22 кишига етган. Американинг аҳоли зичлиги бўйича дунёдаги тутган ўрни Африкага яқиндир. Шимолий Америкада аҳоли Жанубий Америкага нисбатан сийрақроқ жойлашган. АҚШнинг Атлантика океани соҳилларидаги Род-Айленд, Нью-Жерси, Пенсилвания штатларида аҳоли зич жойлашган. Ғарбга борган сари аҳоли зичлиги камая боради. Миссисипи водийсидан сўнг тоғли ҳудудлар бошланади ва бу ерларда аҳоли жуда сийрак бўлиб, 1 км² га аҳоли зичлиги 1 кишидан тўғри келади. Тинч океани соҳилларида айниқса, Калифорнияда аҳоли зичлиги яна ортиб боради. Канадада ҳам аҳоли нисбатан сийрак жойлашган бўлиб, аҳоли 1 км² га 3 кишидан тўғри келади. Канаданинг жуда катта майдонини тайга ва тундра зоналари эгаллаган. Канаданинг шимолий қисми, арктик оролларда, АҚШ га тегишли Аляска ярим оролида аҳоли жуда ҳам сийрак жойлашган ва баъзи ҳудудларда аҳоли умуман яшамайди.

Жанубий Америкада ҳам аҳоли асосан сув ресурсларига яқин, океан соҳилларида жойлашган. Бразилиянинг Сан-Пауло штатида ва шарқий қисмида, Парана паст текислигида аҳоли нисбатан зичроқ жойлашган бўлиб 1 км² га 50-55 кишини ташкил этади. Кариб денгизи ороллари ва Бермуд оролларида ҳам аҳоли зич жойлашган. Аҳоли зичлиги юқорида қайд этилган оролларда 1 км² га 300-400 кишидан ортиқ. Амазонка водийсининг тропик ўрмонлар ва ботқоқликлар билан қопланган қисми, баланд Анд тоғлари ва Атакама чўлида эса аҳоли деярли яшамайди.

Америка аҳолиси сони XIX аср бошига қадар, асосан Европадан келган иммигрантлар келиши ва Африкадан кўплаб негр-қулларни олиб келиниши ҳисобига секинлик билан кўпайган. Ушбу даврда Америка қитъасида 25 миллион атрофида аҳоли бўлиб, уларнинг 18 миллиони Лотин Америкасида, 5,3 миллиони АҚШда яшаганлар.

XIX асрда Европадан Америкага кўчиб келувчилар сони яна ҳам кўпайди. Иммигрантларнинг асосий қисми иқтисодий аҳвол яхшироқ бўлган АҚШ га қаратилган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида (1821-1900 йилларда) АҚШга келган иммигрантлар сони 20 миллион атрофида бўлган. АҚШ аҳолиси иммигрантлар ҳисобига жуда тез суръат билан кўпайиб борган ва 1900 йилда 76 миллионга етган ва уларнинг таркибида 10 миллион атрофида негрлар қайд этилган.

Канада ҳудудларига ҳам XIX асрда иммиграция жараёни кучайди. XIX аср бошларида Канадада бор йўғи 300 минг атрофида аҳоли истиқомат этган бўлса, 1851 йили аҳоли сони 1,8, 1900 йилда эса 5,8 миллионга етди. Аср бошида фақат Канадага дастлаб Европадан келган француз эмигрантлар аҳолининг асосий қисмини ташкил этган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ ҳудуди тамоман эгаллаб олинган, иммигрантлар оқими Канадага қаратилади. Лотин Америкаси давлатлари аҳолиси эса XIX асрларда АҚШ ва Канада аҳолисига нисбатан секинроқ кўпайган. Асосан аҳолининг кўпайиши табиий ўсиш ҳисобига содир бўлган.

Бу даврда Европадан иммигрантларнинг келиши Шимолий Америкага нисбатан камроқ бўлган. Иммигрантлар асосан Аргентина, Бразилия ва Уругвай давлатларига келганлар. 1900 йилда Лотин Америкада 60-65 миллион аҳоли истиқомат этган. 1850-1900 йилларда бутун Америка қитъаси аҳолиси 65 миллион кишидан 145 миллион кишига кўпайган, ёки 2,2 марта ошган. 1900-2000 йилларда эса аҳоли сони 6 мартага кўпайди. Бу давр Америка аҳолисининг энг юқори суръат билан кўпайган давридир. Аҳоли сонининг ортиб бориши дунё аҳолиси таркибида унинг ҳиссасини 3 баробар кўтарилишига сабаб бўлди. 2005 йил Америкада дунё аҳолисининг 13,7 фоизи истиқомат этмоқда. 1000 йилда бу кўрсаткич 4,6 фозини ташкил этган эди.

Океания ва Австралия аҳоли зичлиги бўйича дунёда энг охириги ўринда туради. 1970-2004 йилларда аҳоли зичлиги 1 км² га кишидан 3,8 кишига етган. Лекин материкнинг ичида аҳоли жуда нотекис жойлашган. Океания оролларида аҳоли зичлиги нисбатан юқори. Гуам оролларида аҳоли зичлиги 1 км. га 200 кишидан ортиқ бўлса, Ғарбий Самоада - 50 кишидан ортиқни ташкил этади. Австралияда эса аҳоли унинг Шарқий, Жанубий-Шарқий ва Жанубий-Ғарбий қисмида, Янги Жанубий Уэльс, Викториа ва Квинсленд штатларида зич жойлашган. Бу ҳудудларда Австралиянинг 80 фоиздан кўп аҳолиси истиқомат этади. Марказий ва Шимолий Австралияда жойлашган чўл ҳудудларида маҳаллий туб аҳоли- австралиялик аборигенлар яшайдилар. Улар жуда кам бўлиб, зичлик ҳам нисбатан пастдир. Шунингдек Янги Гвинеянинг жанубий қисмида ҳам аҳоли сийрак жойлашган. Чунки бу ҳудудлар майдонида ҳам табиий шароит инсон яшаши учун ноқулай бўлиб, тропик ўрмонлар ва ботқоқликлардан иборатдир.

Аҳолининг ер юзи бўйлаб жойлашуви қатор омиллар билан боғлиқ. Уларга табиий шароит, аҳоли манзилгоҳлари шаклланишининг тарихий хусусиятлари, демографик ўтишнинг ҳозирги босқичи, ривожланиш даражаси ва ҳўжалик

таркиби каби социал-иқтисодий омилларни киритиш мумкин. Аҳолининг жойлашувида энг асосий омил бу табиий шароитдир. Дунё аҳолисининг асосий қисми инсон яшаши учун қулай табиий шароитга эга бўлган мўътадил, субтропик ва тропик иқлим зоналарининг қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш имконияти бор ҳудудларида жойлашганлар.

Австралия ва Океания ҳудуди аҳолисига оид аниқроқ маълумотлар демографик манбаларда, XVIII асрнинг иккинчи ярмига тааллуқлидир. 1788 йилда ушбу қитъада 200-300 минг маҳаллий халқлар (аборигенлар) яшаганлар. Океанияда эса XVIII аср ўрталарида 3 миллион киши бўлганлиги тахмин этилади. Бу ҳудудда ҳам аҳоли шаклланишида Америка қитъасига ўхшаш европаликларнинг келиши билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар катта таъсир этган. Европаликлар билан тўқнашувлардан, эпидемиялардан Австралия аҳолисининг жуда кўп қисми қирилиб кетган. XIX асрнинг охирида Австралияда 100 минг нафар аборигенлар қолган холос. Шунингдек, янги зеландияликлар ҳам XVIII асрнинг охиридан XIX асрнинг охиригача қадар 200-250 мингдан 37,5 минг кишига камайиб кетганлар. XVIII асрнинг охиридан XIX асрнинг охиригача қадар, гавайиликлар сони 300 мингдан 31 мингга қисқарган.

XIX асрнинг охиридан бошлаб, Австралия ва Океания аҳолиси аралаш миллатлар ва европаликлар ҳисобига бир мунча кўпая бошлади. Айниқса, Австралия ва Янги Зеландия аҳолиси асосан европаликлар ҳисобига кўпайиб боришининг асосий сабаби Австралия ва Океанияда янги конларнинг топилиши ва ўзлаштирилиши эди. Европада ишлари юришмаган камбағал ва ўртаҳол кишилар тезда бойиб кетиш мақсадида бу ерга кўплаб кўчиб келишганлар. 1800-1850 йилларда Австралияга келган иммигрантлар сони 5 мингдан 405 мингга етган. Иммиграция ҳисобига Гавайи, Фиджи, Янги Каледония аҳолиси ҳам кўпая бошлади. Натижада, Австралия ва Океания аҳолисининг дунё аҳолиси таркибидаги салмоғи деярли 2 баробар кўпайди. 1900 йилда бу ҳудуд аҳолиси 6 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 миллионга етган. Ҳозирги кунда (2005 й.) Австралия ва Океания аҳолисининг сони 33 миллионни ташкил этмоқда.

5 §. Жаҳон аҳолисининг ирқий этник ва диний таркиби

Инсон ирқи – бу ўхшаш авлоддан авлодга ўтувчилар ташқи (тери-гавда) белгиларига эга, тарихий шаклланган одамлар гуруҳидир. Ҳозирги вақтда учта асосий европоид (оқ), негроид (қора)ларга монголоид (сарик) ирқларга ажралиш қабул қилинган. Айрим ҳолларда тўртинчи австралоид ирқи ҳам ажратилади. Катта ирқлар тарқалган ҳудудлар ўртасидаги чегаралар одатда аниқ бўлмасдан бир-бирига киришиб кетган. Ана шундай ҳудудларда ирқларнинг аралаш ўткинчи шакл ва типлари ҳосил бўлади. Дунё аҳолиси ижтимоий- иқтисодий ва маданий тараққиётининг ҳар хил босқичларида турувчи халқлардан этнослардан иборатдир. Этноснинг энг юқори даражаси миллат ҳудуди иқтисодиёти ва маданияти тилнинг барқарор тарзда умумийлиги бўйича ажралиб турувчи инсонлар йиғиндисидан иборат. Усуллар асосида миллатга хос умумий жиҳатлар

миллий ўзлигини англаш ҳиссиёти шаклланади. Дунёда уч-тўрт минг халқ бўлиб, уларнинг ичида аҳолисининг умумий сони юздан ҳатто ўнтадан ошмайдиган майда элатларда (Ҳиндистонда тоза, Бразилияда ботануза ва бошқалар) сони ўн миллион ва юз миллиондан зиёд бўлган йирик миллатлар мавжуддир. Шулар қаторига хитойлар, японлар, бразилияликлар, АҚШ америкаликлари, руслар, ҳиндистонликлар, бенгаллар, панжобликлар, беҳариар ливанликлар, немислар ва бошқалар қиради.

Миллий таркиби хилма хил бўлган Осиёда дунёда сони энг кўп бўлган халқлар яшайди. Осиёда мутлоқ сони 1 млн. дан ортиқ 110 га яқин бўлиб, уларнинг умумий миқдори қитъа аҳолисининг 98 фозини ташкил этади. Осиё мамлакатларининг аксарияти, кўп миллатдир. Ҳиндистон ва Индонезия давлатларида 15 тадан ортиқ халқ, Филиппинда деярли 100, Вьетнам ва Хитойда 50 дан ортиқ, Эрон, Афғонистон, Таиландда 30 ортиқ халқ истиқомат қилади. Аҳолининг этник ранг-баранглиги баъзи бир халқлар тарқалган ҳудудларнинг давлат чегараларига ҳудудларда компакт ҳолда яшайди.

Миллат, халқ ва элатларнинг ана шундай ҳудудий тарқалганлиги ва жойлашганлиги айрим мамлакатларда этник муносабатлар мураккаб тус олишига сабаб бўлади. Баъзи мамлакатларда эса бундай ҳолат этник низолар можароларга олиб келганда сиёсий вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлган (Яқин Шарқ минтақаси, Туркия, Россия, Хитой, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Руанда, Бурунди ва бошқалар).

Дунё мамлакатлари аҳолисининг миллий таркиби ва этник муносабатларининг хусусиятига кўра қатор гуруҳларга тақсимлаш мумкин.

Биринчи гуруҳга бир миллатли, яъни асосий миллати жами аҳолисининг 95 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этувчи мамлакатлар, буларга Европада Исландия, Ирландия, Норвегия, Дания, Полис Германия ва бошқалар. Осиёда Япония, КХДР, Корея Республикаси, Бангладеш, Монголия, Яман, Оман, Қатар ва бошқалар. Африкада Миср, Ливия, Сомали, Мадагаскар, Жанубий Африкадаги деярли барча мамлакатлар қиради.

Иккинчи гуруҳни ушбу кўрсаткич 70-95 фоизгача тенг бўлган мамлакатлар Буюк Британия, Франция, Финляндия, Руминия, Жазоир, Марокко, Зимбабве, Мавритания, Испания, Ботсвана, Хитой, Вьетнам, Камбоджа, Туркия, Сурия, Ироқ, Шри-Ланка, Сингапур, АҚШ, Австрия, Янги Зеландия ва бошқалар ташкил этади. Шулар қаторига Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон давлатлари ҳам қиради.

Учинчи гуруҳ мамлакатларида Эрон, Афғонистон, Грузия, Қирғизистон, Қозоғистон, Покистон, Малайзия, Лаос, Марказий, Шарқий ва Жанубий Африка мамлакатлари ва бошқалар асосий миллат умумий жами аҳолининг ярмидан камми ёки ортиқ бироқ 70% дан паст кўрсаткич билан ифодаланади.

Тўртинчи гуруҳда аҳолиси бир неча йирик мамлакатларга эга, лекин улардан бирортасининг улуши сезиларли бўлмаган мамлакатлар тўпланган Ҳиндистон, Индонезия, Филиппин, Россия, Швейцария, Ғарбий Европа, Африка мамлакатлари ва бошқалар. Маълумки, XX асрнинг сўнгги чорак асри давомида

этник таркиби мураккаб бўлган мамлакатларда миллатаро муносабатлар мураккаблашди. Ҳар хил мажоролар ва зиддиятлар вужудга келди. Шуларнинг барчаси ҳар хил тарихни ва ижтимоий сиёсий сабабларга эга. Бинобарин, европаликлар томонидан босиб олиниб, кейинчалик мустақил қилишга эришилган мамлакатда туб ва маҳаллий миллат вакиллари камситиш ҳоллари учраб туради.

Зиддиятларнинг иккинчи манбаи - бу кам сонли миллатларнинг ўзига хос тили ва маданиятини менсимаслик, камситиш. Буюк Британияда шотландлар ва уэльсликлар, Испанияда басклар, Францияда корсиколиклар, Канадада франканадаликлар ва бошқалар.

Миллий ва диний асосга эга бўлган мажоролар узоқ йиллардан бери Ҳиндистон, Шри-Ланка, Индонезия, Эриокио, Таереня, ННДР, Судан, Сомали, Малайзия, Хитой ва бошқаларда давом этмоқда. Диний ва ҳудудий манбадаги миллий ихтилофлар ярим асрдан ортиқ вақт давомида Исроил, иккинчи томондан Миср, Ливан, Сурия ҳамда Иордания ўртасидаги музокараларнинг ташкил қилинганлиги, бу дунё миқёсидаги катта ижобий силжишдир. Маълумки, дин жамият ҳаётида турмушида жуда катта роль ўйнайди. Бунда давлатнинг иқтисодий ривожланганлиги драмаси, аҳолининг таълимий даражаси катта аҳамият касб этмайди. Аҳолининг диний таркибини билиш ва уни тўғри баҳолаш, дунёда бўлиб ўтаётган миқёсини воқеа ва ҳодисаларнинг кўпчилигини тўғри тушуниш ва англашга имкон беради. Европада христианлик динини барча шакллари кенг тарқалган. Католик дини асосан қитъанинг жанубида, қисман ғарби ва марказида; православлик шарқи ва жанубий шарқида Собиқ иттифок мамлакатлари православлик ва ислом динлари кенг тарқалган. Осиёда барча дунёвий динлар ва йирик миллий динлар кенг тарқалган. Айниқса, ислом дини катта роль ўйнайди. Исломнинг суннийлик йўналиши Индонезия дунёда энг йирик мусулмон мамлакатларидир. Малайзия, Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Афғонистон, Жанубий-Ғарбий Осиёдаги барча араб мамлакатлари асосий ўрин эгаллайди. Исломнинг шиалик йўналиши Эрон, Озарбайжон, қисман Ироқ ва Яманда асосий дин сифатида тан олган ислом динига эътиқод қилувчиларнинг катта-катта гуруҳлари Филиппин, Комбаджа, Таиланд, Иёнка, Кипр, Шри-Ланька мамлакатларида мавжуд. Қуйидаги 6-жадвалда дунёда асосий динлар тарқалган давлат ва минтақалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари буддизм ва ламаизм кенг тарқалган. Индуизмга Ҳиндистон ва Непал аҳолисининг кўпчилиги эътиқод қилади. Конфуциялик ва даосизм динлари Хитойнинг асосий динлари ҳисобланади. Синтоизм Японияда тарқалган. Хитой, Япония, Корея, Индонезия, Малайзия ва бошқа мамлакатлар ҳам христиан динига эътиқод қилувчилар бор. Африканинг шимолий ғарби ва шарқида жойлашган кўпчилик мамлакатларда исломнинг суннийлик йўналиши ҳукмрон. Эфиопия, ЖАР ва бошқа қатор мамлакатларда христиан дини муҳим роль ўйнайди. Марказий ва Жанубий Африка аҳолисининг асосий қисми маҳаллий динларга эътиқод қиладилар.

Динлар географиясининг асосий кўрсаткичлари.

Дин	Эътиқод қилувчилар -нинг сони (млн. киши)	Тарқалган минтақалари ва мамлакатлари
Христианлик шу жумладан:	1259 дан ортиқ	Франция, Испания, Португалия, Италия, Австралия, Бельгия, Ирландия, Польша, Литва, Украина, Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, АҚШ, Хорватия, Канада, Кипр, Лотин Америкаси мамлакатлари, Филиппин, Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари, Корея, Япония, Хитой.
Католик	800	Турли минтақаларда..
Протестантлик	350	Шимолий Европа мамлакатлари, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Швеция, Латвия, Эстония, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, ЖАР, Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари, Корея, Япония, Хитой.
Проваславлик	100	Россия, Украина, Белоруссия, Молдава, Грузия, Бамария, Руминия, Сербия ва Мериогория федерацияси.
Ислом	1000 дан ортиқ	Албания, Босния, Туркия, Саудия Арабистони, БАА, Миср, Эрон, Ироқ, Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Малайзия.

Шимолий Америкада христианликнинг икки шакли католик ва протестантлик ҳукмрон. АҚШда протестантлар Канадада католиклар кўпроқ. Марказий Америкада аҳолининг аксарияти католикка эътиқод қилади. Худди шундай Жанубий Америкада ҳам католик дини ҳукмронлик қилади. Умуман олганда, Америка қитъасига барча католикларнинг ярмидан кўпи тўғри келади. Америкада ислом динига эътиқод қилувчилар АҚШ аҳолисининг маълум қисми ҳамда Кариб денгизи ҳавзасидаги баъзи бир ороллар аҳолисининг ичида мавжуд. Австралия ва Океанияда католик дини кенг тарқалган. Кейинги йилларда ҳалқаро муносабат сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва мафкурада ислом динининг ўрни кенгаймоқда ва аҳамияти ошмоқда.

Глоссарий

Христианлик – дунё бўйича эътиқод қилувчилар сони энг кўпчилиқни ташкил қилувчи дин. Янги эранинг I-асрида пайдо бўлиб, Европада кенг тарқалган. Унинг асосий йўналишлари: католиклик, протестантлик ва проваславлик.

Католиклик – христианликнинг ягона марказли йўналиши бўлиб, уни Рим папаси бошқаради. Бироқ, католик дини кенг тарқалган давлат Бразилия ҳисобланади.

Протестантлик – бир қанча оқимларга эга, улар: кальвинизм, лютеранлик, баптизм, англиканлик ва бошқалар.

Проваславлик – славян гуруҳидаги халқларда кенг тарқалган. Бироқ, славян гуруҳидаги халқларнинг барчаси ҳам проваслав эмас. Масалан, поляклар католиклар, ёки роман гуруҳидаги халқлардан руминлар проваславлардир.

Қўшимча маълумотлар

Рим папаси резиденциясини анъанага кўра, швейцарияликлар қўриқлайди. Швейцариялик қўриқчилар костюмлари 1505 йилдан кейинги даврда ўзгармаган. Бу либосларни ўз даврида Микеланджело ўйлаб топган. Папанинг илгари резиденцияси Авиньонда бўлган ва 1377 йилда ҳозирги Ватиканга кўчирилган. Ватикан давлати 1925 йилда пайдо бўлиб, диктатор Муссолини бу ерларни черковга совға қилган.

Ислом дини – дунёда эътиқод қилувчилар сонига кўра дунёда иккинчи ўринда туради. VII асрда араблар, сўнгра Жанубий ва Ғарбий Осиё халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб, иккита йирик мазҳабга ажратилади, яъни сунъийлик ҳамда шиа мазҳаблари. Дунё миқёсида эътиқод қилувчилар сонига кўра учинчи ўринни «буддизм» эгаллайди. Бироқ, «буддизм» барча динлар ичида энг қадимийси бўлиб, эра мизга қадар IV асрда пайдо бўлган.

Учта йирик динлардан ташқари дунё миқёсида кенгроқ тарқалган динлар ҳам мавжуд. Улар индуизм (Ҳиндистон), конфуцийлик ва даоцизм (Хитой), синтоизм (Япония) ва иудаизм (Яҳудийлар) кабилардир.

Савол ва топшириқлар:

1. Янги замон давригача аҳоли ўсишининг паст бўлишига нима сабаб бўлган?
2. Демографик ўсиш жараёни фазаларига тавсиф беринг.
3. Жаҳон аҳолисининг ҳудудлар бўйича тақсимланишидаги келгуси ўзгаришлар ҳақида нималарни биласиз?
4. Инсониятнинг қадимги авлодлари тўғрисида нималарни биласиз ва онгли одамларнинг пайдо бўлиши қайси даврга тўғри келади?
5. Ибтидоий жамоа даврида аҳолининг туғилиши, ўсиши, яшаш шароитларига тавсиф беринг.
6. Эрамик бошида дунё аҳолисининг кўпайишидаги ўзгаришлар қайси ҳудудда юз берди?
7. Ўрта асрларда дунё аҳолисининг кўпайишидаги ўзгаришлар қайси ҳудудларда юз берди?
8. Фан-техниканинг ривожланиши аҳоли сонига қандай таъсир кўрсатди?
9. Осиё ва Африка давлатлари аҳолиси сонига тарихий ўзгаришлар тўғрисида нималарни биласиз?
10. Европа ва Австралия аҳолисининг такрор барпо бўлиши тўғрисида нималарни биласиз?
11. Дунё ҳудуди бўйлаб аҳолининг жойлашуви тавсиф беринг.
12. Жамиятнинг тараққий этиб бориши аҳолининг жойлашуви қандай таъсир кўрсатди?
13. Аҳолининг дунё бўйлаб нотекис жойлашганлигининг сабаблари нимада?
14. Меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғи тўғрисида нималарни биласиз?
15. Ер шари аҳолисининг асосий қисми қайси кенгликларда яшайди ва нима учун?
16. Дунё аҳолиси зичлиги тўғрисида нималарни биласиз?
17. Урбанизация даражаси аҳолининг зичлигига қандай таъсир кўрсатади?
18. Аҳолининг ер юзи бўйлаб жойлашуви хусусиятлари ва омилларига тавсиф беринг.
19. Африкада аҳолининг жойлашуви таъсир кўрсатувчи омиллар қайсилар?
20. Америка қитъаси аҳолисининг жойлашуви хусусиятларига тавсиф беринг.
21. Жаҳон аҳолиси ирқларига тавсиф беринг.
22. Этнос, улус, миллат тушунчаларига тавсиф беринг.
23. Дунё аҳолисининг миллий таркибига тавсиф беринг.
24. Дунё мамлакатлари аҳолисининг миллий таркиби ва этник муносабатлар хусусиятларига кўра гуруҳларига тавсиф беринг.
25. Қайси мамлакатлар аҳолиси асосан христиан динига эътиқод қилади?
26. Аҳолисининг асосий қисми протестант динига эътиқод қилувчи мамлакатларни санаб беринг.
27. Асосан қайси мамлакатлар аҳолиси проваслав динига эътиқод қилади?
28. Ислом динининг суннийлик ва шиалик йўналишларига эътиқод қилувчи давлатларга таъриф беринг.
29. Индуизм, конфуцийлик, даосизм динларига таъриф беринг.

30. Католик динига асосан қайси ҳудудлар аҳолиси эътиқод қилади?

Назорат тестлари

1. Ибтидоий одамларнинг ўртача умр кўриши неча ёшни ташкил этган?

- А) 20-25
- Б) 40-50
- В) 60-70
- Г) 80-100

2. Неолит даврида қайси қитъада 100-200 минг киши яшаган?

- А) Европада
- Б) Осиёда
- В) Америкада
- Г) Австралияда

3. Қайси даврда дунё аҳолиси сони 300-400 млн. кишини ташкил қилган?

- А) Янги эрнинг бошланишида
- Б) Ўрта асрларда
- В) Ўрта асрнинг якуний даври
- Г) Янги замоннинг бошланиши

4. Кўп болали оиладан кам болали оилга ўтиш демографик ўтиш жараёнининг қайси фазасига тўғри келади?

- А) Биринчи
- Б) Иккинчи
- В) Учинчи
- Г) Тўртинчи

5. 2000-2005 аҳолининг ўсиш темпи Осиёда неча фоизни ташкил қилди?

- А) 1,3
- Б) 1,4
- В) 1,9
- Г) 2,5

6. Аҳолининг зичлиги 1 кв.км.га 20000 кишини ташкил қиладиган ҳудудни белгиланг.

- А) Бангладеш
- Б) Фаластин
- В) Жанубий Корея
- Г) Хитой-Макаоси

7. Словян халқларида кенг тарқалган динни белгиланг.

- А) Католиклик

- Б) Протестантлик
- В) Православлик
- Г) Синтоизм

8. «Буддизм» қачон пайдо бўлган?

- А) Эрализга қадар VII асрда
- Б) Эрализга қадар IV асрда
- В) Эрализнинг IV асрида
- Г) Эрализнинг VII асрида

9. Қайси халқ «Иудаизм» динига этикод қилади?

- А) Ҳиндистонликлар
- Б) Хитойликлар
- В) Японлар
- Г) Яхудийлар

10. Дунё бўйича ислом динига қанча киши этикод қилади?

- А) 350 млн.
- Б) 800 млн.
- В) 1000 млн.
- Г) 1260 млн.

Адабиётлар

1. Народонаселение мира. М.: 1974. С. –4.
2. Смагин Ю.А. Территориальная организация населения. М., 2004. 45- 46-бет.
3. Демографический-энциклопедический словарь. М.. 1985.. с. 274.
4. Население и общество. Информационный бюллетень Центра демографии и экологии человека Института народнохозяйственного прогнозирования РАН. Август, 2003., № 74
5. Население и общество. Информационный бюллетень центра демографии и экологии человека. Института народнохозяйственного прогнозирования РАН. 2006 г. № 76.

Қўшимча адабиётлар

1. Переведенцев В.И. Методы изучения миграции населения. -М., 1975.-231 б.
2. Урланис Б.Ц., Борисов В.А. (ред.). Народонаселение стран мира. Справочник. - М., 1984.
3. Ата-Мирзаев О., Гольдфарб Б. Перспективы воспроизводства населения Средней Азии. В: «Наше будущее глазами демографа». -М., 1979, с.113-119
4. Ата-Мирзаев О., Салиев А. Урбанизация в регионе. – В сб.: Народонаселения. М., 1985 Ата-Мирзаев О.Б. Многодетная женщина. Социально-демографический анализ. В: «Женщины на работе и дома». М., 1978
5. Слука А.Е., Слука Н.А. География населения с основами демографии. Учебно-методическое пособие. –М.: Изд. МГУ. 2000.

III БОБ. АҲОЛИНИНГ ТАБИЙ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШИ, ЗАМОНАВИЙ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

1 §. Аҳолининг табиий такрор барпо бўлиши

Аҳолининг қайта барпо бўлишида ўғил болаларнинг кўпроқ туғилиши муҳим ўрин тутди. Чунки аёлларга нисбатан эркалар ўлими деярли дунёнинг барча минтақаларида сақланиб келмоқда. Аҳоли қайта барпо бўлишининг барқарорлашуви мунтазам янгилаш кўриниш касб этувчи ишлаб чиқаришни, илм-фанни етарли даражада кадрлар билан ечиш учун хизмат қилади. Шу ўринда турмуш қурувчиларнинг ёши ҳам муҳим ўрин тутди. Жуфтликларнинг мувофиқлигини немис олими Зельгейм қуйидаги нисбатда белгилайди:

Агар аёл ёши	бўлганда эркак ёши
21 ёш	27 ёш
25 ёш	32 ёш
28 ёш	35 ёш
31 ёш	39 ёш
35 ёш	45 ёш
38 ёш	50 ёш

1979 йилда демограф олим А.Г.Вишневский шундай деган: «Аҳолининг қайта барпо бўлиши – гўё ўзгармас доимий жараён сифатида илм-фан диққатини узоқ вақт ўзига тортмади. Вақт ўтиб, унда шундай ўзгаришлар содир бўлдики, натижада катта ҳажмдаги муаммолар пайдо бўла бошлади ва бу муаммоларнинг ечимини топишга бутун дунё фани тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди». 1974 йилга келиб йирик демограф олим Б.Ц.Урланис «Проблемы динамики населения СССР» номли асарида аҳолининг келгусидаги ўсиш темпи вариантларини келтириш баробарида ишлаб чиқариш ва истеъмол масштабини белгилаш бевосита аҳолисининг келгусида қанча бўлиши билан боғлиқ эканлигини асослашга ҳаракат қилди.

Профессор Б.Ц.Урланис - режалаштирилган иқтисодиётда аҳоли сонининг ўсишини прогнозлаш ўзига хос роль ўйнаганини эътироф этгани ҳолда демографик жараёнларнинг ҳаракатини кузатиш асносида келгусида ишлаб чиқаришдаги қилиниши лозим бўлган биринчи даражадаги ишларни белгилаб беришини таъкидлайди.

Аҳолининг қайта барпо бўлиши тўғрисида гап кетганда, профессор Б.Ц.Урланис ҳисоби бўйича кўпайиш самарали натижаларни беради. Унга кўра, 200 ота-она учун болалар сони 265 та бўлиши аҳолининг қайта барпо бўлишининг самарали кечишини таъминлайди. Шундагина балағот ёшидаги эркак ва аёллар ўртасидаги мутоносибликни таъминлайди, яъни 1,00. бирликни ҳосил қилади. Аҳолининг қайта барпо бўлиши турли даврларда турлича бўлган. Масалан, 1926-1927 йилларда 1,68; 1958-1959 йилларда 1,26; 1968-1969 йилларда

1,11. Агар, у 1,00 бирликдан юқори бўлса, аҳолининг қайта барпо бўлишида мусбат ўзгариш юзага келади. Бу ўз ўрнида, аҳолининг яшаш шарт-шароити (шаҳар, қишлоқ) билан ҳам боғлиқ. Кейинги 30 йил давомида, ҳозирги Марказий Осиёда аҳолининг қайта барпо бўлиши ўртача 2,5 коэффицентни ташкил этди.

1,00 - депопуляциянинг бошланиш даражаси бўлиб, иккинчи жаҳон урушига қадар дастлаб Францияда кузатилди. 1930 йилларда туғилиш кўрсаткичлари ўлим кўрсаткичларидан пасайиб кетди. Аҳолининг қайта барпо бўлиши 0,87 га тушиб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда туғилишнинг рағбатлантирилиши аҳолининг такрор барпо бўлиши коэффицентига 1,31, яъни 1,5 марта ўсишига олиб келди. Франция аҳолиси 1945 йилда 40 млн. бўлган бўлса 1965 йилга келиб (20 йилда), 50 млн. кишига етди.

2 §. Аҳолининг табиий ҳаракатининг умумий, тарихий ва регионал жиҳатлари

1960 йилларда меҳнат ресурсларининг халқаро аралашуви ишлаб чиқаришни юксалтиришдаги омиллардан бири сифатида майдонга чиқди ва у иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига таъсир этиши ҳамда унинг сабаби сифатида давлатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш даражасидаги тафовутлар эканлиги илмий асосланди.

Неоклассик ёндошув тарафдорлари фикрига кўра, «ҳар бир киши ўз меҳнати орқали яратган маҳсулотни олади ва истеъмол қилади», улар фикрича, эмиграция қабул қилувчи давлатларнинг иқтисодий ривожланишида ижобий ўзгаришларни содир этади. Эмиграция қилинадиган давлат эса ўз ҳолича қолади ёки ҳар қандай ҳолатда унинг иқтисодиётида салбий ўзгариш бўлмайди. Бироқ, некейнсчилар меҳнат ресурслари, айниқса, юқори ихтисослашган, яъни сифатли ишчи ёки хизматчилар эмиграцияси юз берган давлатлар иқтисодиётида салбий ўзгаришлар бўлишни тан олдилар.

Эрамининг бошларидан дунё аҳолиси XIX асрга қадар 710 млн. кишига, XX асрга қадар 4590 млн. кишига ва 1990 йилларга қадар 23 мартага ошган. XX аср бошларига қадар болалар ўлими юқори эди. У даврда яхши таъминланган ва маданиятли оилаларда ҳам болаларнинг яшаб кетишига қафолат йўқ эди. Оқибати ўлим билан тугайдиган болалар касалликларини даволаш яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли шундай ҳолат юзага келган. 1950-1990 йиллар давомида дунё аҳолиси 2,1 мартага, жумладан, Хорижий Европада 1,3, Шимолий Америкада-1,6, Австралия ва Океанияда 2,0, Хорижий Осиёда 2,2, Лотин Америкасида 2,7, Африкада 2,9 мартага ошди.

XX аср бошидан II жаҳон урушига қадар ҳозирги ҳамдўстлик давлатларидаги демографик жараёнлар таҳлилининг диққат марказида авваломбор Россия, кейин Собиқ иттифоқнинг Европа қисми турарди. Бу давр миграцияси ҳам янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. 1926 йилдан 1939 йилга қадар Россия аҳолиси йилига 1318,3 минг кишига, Озарбайжон аҳолиси 895,9 минг кишига, Украина 159,7, Ўзбекистон аҳолиси 143,0 минг кишига ўсиб борди. 1959 йилда Қозғистонда жами аҳолининг 42,7%, Қирғизистонда 30,2%,

Украинада 16,9%и, Ўзбекистонда 13,5%и ёки собиқ Иттифокдаги барча русларнинг шунга мувофиқ равишда 3,5; 0,5; 6,2; 1,0 фоизи яшаган.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга асосланган аввалги тизимда меҳнат ресурсларининг ички миграциясига ҳам режалаштирилган иқтисодиётнинг таъсири юқори бўлди. Айниқса, 70-йилларда қишлоқларни шаҳарларга тенглаштиришга қаратилган сиёсат оқибатида миграциядаги эркин ҳаракат издан чиқди. Аслида шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги таовфут доимо мавжуд бўлган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Масалан, ўша даврда ташкил қилинган шаҳар типидagi аҳоли пунктлари (сохта шаҳарлар) бугунгача шаҳарга айланиб улгурмади. Чунки шаҳарлардаги саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши учун малакали ва сифатли меҳнат ресурсларига эҳтиёж сақланиб қолади. Бу тўғрисида 70-йилларда В.И.Переведенцев, Ж.А.Зайончковская, Т.И.Заславскаялар ўз тадқиқотларида изоҳ бериб ўтишган. В.И.Переведенцев: «Қишлоқ аҳолиси – шаҳар ёшларига нисбатан таққосланганда, шаҳар ишчиларининг ўрнини тўлдириш учун биров билмсизроқ, аммо ҳозирда ишлаётган ишчиларга нисбатан анча уқувли» - эканлигини таъкидлаган. 90-йиллардан бошлаб Дунё мамлакатларида аҳолининг ҳам ички, ҳам ташқи миграциясининг фаоллашуви Европа, собиқ Иттифок ва бошқа минтақаларда аҳолининг ҳудудий тақсимланишига сабаб бўлди. Масалан, Югославиянинг беш давлатга парчаланиб кетиши ва ҳарбий урушлар оқибатида 2,5 млн.дан ортиқ кишининг қочоқлар қаторига қўшилишига сабаб бўлди.

8-жадвал

II жаҳон урушига қадар, 1926-1939 йилларда ҳозирги МДХ мамлакатлари аҳолиси сонининг ўзгариши

	Аҳоли сони (минг киши)		1939 йил 1926 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	12 йил давомида ўртача ўсиш (минг киши)
	17 декабр 1926й	17 январь 1939й		
Россия	93458,0	109278,6	116,9	1318,3
Украина	29042,9	30960,2	106,6	159,7
Белоруссия	4983,2	5568,0	111,7	40,6
Озарбайжон	2313,8	3209,7	138,7	895,9
Грузия	2677,7	3542,3	132,3	72,3
Арманистон	881,3	1281,6	145,4	33,3
Туркменистон	998,2	1254,0	125,6	21,0
Тожикистон	1032,2	1485,1	143,9	37,7
Ўзбекистон	4565,4	6282,5	137,6	143,0
Қозоғистон	6074,0	6145,9	101,2	5,9
Қирғизистон	1001,2	1459,3	145,7	38,1
Жами:	147027,9	170467,2	115,9	1953,2

Шу йиллар давомида 125 млн. дан ортиқ киши ўз юртидан ташқарида яшаганлиги қайд этилган. Европада саноатнинг энг оғир тармоқларида иммигрантлар ишлашади. Масалан, Францияда қурилишида банд бўлганларнинг 1/4 қисми ва автомобилсозликда банд бўлганларнинг 1/3 қисми, Швейцарияда қурилишда банд бўлганларнинг 2/5 қисмини иммигрантлар ташкил этади.

Албатта, бутун саноат ёки иқтисодиётни ташқаридан ишчи кучи ёллаш орқали сифатли меҳнат ресурслари билан таъминлаш ёки иқтисодиётни барқарорлаштириш мумкин эмас. Бунда асосий эътибор мамлакатнинг ичидаги малакали мутахассислардан самарали фойдаланишга қаратилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги демографик жараёнлар бевосита янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва меҳнат ресурсларининг жойлашуви билан боғлиқ бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмида бир неча юз минглаб зиёлиларнинг халқаро меҳнат миграциясига келиб қўшилиши «ақлли идрокли одамлар» («Утечка мозгов» ёки «Brain drain») нинг бошқа юртларга ўтиб кетиши одатий ҳол бўлиб қолди. Масалан, 80-йилларнинг бошида Буюк Британия Араб мамлакатларининг 600 та олими, 45 мингдан ортиқ университет маълумотига эга бўлган киши ишлаган. Баъзи маълумотларга кўра, бу даврда АҚШдаги миллий академия аъзоларининг 1/4 қисми, Нобель мукофоти совриндорларининг 1/3 қисмини хорижий мутахассислар ташкил этган.

9-жадвал

II жаҳон урушидан кейинги даврда ҳозирги МДХ аҳолиси сонининг ўзгариши ва миграция сальдоси (1959-1968 йиллар)

	1959	1968	1958-68 йилларда умумий ўсиш	Табиий ўсиш		Мигра- ция сальдоси	1968 йилда- ги аҳоли сонига нисбатан миграция сальдоси
				(минг киши)	Фоизда		
Россия	117534	127911	10377	13835	10,8	-1729	1,3
Украина	41869	46381	4512	4008	8,6	+504	1,0
Белоруссия	8055	8820	765	1681	19,0	-458	5,1
Молдова	2885	3489	604	533	15,2	+71	2,0
Озарбайжон	3698	4917	1219	1213	24,6	+6	0,1
Грузия	4044	4659	615	602	12,9	+13	0,2
Арманистон	1763	2306	543	350	15,1	+193	8,3
Туркменистон	1516	2029	513	525	25,8	+12	0,5
Тожикистон	1981	2736	755	502	18,3	+253	9,2
Ўзбекистон	8261	11266	3005	2400	21,3	+605	5,3
Қозоғистон	9154	12678	3524	3204	25,2	+320	2,5
Қирғизистон	2066	2836	770	512	18,0	+258	9,0

Бугунги кунга келиб, реэмиграция масаласида кўпгина Ғарб мамлакатлари фаол тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Масалан, Франция, Нидерландия каби давлатлар реэмиграцияга йўналтирувчи дастурларни ишлаб чиққан. Бироқ, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида меҳнат ресурсларини экспорт ёки импорт қилишга эҳтиёж мавжуд. Масалан, илмий башоратларга кўра, 2025 йилга бориб, Россия аҳолиси 147 млн. дан 134 млн. кишига камайиши оқибатида Россияда 11 млн., Қозоғистонда млн. киши (меҳнат ресурслари) га эҳтиёж ортади. Меҳнат ресурслари экспорти ва импортидан самарали фойдаланиш ва унинг сифатига эътибор қаратиш чет эл валютаси ёки тажрибаси кириб келишининг асосий манбаларидан биридир.

1959-1968 йилларда аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган республикалар Туркменистон (26%), Қозоғистон (25%), Озарбайжон (25%), Ўзбекистон давлатлари бўлди. Албатта, бу жараёнларга аҳоли миграцияси ҳам салмоқли таъсир кўрсатган. 1968 йилдаги аҳоли сонига нисбатан миграция сальдоси мусбат бўлган республикаларга Тожикистон (9,2%), Қирғизистон (9,0%), Арманистон (8,3%), Ўзбекистон (5,3%) киритиш мумкин. Шунингдек, манфий миграция кўрсаткичлари юқори республикаларга Белоруссия (5,1%), Россия Федерацияси (1,3%) кабиларни киритиш мумкин.

1968-70 йиллар давомидаги икки йил давомида ўша даврдаги Собик иттифок умумий аҳолисининг 5,7%и ўз яшаш жойларини ўзгартирган.

10-жадвал

1970 йилдаги «Рўйхатга олиш» гача бўлган икки йил давомидаги миграция кўрсаткичлари (1968-1970 йиллар)

Давлатлар	1970	Кўчиб келганлар		Кўчиб кетганлар		Миграция сальдоси	
		(минг киши)	Жами аҳолига нисбатан %	(минг киши)	Жами аҳолига нисбатан %	(минг киши, +/-)	Жами аҳолига нисбатан %
Россия	130039	17425	13,4	15214	11,7	+2211	1,7
Украина	47126	12582	26,7	11970	25,4	+612	1,3
Белоруссия	9002	2673	29,4	2619	29,1	+54	6,6
Молдова	3569	1206	33,8	1349	37,8	-143	4,0
Озарбайжон	5117	1611	31,5	2486	48,6	-875	17,0
Грузия	4686	1138	24,3	2174	46,4	-1036	22,1
Арманистон	2492	1173	47,1	1026	41,2	+147	5,9
Туркменистон	2141	972	45,4	1224	57,2	-252	11,7
Тожикистон	2904	1025	35,3	1309	45,1	-284	9,7
Ўзбекистон	11938	4978	41,7	6518	54,6	-1540	12,8
Қозоғистон	13009	5359	41,2	5515	42,4	-156	1,2
Қирғизистон	2954	1441	48,8	1577	53,4	-136	4,6

Бу даврда барча миграцияларнинг 85%дан ортиғроғи Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон ҳиссасига тўғри келган. Кўчиб келганлар ҳиссаси Қирғизистон, Арманистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон республикаларида юқори бўлган. Шунингдек, кўчиб кетувчилар ҳиссаси юқори бўлган республикаларга Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон киритиш мумкин. Бу мамлакатларга барча кўчиб кетувчиларнинг 50% дан ортиғини ташкил этади. Демак, бу давр Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистонда аҳоли ҳаракати тарихида миграцион фаоллик энг юқорилиги билан из қолдирган.

Миграция сальдоси энг юқори мусбат кўрсаткичга эга бўлган республикаларга Россия, Украинани киритиш мумкин. Манфий миграция сальдоси юқорилигига кўра, Ўзбекистон (-1540), Грузия (-1036), Озарбайжон (-875) республикалари ажралиб туради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўша йиллардаги Грузия аҳолисининг 22,1%и, Озарбайжон аҳолисининг 17,0%и бошқа республикаларга кўчиб кетишган.

Ер шарида сўнгги вақтда йилига 135-137 млн бола туғилиб, 53-55 млн киши ўлмоқда. Табиий ўсишнинг миқдори 82-84 млн. кишини ташкил қилади. Дунёда туғилишнинг жуда кўп коэффицентлари Африкага регионлар ичида Африканинг барча регионлари ҳамда Марказий Америка ва Ғарбий Осиёга жуда паст коэффицентлари Шимолий Америкага, Европа, Россия ҳиссасига тўғри келади.

Аҳоли сони ва унинг таркибига гўдақлар ўлими ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Ер шарида 1999 йилда жами 7,8 млн бола бир ёшга етмасдан ўлганлиги қайд этилди. Шундан сал кам 2 миллиони Ҳиндистонга, 631 мингтаси Хитойга тўғри келади. Покистон, Бангладеш, Индонезия, ХХДР, Бразилия, Нигерия, Эфиопия, мамлакатларида ҳозирги вақтда йилига 200-500 минг бола бир ёшга етмасдан ўлмоқда. Афғонистон, Бутан, Гвинея, Либерия, Мозамбик, Чад ва бошқа жами 26 мамлакатда 100 юқори, 42 мамлакатда 50 дан 100 промиллегача бўлган кўрсаткич билан аниқланмоқда. Болалар ўлими мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти даражаси билан тесқари алоқага эга. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда болалар ўлими коэффиценти 4-8 промиллега ўзгаради. Ижтимоий-сиёсий вазияти беқарор, иқтисодий қолоқ бўлган мамлакатларда мазкур кўрсаткич одатда 100 дан ортиқ, айрим ҳолларда 50 дан ҳам юқори даражага эғалиги билан ажралиб туради.

Аҳолининг турмуш даражаси ва у билан узвий боғлиқ бўлган табиий ҳаракати жараёнлари ҳамда шаклланган ёш таркиби орқали унинг ўртача умр даври аниқланади. Аҳолининг ўртача умр даври 1999 йил 66 ёшга тенг бўлди.

Бу кўрсаткич иқтисодий ривожланган мамлакатларда (Япония, Швеция, Швейцария жами 57 давлат) 77-81 ёшни, қолоқ мамлакатларда 42-60 ёшни ташкил этади. Ўртача умр даврини энг юқори кўрсаткичлари Японияга (81 ёш), Францияга ва яна 17 мамлакатга 78-79 ёш энг паст кўрсаткичлари Марказий Африка Республикаси (41 ёш), Афғонистон (43 ёш) ва Гвинея (44 ёш) мамлакатларига ҳосдир. Ўзбекистонда ўртача умр даври эркакларда 66 ёшга аёлларда 72 ёшга, ўртача 69 ёшга тенг. Сўнгги кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунё

мамлакатлари ичида 101-107 ўринларда жойлашган. Тарихий умр даври атиги 25 ёшга тенг бўлганлигини асослайди. Ўрта асрларда бу кўрсаткич тахминан 30 ёшгача кўтарилди. Мана шу ўртача кўрсаткичлар умр даври юқори бўлган инсонлар мавжудлигини инкор қилмайди.

3 §. Демографик жараёнлар ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши

Меҳнат ресурслари сони ва сифати мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. 2004 йилда Ўзбекистонда меҳнат ресурслари жами аҳолининг 54,3 фоизини ташкил этди. 2000 йилдан кейинги даврда меҳнат ресурслари сони йилига ўртача 400 минг кишига ортиб бормоқда. Мамлакат аҳолисининг ўртача ёши 25 ёшни ташкил этиб, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида, уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Республика аҳолисининг сони 2005 йилда 26,3 млн. кишини ташкил этди. Ўзбекистон аҳолиси йилига салкам 300 минг кишига кўпаймоқда. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг ўсиши – йилига ўртача 1,2% га тенг. Аҳолининг табиий ўсиши коэффиценти юқори бўлган вилоятларга Сурхондарё (19,2%), Қашқадарё (19,4%), Жиззах (17,6%) вилоятлари киради.

Ўзбекистонда аҳолининг 36,7 фоизини 14 ёшгача бўлганлар ташкил қилади. 2004 йилда аҳолининг табиий ўсиши ҳар 1000 кишига 15 кишини ташкил қилди. 2005 йилнинг бошида қишлоқ жойларда 16,6 млн. киши ёки мамлакат аҳолисининг 63,6 фоизи яшади. Қишлоқ аҳолисининг умумий таркибида 8,8 млн. киши ёки 54,08 фоиз аҳоли меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ёшда. Шундан 5,5 миллион киши (70,5 фоизи) иш билан банд. Статистик маълумотларда қайд этилишича, банд аҳолининг 30,9 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Аҳоли тўғрисидаги бу маълумотлар унинг республика қишлоқ хўжалиги учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Шунингдек, меҳнат ресурслари бандлиги борасида айрим ҳудудий номутоносибликлар ҳам мавжуд. Бу номутоносибликлар қишлоқ хўжалигида янги хўжалик юритиш шакллариининг ривожланиши билан ўз ечимини топади. Қишлоқ жойларда меҳнат базаларининг асосий муаммоси – иш ўринларининг талаб даражасидан пастлигидир. Бу узоқ даврлар давомида қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли пайдо бўлган.

Бундай номофиқликлар ишсизлик, ишлашни хоҳлайдиган, лекин турли сабабларга кўра бандлик хизматларида рўйхатга олинмаган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли тўпланганлиги билан боғланган. Қишлоқ жойларда меҳнатни қўллаш соҳаларининг камлиги туфайли иш кучига бўлган талабнинг пастлиги амалда республиканинг барча минтақаларига хос хусусият бўлиб, ишчи кучларининг кўшни давлат Қозоғистон ва Россияга яширин миграцияси ҳам шу хусусиятларга боғлиқ бўлмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил суверен давлатларда 25 миллион рус миллатига мансуб аҳоли бор эди, ҳозиргача уларнинг кўпчилиги Россияга кўчиб ўтди. Россия ҳозирги кунда МДХ давлатлари

орасида ишчи мигрантлари оқими қаратилган давлат бўлиб қолмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлади. Муаллифларнинг фикрича, бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

биринчидан, Россиядаги демографик вазият, масалан, 2003 йил Россияда туғилиш коэффициенти ҳар минг кишига 9,0%, ўлим эса 15,0% ни, табиий кўпайиш манфий 6,0% ни ташкил этган;

иккинчидан, Россиянинг бепоён ҳудудидаги табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши;

учинчидан, МДХ давлатларидаги аҳолининг кўпчилиги рус тилида гаплаша билишидир.

Россия учун ҳозир ҳам, келажакда ҳам Марказий Осиё республикалари асосий ишчи кучи билан таъминлайдиган мамлакатлар бўлиб қолади, чунки ушбу республикаларда ҳали ҳам туғилиш даражаси анча юқори [1]. Ўзбекистон Марказий Осиёда табиий ўсишнинг юқориликка кўра, бошқа мамлакатлардан фарқ қилади. 2000 йилда ноқонуний мигрантлар сони Россияда – 1,3-1,5 млн. кишини, Қозоғистонда 200 минг кишини, Ўзбекистонда 30 минг кишини ташкил этган. Шу ўринда, Ўзбекистондан Россияга бориб ишлаб яширин миграцияни ҳосил қилаётганлар сони 231 минг кишини ташкил этади. МДХ давлатлари ўртасида содир бўлаётган миграция тебранма (маятниксимон миграция) хусусиятига эга.

Марказий Осиё давлатларидан МДХнинг бошқа ҳудудлари жумладан, Россия, Украинага ишлаш учун кетаётганлар орасида врачлар ва бошқа юқори ихтисослашган меҳнат ресурсларининг кетиши ўз мустақиллиги учун қурашаётган ва айни пайтда шу каби мутахассисларни тайёрлашда катта меҳнат сарфлаётган бу давлатлар учун салбий йўқотиш ҳисобланади. Айрим статистик прогнозларга кўра, 2020 йилга бориб, Россияда 11 млн., Қозоғистонда 6 млн. меҳнат ресурсига эҳтиёж ортади. Шу боис, МДХ мамлакатлари миграция хизматларини амалга оширувчи муассасалари содир бўлаётган ноқонуний миграцияга чек қўйишлари учун ҳамкорлик доирасини кенгайтиришлари лозим бўлади.

Бизга маълумки, 200 ота-онага 265 туғилиш аҳолининг қайта барпо бўлишини 100% таъминлайди. Бироқ, кўпайишига олиб келмайди. Бугунги кунда аҳолиси ўсишдан камайишга ўзгараётган Россия учун 1,20 коэффициенти лозим бўлади. Бу ҳар 100 самарали оила учун 320 туғилишнинг таъминланиши демакдир.

Кўп сонли эгизакларнинг туғилиши дунё микёсида кўп қайд этилган. Кўпгина ҳолатда бундай эгизаклар яшаб кетиши қийин бўлган ва ўлим билан яқун топган. Бештадан эгизакларнинг туғилиши бир неча 10 марта юз берган. Шундан 15 ҳолатда улар яшаб кетишган. Масалан, 1934 йилда Канадада, 1943 йилда Аргентинада, 1971 йилда Польшада бу каби болалар туғилиши ижобий яқун топган.

Х.Зайончковскаянинг фикрига кўра, Россия табиий ўсишдаги тенденцияга кўра, иммигрантларга доимо эҳтиёжда бўлади. Унинг фикрига кўра, факатгина

мамлакат иқтисодиёти кризисдан чиқмагандагина иммигрантларга эҳтиёж сезилмайди. Россия иқтисодиётининг ривожланиши барқарорлашган сайин иммигрантларга эҳтиёжи ортиб боради. XIX-XX асрда АҚШ иммиграция давлати бўлганлиги сингари XXI асрда Россия дунёда иммиграция мамлакатига айланади. 2000 йилда Россия аҳолисининг барқарор ўсиши ва миграция оқимининг юқори бўлишига қарамай ишсизлик ёки ишга жойлашишда муаммолар юз берди. Бу меҳнат ёшидаги аҳолининг касб эгаллаш салоҳияти билан боғлиқ бўлди. Ишлаб чиқариш қуввати 1990 йиллар даражасига етмасада, ҳозирда меҳнат ресурсларининг етишмаслиги мамлакат иқтисодиётини турғунлаштирмоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2002 йилда саноатда меҳнат ресурсларининг 1/4 қисми тўлмай қолди [3].

Россия XXI аср ўрталарига қадар ҳозирги аҳоли кўрсаткичларини сақлаб қолиш учун, у 50 йил давомида 35-70 млн. иммигрант қабул қилиши лозим. Шундагина аҳолининг қайта барпо бўлиши 700 минг кишига ўсади. Жорий 5 йилликдан 2025 йилга қадар 1200 кишига ортади [4]. 1990 йилларда Россия кўчиб келувчилар оқими юқори бўлган даврда ҳам аҳоли кўрсаткичларидаги табиий йўқотишни қоплай олмади.

1989 йилларга нисбатан аҳолининг қайта барпо бўлишини таққослаганда, агар иммиграция оқими юқори бўлмаганда эди, ҳозирда Россия аҳолиси 7,4 млн. кишига ёки 5 фоизга қисқариши мумкин эди. Аҳолининг қайта барпо бўлиши миграция ҳисобига 1/4 табиий йўқотишни қоплади. Шу боис, Россия аҳолиси атиги 18 млн. кишига ёки 1,25% га қисқарди. 1991-2001 йиллар давомида дунё миқёсида миграция интенсивлиги юқори бўлди. Бу давр давомида АҚШ 924 минг, Германия 865 минг, Россия 781 минг иммигрант қабул қилди. 1989-2002 йиллардаги статистик таҳлилларга кўра, Россия аҳолиси миграция ҳисобига 5560 минг кишига ўсди ва аҳолининг миграция ҳисобига ўсиши эса, йилига 400 минг кишини ташкил этади, бу 1980 йилларга нисбатан икки ҳисса юқоридир.

1990 йилларда Россия аҳолисининг миграцион ўсиши асосан Қозоғистон билан боғлиқ бўлди. Кейинги ўринни Ўрта Осиё мамлакатлари эгаллагани ҳолда, уларнинг улуши 1/3 қисмини ташкил этди. Кейинги ўринларда Кавказ орти мамлакатлари (20 фоиз атрофида), Болтиқ бўйи давлатлари (5 фоиз) ҳамда Украина, Молдавия (9 фоиз). Собиқ Иттифоқ мамлакатларидан кўчиб келган мигрантларнинг аксарият қисмини руслар ташкил этгани ҳолда уларнинг улуши 1992 йилларга қадар 60 фоиздан кам бўлмаган. Мигрантларнинг 10 фоиздан юқориси бошқа этник гуруҳлар ҳисобига тўғри келди.

Ҳозирги даврда собиқ Иттифоқ республикаларидаги 1989 йилга қадар яшаган 25,3 млн. этник руслардан 3,3 млн. киши Россияга кўчиб ўтган. Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистондан келган мигрантларнинг умумий сони 1,5 млн. кишини ташкил этгани ҳолда, бу шу мамлакатларда яшаётган 2 млн. русларни қисман ўрнини босади.

Иммигрантлар сонини ҳар минг кишига ҳисоблаганда Россия ҳисобига 5,4 киши ташкил этган ҳолда, Германия (10,6)дан кейинги ўринда ва фақат АҚШ (3,5) Россиядан кейинги ўринда туради. Шу йиллар давомида Қозоғистон

худудидаги 20 фоиз руслар кўчиб кетишган. Бу даврдаги Қозоғистондан Россияга кўчиб кетувчилар сони Қозоғистондаги иқтисодий аҳвол билан боғлиқ бўлди. 1994 йил Қозоғистондан русларнинг 20 фоизи кўчиб кетишга тайёр эди. 1997 йил 1/3 қисм руслар кўчиб кетишни хоҳлашган, кейинчалик кўчиб кетувчилар сони қисқара борган.

1994-2001 йиллар давомида Россиядаги миграция сальдоси 810 минг кишини ташкил этгани ҳолда, бу кўчиб келувчиларнинг 1/4 қисmini ташкил этади ва шундан 39 фоизи украинлар, 45 фоизи кавказликлар ва Марказий Осиё этник гуруҳларидан келишган. 1994 йилда Россия аҳолисининг миграцион ўсиши 810 минг кишига етди. Кейинчалик 2001 йилга келиб, 72 минг кишигача пасайди.

Ҳозир Россияда Яқин ва Узоқ хориждан келган иммигрантлардан ташқари, тахминан 145 млн. киши яшайди. Миграция ўзгаришлари аҳоли сонида тебранма кўрсаткич ҳосил этади Шунинг учун эркаклар 47 фоизни, аёллар эса 53 фоизни ташкил этади. Агар мамлакатнинг барча аҳолисини икки гуруҳга бўлганда, ўрта ёш 35 ёшни ташкил этади ва 35 ёшдан ёшроқ аҳоли таркибида эркаклар ва аёллар сони деярли тенглашади. 2000 йилда 35 ёшгача бўлган эркаклар 34,5 млн., аёллар 33,4 млн. кишини ташкил этган. Яқин 5,10 ва 15 йил ичидаги Россия аҳолисининг ўзгариш прогнози Давлат статистика қўмитаси иккита вариантни эълон қилган. Бу ўртача вариант (прогноз А.Е.Суринов) 134 млн. фожеали прогноз, 125 млн. Н.М. Римащевский прогнози бўйича 2015 йилда аҳоли 132-134 млн. киши бўлиши таъкидланади [2].

11-жадвал

Россия аҳолиси сони 2001 йил (минг киши)

Ёши	Эркак	Аёл	Ҳаммаси
0-4	3237	3066	6303
5-9	3916	3723	7639
10-14	5884	5640	11524
15-19	6062	5884	11946
20-24	5471	5377	10848
25-29	5242	5074	10316
30-34	4834	4653	9487
35-39	5587	5643	11230
40-44	6145	6444	12589
45-49	5491	6010	11501
50-54	4356	5029	9385
55-59	2165	2790	4955
60-64	3631	5177	8808
65-69	2251	3615	5866
70 ва кўп	3508	8914	12422
Жами:	67780	77039	144819

Ҳозирда малакали ишчилар учун иш ўринлари ва тўловларнинг пасайиши ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Дунё бўйича давом этаётган тенденцияга кўра, юқори тўловли иш ўринларининг қисқариши кузатилмоқда. Бу даврда малакали ишчилар бир вақтнинг ўрнида ўзи ва оиласини таъминлаш учун бир неча ўрта ва кам тўловли ишларда ишлашига тўғри келади.

Бу қатламга кирувчи интилегентлар ва хизматчилар янада мураккаб вазиятларда қолишади. Асосан таълим секторида хизмат қилувчилар, ўқиш ёшидаги аҳоли қатламининг камайиши ҳисобига 10 минглаб тарбиячи ўқитувчилар иш ўринларини йўқотади.

Демографик жараёнлар ҳам табиат қонунлари сингари мураккаб тузилишга эга. Демографик сиёсат қандай бўлишига қарамай, у доимо ўзининг ўзига хос хусусиятларини намоён қилиб туради. Ғарбий Европадаги сингари Россия аҳолисида ҳам 65 ёшдан ошганлар яқин келажакда жами аҳолининг 1/5 қисмини ташкил этади.

XX аср бошларида 20 йиллардан бошлаб, Қозоғистоннинг асосан шимолий қисмида қулоқ қилинганлар, кейинчалик корейслар, поляклар, немислар ўрнаша бошлашди. 50-йилларга келиб эса бир неча юз минглаб, аслида қишлоқ хўжалиги ҳашари учун келиб, кейинчалик ўрнашиб қолганлар ҳисобига аҳоли сони орта борди. Натижада 1926 ва 1939 йиллар давомида четдан келган аҳоли 2,8 млн.дан 3,8 млн. кишигача ўсди. Шу даврда туб қозоқлар сони 3,7 млн. дан 2,3 млн. гача ёки 38% га қисқарди. Бу натижага Совет ҳукумати сунъий очарчиликни ташкил этиш ҳисобига эришди [5]. 1927-1938 ва 1939-1958 йиллардаги аҳоли рўйхатида Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар улуши 20% дан юқори бўлган. Айниқса, Фарғона водийси чегарасидаги Ўш вилоятида асосан ўзбеклар улуши сезиларли даражада юқори бўлган. Бу даврда Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари пойтахтларида туб аҳоли шунга мувофиқ равишда 40,3% ва 16,3% рус миллатига мансуб аҳоли 33,8% ва 65,3%ни ташкил этган.

1959 йилдаги ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра, Қозоғистон минтақасидаги энг кўп миллатли республикага айланди. Бу даврда туб аҳоли, яъни қозоқлар республика аҳолисининг 30%ини ташкил этди. Бу даврда республикада русларнинг улуши бироз камайди ва жами аҳолининг 42,7%ини ташкил қилди ва бошқа миллат вакиллари улуши 27,3% ни ташкил этди.

1970-1979 йиллардаги давр оралиғида ҳам шу ҳолат деярли сақланиб қолган. Бу даврда русларнинг республикадаги улуши 40,8% га тушган. Бошқа омиллар таъсирида қолган миллатлар улуши ҳам 23,2% га қисқарган. Бу даврлар мобайнида Қирғизистондаги аҳолининг этник таркиби динамикасини баҳолаганда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Бу республикага албатта қулоқ қилинганлар жўнатилмаган бўлсада, Ўрта Осиё халқлари (ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, уйғурлар, дунганлар)нинг улуши юқори бўлди. Бу даврда русларнинг улушида ҳам бирмунча ўсиш юз берди. Рус миллатига мансуб меҳнат ресурслари режалаштирилган иқтисодий даврдаги кўчирилиши оқибатида республиканинг туб аҳолисини миллий озчилик даражасига тушириб қўйди.

4 §. Аҳолининг ёш-жинс таркиби ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши

Аҳолининг ёш жинс таркиби унга хос белгилар ичида энг муҳими ҳисобланади. Чунки ишга қараб аҳолининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти баҳоланади. Бутун дунёда эркакларнинг сони аёлларникига нисбатан қарийб 30 млн.га кўпроқдир. Лекин айрим материклар, регионлар ва эркаклар билан аёллар сони ўртасидаги фарқ сезиларли тусга эга. Болалар ёшларида барча материклар ва регионларда ўғил болаларнинг устунлиги кўзга ташланади. Дунёда 9-14 ёшда ҳар минг қизга 1040 ўғил бола тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Европада (1060) Осиёда (1050) ҳамда Австралия ва Океанияда (1059) ундан ҳам юқори. Фақат Африка (1008) ва Америка (1029) да нисбатан паст даража билан ифодаланади. Болалар сонидаги фарқнинг келиб чиқишида туғилган ҳар минг гўдакнинг 520 таси ўғил болалардан иборат бўлишлиги омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аҳолининг асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисмидан ташкил топган 15-65 ёшида дунё бўйича ҳар 1000 аёлга 1020 та эркак тўғри келади. Европада эркаклар сони аёллар сонига тенг. Осиёда ҳар 1000 аёлга 1049 та эркак Австралия ва Океанияда эса 1039 эркак тўғри келади. Мазкур кўрсаткич Африка (979 эркак) ва Америка (990 эркак) да аксинча аёллар устунлиги билан ифодаланади. Юқоридаи ёш гуруҳларида эркаклар билан аёллар ўртасида мавжуд бўлган фарқлар жуда кўп омиллар таъсирида шаклланган. Бунда дунё ва регион ҳамда мамлакат доирасидаги урушлар эркаклар билан аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг ўртача умр давридаги фарқлар ва бошқа омилларнинг роли жуда каттадир.

Дунё аҳолисининг таркибида болалар улуши камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва аҳоли салмоғи кўпаймоқда. Бинобарин, 1970-1999 йилларида 0-14 ёшдаги болалар улуши 36,6 да 31 фоизгача камайди. Меҳнатга лаёқатли ёшларда аҳоли салмоғи 57, 7 дан 62,0 фоизга етди.

Дунё аҳолисининг ёш таркиби (фоиз)

12-жадвал

Қитъалар	1970			1985			1999		
Ёш гуруҳлари	0,14	15-64	65	0,14	15-64	65	0,14	15-64	65
Бутун дунё	36,6	57,9	5,5	33,7	60,6	5,7	31,0	62,0	7,0
шу жумладан:									
Европа	24,9	63,7	11,4	20,9	66,7	12,4	18,0	67,0	15,0
Осиё	38,9	57,0	4,1	35,0	60,6	4,4	32,0	62,0	6,6
Африка	44,1	53,0	2,9	45,4	51,5	3,1	43,0	54,0	3,0
Америка	36,4	37,2	6,4	31,6	61,2	7,2	25,0	63,0	8,0
Австралия ва Океания	32,2	60,5	7,3	28,6	63,3	8,1	26,0	64,0	10,0

Кекса аҳолининг ҳам салмоғи 7,0 фоизни ташкил этди. Хитой, Ҳиндистон ва бошқа қатор мамлакатларда эркаклар сонинг устунлиги аёлларнинг жамиятда тутган мураккаб, баъзи ҳолларда аянчли ўрни ҳамда мазкур мамлакатларда оила

ўғил болани кўришга бўлган жуда катта интилиш ва ана шу мақсадга эришишда ҳар қандай чорага ҳатто энди туғилган қизни ўлдиришгача боришга тайёрлиги билан боғланган.

Аҳоли жинсий таркибининг шаклланишида дунё айрим регион ва мамлакатлар миқёсида бўлиб турувчи миграцион алоқаларнинг роли ҳам каттадир. Европа ва Шимолий Америка эмигрантларни қабул қилувчи Осиё ва Африка эмигрантларни етказиб берувчи ҳисобланадилар. Дунё аҳолисининг ёш таркиби ҳам катта ҳудудий фарқларга эга. Бунда туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикаси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Қуйидаги жадвал маълумотларидан дунё аҳолисининг ёш таркибига хос хусусиятлар ва нисбатларни кўриш мумкин.

5 §. Экологик омилнинг демографик жараёнларга таъсири

Агар, XX асрда демографик жараёнларнинг фаоллашувига жаҳон урушлари ва аср охиридаги геосиёсий жараёнлар ўз таъсирини кўрсатган бўлса, XXI асрга келиб, дунёнинг турли минтақаларида турли кўринишдаги табиий офатларнинг ортиб бориши билан боғлиқ бўлиши дунё олимлари томонидан башорат қилинмоқда.

Рус олимлари В.Л. Котелников ва Ю.Г. Саушкинлар таъкидлашича, «Аҳоли табиат қонунларидан фойдаланган ҳолда яшайди, меҳнат қилади, дам олади ва даволанади. Фан бу қонуниятларни ўзлаштириш учун жуда кўп ишларни амалга оширди. Бироқ, географик муҳитдаги ўзгартирилган ва ўзгартириладиган табиат қонунларининг барча жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган». Олимларнинг фикрича, географик муҳитнинг жамият томонидан ўзгартирилиши доимо қуйидаги мақсадлардан келиб чиқади:

- а) эҳтиёж маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кенгайиши;
- б) инсон ҳаётида бевосита аҳамиятга эга бўлган аҳоли пунктларининг кенгайиши;
- в) инсон меҳнати ва яшаш шароитларини яхшилаш;
- г) касалликларга қарши кураш, кишилар саломатлигини яхшилаш;
- д) инсониятнинг дам олиши ва даволаниши каби мақсадлар [1].

География тарихида, яъни XVII асрнинг бошларига қадар Шимолий Америка табиати мутлақо ўзгартирилмаган, Миссисипи дарёси қирғоқлари бўйлаб бутун АҚШ нинг шарқи ва Канаданинг жануби-шарқий кенгликлари қалин ўрмонлар билан қопланган бўлган. Аксарият қисми Европадан борган колонизаторлар томонидан ўрмонларнинг кесилиши бугунга қадар, яъни 200-250 йил давом этди. Натижада, ажойиб табиат меъёри ҳукм сурган бу ҳудудда мутлақо ўзгача манзара касб этган саноат минтақаси пайдо бўлди. 1908 йилда табиий ресурсларни муҳофаза қилишга бағишлаб ўтказилган конференцияда Т.Рузвельт шундай деган: «Биз табиий ресурслардан кенг фойдаланишимиз натижасида бойидик ва ўзимизни ютуқларимиздан миннатдор ва мағрур тутамиз. Бироқ, ўрмонларнинг йўқолиб кетиши, кўмир, нефть, ва темир рудалари захиралари тугаганидан кейин, қандай ҳолатга тушишимиз тўғрисида ўйлашга ҳозир вақт етди!». Албатта, Т.Рузвельт ўз эътирофида бугунги кундаги иқлим

ўзгаришлари оқибатида АҚШ да бўлаётган табиий офатларни назарда тутмаган. Демак, демографик жараёнларнинг табиатга сезиларли таъсир этиши тўғрисидаги тушунчалар XX аср бошларидаёқ жамоатчилик диққатида бўлган.

Шу боис, бугунги кундаги иқлим ўзгариши оқибатида юзага келаётган табиий офатларнинг пайдо бўлишини «бумеранг» га ўхшатиш мумкин, яъни, табиат ўз акс таъсирини кўрсатмоқда. Буни «Орол муаммоси» мисолида ҳам кўриш мумкин. Охирги 40 йил давомида Орол денгизи сатҳи 20-21 метргача тушиб кетди ва денгизнинг қуриб қолган майдони эса, 3 млн. гектардан кўпрокни ташкил этади ва унинг деярли ярми Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Орол тубидан очилиб қолган ва ҳар йили 100 млн. тоннадан ортиқ туз қишлоқ хўжалиги ерларига ёйилиб, ҳудуддаги ҳар гектар ерга келиб тушадиган тузлар миқдори 520-600 кг.ни ташкил этмоқда.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Сурхон-Шеробод воҳаси, Қарши даштлари, Мирзачўлни ўзлаштириш учун минглаб, оилалар ўзлаштирилиши лозим бўлган ҳудудларга кўчирилган. Масалан, 1949 йил 20 июнда 6615 хўжалик оилалари кўчирилган. Жумладан, Мирзачўлга 3337 та оила, Сирдарёга 3278 оила кўчирилган. Бу даврда юзлаб жамоа хўжаликлари ташкил этилиб, қўриқ ерлар ўзлаштирилди. Ўнлаб суғориш иншоотлари қурилди. Натижада, сув сарфи ҳам бир неча ўн мартага ортиди. Орол сатҳи пасая бориб, Мўйноқ ва бошқа аҳоли пунктларида аҳоли сезиларли даражада камайди. Сўнгги йилларда атроф муҳитнинг комплекс омиллари таъсирида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ баъзи салбий ҳолатларнинг интенсив ўсиши кузатилади Булар чўллашув жараёнининг фаоллашуви чучук сувлар танқислиги табиат **экоцизм**ларининг нафақат деградацияси, балки аҳолининг табиий ўсишига ҳам таъсир кўрсатмоқда [2]. Бу каби ҳолатни фожеали ҳудуднинг Қозоғистонга тегишли қисмида ҳам кузатиш мумкин. Бироқ, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан аҳолиси ўсишда давом этмоқда.

13- жадвал

1989-2004 йилларда Марказий Осиё аҳоли сони кўрсаткичлари (млн. киши).

Мамлакатлар	1989	1994	2004	2004 йилда 1989 йилга нисбатан
Қозоғистон	16,5	16,9	15,0	0,91
Қирғизистон	4,3	4,5	5,1	1,19
Тожикистон	5,1	5,7	6,6	1,29
Туркменистон	3,5	4,3	4,8	1,37
Ўзбекистон	19,9	22,2	25,1	1,26

Манба: Население России 2001. –М.: 2002. 168 б. ва муаллиф ҳисоби.

Кейинги йилларда аҳоли сонига миграция жараёнлари ҳам салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, жадвалда кўриб турганингиздек, Қозоғистон аҳолисининг 1994 йилдан кейинги пасайиши айнан аҳоли миграцияси билан

боғлиқ бўлди. Ўзбекистонда ҳозирча табиий ўсишнинг Орол бўйидан бошқа минтақаларида юқорилиги ҳисобига сақланиб қолмоқда. 1994 йилларда Орол экологик инқироzi ҳудуди (Қорақалпоғистон Республикаси, Қозоғистон, шундан Қизил Ўрда ва **Октябинский** областлари)дан 75 минг киши ҳар йили кўчиб кетишган [3]. Оролнинг қуриши натижасида Орол атрофида киш 1,5-2,5 градусга совиди, ёз кунларининг ҳарорати эса 1,5-2,5 градусга исиди. Ўсимликларнинг вегетация даври эса 10-15 кунга қисқарди.

14- жадвал

1989-2000 йилларда Марказий Осиё аҳоли миграцияси кўрсаткичлари (минг киши).

Мамлакатлар	1989			2000		
	Имми- грация	Эми- грация	Миграция сальдоси	Имми- грация	Эми- грация	Миграция сальдоси
Қозоғистон	176	216,2	-40,2	31,6	133,4	-101,8
Қирғизистон	43,4	43,5	-0,1	5,3	18,1	-12,8
Тожикистон	23,4	34,6	-11,2	2	13,1	-11,1
Туркменистон	24,6	28,8	-4,2	1,15	9,9	-8,7
Ўзбекистон	79,8	167,6	-87,8	5	52,4	-47,4

Манба: Население России 2001. –М.: 2002. 168 б.

Орол бўйидаги ўнлаб-юзлаб қўллар ва ҳавзалар қуриди. Ушбу қўллар атрофида ҳайвонлар боқиларди, балиқ урчитиларди, ондатра, нутрия, қутб тулкилари кўпайтириларди. Амударё дельтасида 800 минг гектар ер майдонидаги тўқайзорлар ва қамишзорларга путур етди, улар йўқ бўлиш арафасида. 200 турга яқин ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари йўқ бўлди. Тупроқнинг гумус қатлами 2-3 мартага камайиб кетди. Орол денгизининг қуриши билан бир вақтда, дарё сувининг ва у билан боғлиқ ҳолда ер ости сувларининг ҳам ифлосланиши рўй бермоқда. Шу тариқа, Ўзбекистондаги демографик жараёнларнинг ривожланишида экологик шарт- шароитлар, айниқса, экологик муаммолар ичида сув таъминоти муҳим ўрин тутди. Олимларнинг ҳисоб китобларига кўра, ер юзасидаги мавжуд чучук сувлар ва фойдаланиш мумкин бўлган ер ости сувлари 60 миллиарддан ортиқ аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун етади (фақат ичиш эмас, саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳам ҳисобга олинганда). БМТ демографларининг тахминича, Ер шари аҳолиси 12-14 миллиард киши атрофида барқарорлашиши эҳтимоли бор.

Ҳозир Ўзбекистонда олинadиган чучук сувнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида, 6 фоизи саноатда, 0,5 фоизи коммунал хўжаликда ишлатилади, 1,5 фоизи эса буғланиб кетади. Шундай экан, аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли пунктларида чучук сувнинг аҳамияти кишилар турмуш тарзини белгиловчи энг муҳим восита сифатида майдонга чиқади. Кейинги йилларда, қишлоқ хўжалигида сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни ҳамон талаб даражасида деб бўлмайди. Айниқса, бу бозор иқтисодиёти шароитида янги пайдо

бўлган хўжалик субъектлари (фермер хўжаликлари) олдидаги муҳим муаммодир. Шу боис, қишлоқ хўжалигида сувни тежаб фойдаланишни кўзда тутган лойиҳалар ва дастурлар кўлами ва уларнинг амалиётдаги жорий этилишига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ аҳоли масканлари учун яна бир долзарб муаммо, бу электр энергияси таъминотидир. Биз бугунги кунда мамлакатнинг энг чекка ҳудудларига кичик корхоналарнинг кириб бориши, фермер хўжаликлари ихчам кичик ускуналар ёрдамида ўзлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашлари тўғрисида кўпгина илмий ишларимизда эътироф этамиз. Аммо, электр энергиясиз уни амалга ошириш муаммолигича қолиб келмоқда. Электр қувватига эҳтиёжни таъминлаш муаммоси бугунги кунда кўплаб мамлакатлар ва ҳатто, ривожланган давлатларга ҳам хос, бироқ, уларнинг кўпчилигида энергия ишлаб чиқаришнинг муқобил усуллари анча яхши йўлга қўйилган. Япониянинг 60-70 йиллардаги ютуғи ҳам мамлакатда энергия инқилобини амалга оширганлиги билан боғлиқ бўлган. Жумладан, Ўзбекистонда «Бекобод шамоли»нинг йил давомида эсиши ёки мамлакатнинг жанубий минтақасидаги қуёшли кунларнинг давомийлигини эътиборга олганда, бу узоқ вақт орзулигича қолмаслиги лозим. Юртимизда фаолият юритаётган хориж компанияларининг манфаатлари доимо бизга мос келмаётган. Чунки, улар ҳеч қачон бизга ҳозирги кундаги дўконлардаги нархи 1 млн. сўмгача ёки ундан ортиқ бўлган уяли телефон ўрнига қуёш батареяларини таклиф этмайди. Шундай экан, мазкур муаммоларни бартараф этиш учун жонкуярлик ўз мутахассисларимиз ва тадбиркорларимиз зиммасида қолаверади.

Бу каби муаммолар аввалом бор, миллий қўшни давлатларда ҳам мавжудлигини эътиборга олганда минтақавий аҳамият касб этади.

Глоссарий

Миграция – аҳолининг бир ҳудуддан иккинчисига кўчиши.

Иммиграция – бирор мамлакатга фуқароларнинг бошқа мамлакатдан кўчиб келиши.

Эмиграция - бирор мамлакатдан фуқароларнинг бошқа мамлакатга кўчиб кетиши.

Миграция сальдоси – иммиграция ва эмиграция орасидаги нисбий фарқ.

Қўшимча маълумотлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти прогнозларига кўра, 2005 йилга бориб Россия аҳолиси 137 млн. кишигача камаяди [1]. Россия Давлат статистика қўмитаси прогнозларига кўра, мамлакатда 12 йил илгарироқ яъни 2013 йилга қадар бу ҳолат юз бериши ҳамда 2016 йилда 135 млн. ташиқил этиши кутилмоқда [2]. 2006 йилга қадар меҳнат ресурслари ўрнинидаги аҳолининг пенсияга чиқиши меҳнат ресурслари ўрнини тўлдирувчи авлоднинг (4 млн.) улар ўрнини эгаллашига сабаб бўлди. Бироқ, келгусида меҳнат ресурсларининг ўрнини тўлдиришида бу даражадаги комюктура юз бермайди. 2006-2015 йилларда меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли 10 млн. кишини ташиқил этгани ҳолда, ҳар йилига 1 фоиздан ортиқ меҳнатга яроқли аҳоли камайиб боради.

Россия тарихида туғилишнинг юқорилигига ҳос қўплаб мисоллар келтириш мумкин. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Шуи шаҳри яқинида яшаб ўтган Федор Васильев 87 нафар ўғил-қизларнинг отаси сифатида тарихда қолган. У биринчи хотинидан 4 марта 4 нафардан, 7 марта 3 нафардан, 16 марта эгизаклар дунёга келган. Иккинчи хотини 2 марта 3 нафардан, 6 марта 2 нафардан фарзанд совға қилган.

Демографик жараёнларни назорат қилишни АҚШ профессори К.Боулдинг «XX асрнинг мазмуни» деб атаган. Бу борада Робиндранат Тагор «Туғилишни назорат қилишдаги ҳаракат – буюк ҳаракатдир» дея эътироф этган. Ўз даврида демографларнинг умумий қизиқишларини «Япон мўъжизаси» ўзига тортди. 1947 йилдан 1961 йилгача бўлган даврда Японияда туғилиш икки мартага қисқарди. Туғилишнинг бу даражадаги қисқариши деярли барча минтақаларида туғилиш кўрсаткичлари юқори бўлган Осиё учун ҳайратланарли эди. Албатта бунга мамлакатдаги маданиятнинг ўсиши, саноатнинг ривожланиши саноат ишлаб чиқаришига аёлларнинг жалб этилиши ўз таъсирини кўрсатди. Россияда биринчи жаҳон уруши арафасида, яъни 1913 йилда 7235000; иккинчи жаҳон урушидан 15 йил кейин, 1960 йилда 2341000; 1971 йилда 4372000 бола туғилди. Бу даврлар мобайнида мамлакат аҳолиси 80 млн. кишидан ортиб кетди.

Д.И.Менделеев 39 ёшли онанинг 17 чи фарзанди бўлган. У буюк кашфиётни амалга оширганда ака-опаларининг қўпчилиги оламдан ўтиб кетганлиги манбаларда қайд этилган.

Савол ва топшириқлар:

1. Аҳолининг такрор барпо бўлиши деганда нимани тушунаси?
2. Демографик жараёнларни назорат қилиш ҳаракатлари қачон бошланган?
3. Депопуляция нима ва бу жараёнлар қайси мамлакатга хос?
4. XVIII-XIX асрлардаги демографик жараёнларга тавсиф беринг.
5. XX аср бошларида қандай демографик ўзгаришлар содир бўлди?
6. Иккинчи жаҳон уруши давридаги сиёсий вазият демографик жараёнларга қандай таъсир кўрсатди?
7. XX асрнинг II ярмида демографик жараёнлар қандай кўринишга эга бўлди?
8. 1960-йиллардаги иммиграция ва эмиграция давлатларига тавсиф беринг.
9. Реэмиграция нима ва у ҳозирги кунда қайси мамлакатларга хос?
10. Фан-техника инқилоби аҳолининг такрор барпо бўлишига қандай таъсир кўрсатди?
11. XX асрда бошида Европа қитъасида демографик жараёнлар қандай кечди?
12. Аҳолининг табиий ҳаракатига хос регионал жиҳатларга тавсиф беринг.
13. Иккинчи жаҳон урушига қадар Марказий Осиё давлатлари аҳолиси сони ва миллий таркибига тавсиф беринг.
14. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда меҳнат ресурсларининг жойлашувида қандай ўзгаришлар юз берди?
15. Аҳолининг табиий ҳаракатига хос умумий хусусиятларга баҳо беринг.
16. Меҳнат ресурсларининг сифати деганда нимани тушунаси?
17. Ўзбекистон аҳолисининг йиллик ўртача ўсишига тавсиф беринг.
18. Марказий Осиё ва Россиядаги демографик жараёнларга тавсиф беринг.
19. Қозоғистон аҳолиснинг тарихий таркиб топишининг ўзига хос хусусияти нимада?
20. Миллий озчилик нима ва у давлатчиликнинг таркиб топишида қандай ўрин тутади?
21. Аҳолининг ёш ва жинс таркиби ижтимоий-иқтисодий турмушида қандай аҳамият касб этади?
22. Аҳолининг ёш ва жинс таркибида тавофутларнинг юзага келишига қайси омиллар таъсир кўрсатди?
23. Дунё аҳолисининг ёш таркиби қитъалар бўйича тақсимотига таъриф беринг.
24. Геоиёсий вазиятлар демографик жараёнга қандай таъсир кўрсатади?
25. Географик муҳитнинг аҳоли томонидан ўзгартирилишининг доимий мақсадларига тавсиф беринг.

Назорат тестлари

1. Турмуш қурувчилар ёши мувофиқлиги нисбатини тақлиф этган олимни белгиланг.
А) Вишневский
Б) Зельгейм
В) Котельников

Г) Саушкин

2. «Туғилишни назорат қилишдаги ҳаракат буюк ҳаракатдир» - деган таъриф муаллифини белгиланг.

А) Р.Тагор

Б) М.Ломоносов

В) Т.Рузвельт

Г) Д. Менделеев

3. К. Буолдинг демографик жараёнларни назорат қилишни қандай баҳолаган?

А) «Буюк ҳаракат»

Б) «Демография мўъжизаси»

В) «XX асрнинг мазмуни»

Г) Барчаси тўғри

4. Ҳозирги вақтда Ер шарида бир йилда қанча бола туғилади?

А) 53-55 млн.

Б) 82-84 млн.

В) 135-137 млн.

Г) 167-172 млн.

5. Аҳолининг ўртача умр даври Афғонистонда неча ёшни ташкил этади?

А) 41

Б) 43

В) 44

Г) 66

6. Аҳолисининг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш учун 50 йил давомида 35-70 млн. иммигрант қабул қилиши лозим бўлган давлатни белгиланг.

А) Россия

Б) Қозоғистон

В) Украина

Г) Белорус

7. Европа аҳолисининг жинсий нисбатини белгиланг.

А) Аёллар сони 1,5 ҳисса кўп.

Б) Эркаклар сони 1,5 ҳисса кўп.

В) Эркаклар ва аёллар нисбати тенг.

Г) Тўғри жавоб йўқ.

8. Кекса аҳоли салмоғи 15 фоизни ташкил этувчи қитъани белгиланг.

А) Америка

Б) Африка

- В) Осиё
- Г) Европа

9. Аҳолисининг ёш таркибига кўра 14 ёшгача бўлганлар салмоғи энг юқори қитъани белгиланг.

- А) Америка
- Б) Африка
- В) Осиё
- Г) Европа

10. Бутун дунё бўйича 15-64 ёшдаги аҳоли неча фоизни ташкил қилади?

- А) 54
- Б) 58
- В) 62
- Г) 67

Адабиётлар

1. Haub Carl et Cornelius Diana. World Population // Population Reference Bureau. Washington, 2001.
2. Предположительная численность населения Российской Федерации до 2016 года: Стат. Бюлл./ Госкомстат РФ. М., 2001, С. 7
3. Оборонные предприятия России: 1995-2001 годы // Институт социально-экономических проблем народонаселения РАН. М., 2002. С.55.
4. Население России. 2001. С.181.
5. Д.Вересов. Историческая демография СССР. Copyright 1987 by Chalidze Publications Manufactured in USA.

Қўшимча адабиётлар

1. Переведенцев В.И. Методы изучения миграции населения. -М., 1975.-231 б.
2. Урланис Б.Ц., Борисов В.А. (ред.). Народонаселение стран мира. Справочник. - М., 1984.
3. Ата-Мирзаев О., Гольдфарб Б. Перспективы воспроизводства населения Средней Азии. В: «Наше будущее глазами демографа». -М., 1979, с.113-119
4. Ата-Мирзаев О., Салиев А. Урбанизация в регионе. – В сб.: Народонаселения. М., 1985 Ата-Мирзаев О.Б. Многодетная женщина. Социально-демографический анализ. В: «Женщины на работе и дома». М., 1978
5. Слука А.Е., Слука Н.А. География населения с основами демографии. Учебно-методическое пособие. –М.: Изд. МГУ. 2000.

IV БОБ. АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ

1 §. Миграция ва унинг турлари

Миграция жараёни аҳоли ҳудудий ҳаракатининг асосий тури бўлиб, инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорлик вужудга келгандан буён шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Аҳоли миграцияси буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб кенг миқёсда амалга ошмоқда. Миграция ташқи ва ички миграцияга тақсимланади. Мамлакатлар аҳолисининг сони ва таркибига бўладиган таъсири нуқтаи назардан ташқи миграцияларнинг аҳамияти бекиёсдир. Ташқи миграция катта ҳажмга эга мамлакатларда, унинг аҳоли сони ва таркибига бўлган таъсири сезиларли оқибатларга олиб келиши мумкин. АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа қатор мамлакатлар тарихда миграция сальдосининг аҳамияти табиий ўсиши, жумладан устун бўлган айрим даврлар кузатишганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ҳозирги вақтда ҳам мазкур мамлакатларда миграция сальдоси аҳоли сонининг ўсишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Исроил давлатида эса миграция сальдоси аҳоли сони ўсишининг деярли 2/3 қисмини таъминламоқда. Юқоридаги мамлакатлар аҳолининг кўчиб келиши бўйича етакчи ҳисобланса, қатор бошқа мамлакатлар, чунончи, Ирландия аҳолисининг кўчиб келиши бўйича дунёда машҳур бўлиб қолган. Ташқи миграциялар ўзларининг хусусиятлари, сабаблари, ҳудудий қамрови давом этиши бўйича бир-биридан фарқ қилади. Миграция хусусиятлари тўғрисида сўз юритганда, аввалом бор, хоҳишига кўра ва мажбурий миграциялар назарда тутилади. Ташқи миграция асосан иқтисодий сабаблар билан боғланган. Бунда янги ерларни ўзлаштириш мақсадида ҳамда ишчи кучини шартномалар бўйича бошқа мамлакатларга юбориш билан боғлиқ миграциялар катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ҳудудий қамровига қараб материкларга ва материк ичидаги миграцияларни ажратиш қабул қилинган. Ҳозирги вақтда иккинчи турдаги миграциялар асосий аҳамият касб этади. Давом этиши бўйича доимий вақтинчалик ва мавсумий миграция турлари мавжуд. Шартнома асосида амалга оширилаётган миграциялар вақтинчалик миграциялар деб аталади. Доимий миграциялар уй жойи ва иш жойининг тамомила ўзгариши билан боғлиқ аҳоли кўчишлари билан боғлиқ бўлиб, у миграциялар ичида асосий ўрин эгаллайди. Инсоният ҳўжалик ва ижтимоий-маданий фаолиятида рўй бераётган интернационаллашув ва демократиялашув жараёнлари, шунингдек, мамлакатлараро, миллатлараро айрим зиддиятлар, тўқнашувлар, фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар оқибатида аҳоли ҳамда меҳнат ресурсларининг мамлакат ичида мамлакатлараро кенг миқёсда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши рўй беради. Булар бир томондан, жаҳон цивилизациялаш ва халқаро меҳнат бозорлари, турар жой ва иш жой ташлаш учун яратиб берган ҳуқуқ ва имкониятларидан фойдаланувчи кўпчилик миграциялардан иборат бўлса, иккинчи томондан, ўз хоҳиши билан эмас,

балки шароит тақозоси билан туғилиб ўсган жойини ташлаб кетишга мажбур бўлган кочоқлар ҳамда зўраки мигрантлардан иборатдир. Айрим тарихий ерларда мигрантлар оқимининг кўлами ҳамда аҳволининг мураккаблигини жуда катта муаммоларни юзага келтиради. Бу муаммоларни ечиш эса кенг миқёсда халқаро ҳамкорликни тақозо этади.

Халқаро меҳнат тақсимоти мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ривожланишининг олий босқичи бўлиб, у бирор бир мамлакатда муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришда барқарор имкониятлари мавжуд бўлишини турлича миқдор ва малакага эга бўлган меҳнат ресурслари бўлишини тақозо этади. Халқаро меҳнат тақсимоти инсон фаолиятининг турларга бўлиниши деб кенг маънода тушуниш, бу соҳада кейинроқ юз берадиган кооперациялаш халқаро меҳнат тақсимотидан келиб чиққан ҳамда мамлакатлар ўртасида ўзлари энг юқори самара билан ишлаб чиқарган маҳсулотларини мутассил айирбошлашни инкор этмайди. Ана шундай кооперация икки кўринишда меҳнат тақсимотига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулотлари халқаро миқёсда айирбошлаш (халқаро савдо) ёки меҳнат кучларининг давлатлараро кўчиб ўтиши яъни халқаро меҳнат миграциялаш шаклида намоён бўлиши мумкин.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг мамлакатлараро миграциялаш ишчи кучини қабул қилувчи ва уни четга чиқарувчи мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда даражаларида ҳамда аҳолининг табиий ўсиш суръатларида анчагина тавофутлар мавжуд бўлган чоғда рўй беради. АҚШ, Канада, Австралия каби юқори даражада ривожланган мамлакатлар, Ғарбий Европа мамлакатларнинг кўпчилиги шунингдек, нефтдан катта даромад олиб, иқтисодиёти тез ривожланаётган мамлакатлар (Саудия Арабистони, Баҳрайн, Қувайт, БАА ва бошқ.) иммиграциялаш географик марказлари ҳисобланади.

У бир давлатнинг минтақалари ўртасида рўй берадиган ишчи кучи миграциялашда ва бир неча мамлакатларни қамраб оладиган ташқи миграциядан иборат. Халқаро иқтисодиёт фани ташқи миграция ва унинг сабаблари билан шуғулланади.

Ташқи миграциянинг асосий сабаблари иқтисодий қийинчилик, сиёсий беқарорлик, миллий-диний низо ва урушлардир. Ички миграциянинг сабаблари ҳам шунга ўхшаб кетади ва қуйидагилардан иборат: иқтисодий қийинчилик, мавсумий иш, миллий низолар, урушлар ва бошқалар.

Аҳолининг бир давлатдан иккинчи бир давлатга ва бир давлатнинг ичида бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб юришини бошқариш миграция оқими деб аталади. Миграция оқими мамлакат ёки районлар аҳолисининг сонига сезиларли таъсир этиши мумкин. Инсоният тарихи давомида жуда кўп оммавий ташқи ва ички миграциялар содир бўлган. Буюк географик кашфиётлардан кейин асосий миграция оқими Америка, Австралия ва бошқа янги кашф қилинган ерлар томон бўлган. Оммавий ички миграция давлат

дастури асосида амалга оширилади. Масалан, Мирзачўлнинг Қозоғистон кўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва ҳ.к.

Халқаро ишчи кучи миграцияси бундан бир неча юз йил илгари пайдо бўлган ва шундан буён бу борада жиддий ўзгаришлар рўй берди. Халқаро миграция муаммолари 60-йилларнинг охирида иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ фаол ўрганишни бошлади. Натижада, асосан шундай хулосага келдики, ишчи кучининг халқаро ҳаракати ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида иқтисодий ривожланиши суръатларига таъсир қилади, бу ҳаракатнинг сабаби эса турли мамлакатларда, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси турлича эканлигидан иборат. Ҳар бир киши ўз меҳнатининг энг сўнгги самарасини олади ва истеъмол қилади, деган ақидага асосланувчи неоклассик назария тарафдорларининг эмиграция қабул қилувчи мамлакат фаровонлигини оширишга хизмат қилади, айтиб бериш пайтда эмиграциянинг асл ватани бўлган давлатда иқтисодий ривожланиш сақланиб қолади ёки ҳеч бўлмаса пасаймайди.

Неоклассик тарафдорлари ишчи кучини, айтиб, юқори малакали ходимларни экспорт қилувчи мамлакатда миграция мумкинлигини эътироф этишади. Шу муносабат билан «ақлий талофот»га солиқ солиш ва ундан келадиган даромадни БМТ ихтиёрига ўтказиб, улардан ривожланиш мақсадларида фойдаланиш ғояси кенг муҳокама этилди. Кейинги йилларда жамлашишга мамлакат иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида қарашлик устун кела бошлади. Жамланган инсон потенциали иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили эканлигидан келиб чиқилса, халқаро мамлакатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш борасидаги суръатлар турлича эканлигининг сабабларидан бири ҳам инсон салоҳияти деб ҳисоблаш мумкин. Халқаро мигрантлар асосан 5 тоифага бўлинади:

1. Мамлакатга ошқора киритилган иммигрантлар ва ноиммигрантлар. Кўпдан бери иммигрантларни қабул қилиб келаётган мамлакатлар учун 80-90-йиллар иммиграция юқори поғонага кўтарилган давр бўлди;

2. Шартнома бўйича ишлайдиган хизматчи мигрантлар. 90-йилларнинг охирида буларнинг сони дунё бўйича 25 млн. кишидан кўпроқ эди. Кўпинча мамлакатлар чет эл ишчи кучига муҳтожлик сезади. Бу ҳолларда ишчи кучи сероб бўлган мамлакатлар: масалан, Осиёнинг баъзи минтақалари, яъни шарқдаги қатор мамлакатлар билан шундай шартномалар ҳақида келишиб олишади;

3. Яширинча келган иммигрантлар. 90-йилларнинг охирида буларнинг сони 30 млн. кишидан ортиқ эди. Деярли барча саноат ривожланган мамлакатларда яширин иммигрантлар мавжуд. Уларнинг бир қисми чегара орқали ўтса, бошқалари виза муддати тугагандан кейин бегона мамлакатдан чиқиб кетмайди: бундайлар одатда, энг кам иш ҳақи тўланадиган иш жойларига ёлланадилар.

4. Бошпана сўраган шахслар. Бундай тоифадаги мигрантлар сони 80-йилларгача жуда оз бўлиб, кейинчалик анча кўпайди. 90-йиллар охирига

келиб, 1млн. кишини ташкил этди. Шахслар сиёсий сабабларга кўра, иқтисодий аҳвол туфайли бошпана сўрайди.

5. Қочоқлар. БМТ маълумотига кўра, 90-йиллар охирига келиб, дунёда қочоқлар сони 22 млн. дан кўпроқни ташкил этган (булардан қарийб 4 млн. киши ўз ватанига қайтиб келган бўлса ҳам БМТ ҳомийлигида яшайди). Қочоқларнинг кўпчилиги бугунги кунда махсус лагерларда истиқомат қилади. Бу лагерлар БМТ ёки хусусий агентликлар ҳомийлигидадир. Маълумотларга қараганда, ортиғи бир фоиздан камгинаси ривожланган ғарб мамлакатларидан бошпана топган.

2 §. Урбанизация ва аҳоли миграцияси

Ташқи ва ички миграциялар билан урбанизация жараёни узвий боғлиқ. Урбанизациянинг геологик моҳиятини куйидаги мисолларда ифодалаш мумкин. Урбанизациялашган ҳудудларда жаҳон аҳолисининг 45% дан зиёд қисми истиқомат қилади ва ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи ишлаб чиқарилади. Шу вақтнинг ўзида атмосфера ва гидросферага чиқарилаётган заҳарли чиқинди ва газларнинг 80% ҳам ушбу ҳудудга тўғри келади.

Урбанизация жараёни шаҳарлар сони ва шаҳарлар аҳолисининг миқдори ва улушининг ўсишини, шаҳарлар билан боғлиқ мураккаб тармоқлар ва тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишини англатади. Демак, урбанизация кишилиқ ҳаётида шаҳарлар аҳамиятининг бекиёс ошишини, жамиятни аҳолининг меҳнат хусусияти, турмуш тарзи ва маданиятини ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича шаҳарлаштириш ўзида акс эттирувчи тарихий жараёндир. Урбанизация ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Замонавий урбанизация умумжаҳон жараёни сифатида кўпчилик мамлакатларга хос бўлган учта умумий жиҳатлар билан ифодаланади.

Шулардан биринчи жиҳат- шаҳар аҳолисининг айниқса кам ривожланган мамлакатларда юқори суръатлар билан ўсиши. Дунёда 1900 йилда мавжуд жами аҳолисининг салкам 14% и шаҳарларда яшаган, бу кўрсаткич 1950 йилда 19% ни, 1990 йилда 45% ни, 2000 йилда эса 51% ни ташкил этади.

Иккинчи жиҳат-аҳоли ва хўжаликнинг асосан катта шаҳарларда тўпланганлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолат авваламбор, ишлаб чиқаришнинг хусусияти, уни илм-фан, таълим-тизими билан бўлган алоқадорлигининг мураккаблашуви билан боғланганлиги. Маълумки, катта шаҳарлар инсонларнинг маънавий ва маданий талабларини тўлароқ қондиради. Хилма-хил товарлар ва хизматлар билан яхшироқ таъминланади, мавжуд ахборот манбаларига йўл очиб беради. Жаҳонда XX аср бошида (аҳолисининг сони 100 мингдан ортиқ) 360 та катта шаҳарлар мавжуд бўлиб, шуларга жами аҳолининг атиги 5% и тўғри келган, бундай шаҳарларнинг миқдори 90-йилларнинг бошида 2,5 мингни ташкил этди. 2000 йилда эса 3,5 мингдан ўтиб кетди. Уларга тегишли тарзда жами аҳолининг 1/3 ва 2/5 қисми ташкил этади. Катта шаҳарлар ичида аҳолисининг сони 1 мингдан ортиқ бўлган йирик ва жуда йирик бўлган шаҳарларни алоҳида ажратиш қабул қилинган. Шундай шаҳарларнинг сони XX аср бошида 10 та бўлган, 80-

йилларнинг бошида 200 дан, 2000 йилда эса 400 дан ошиб кетди. Мазкур шаҳарлар ичида супершаҳарлар (аҳолисининг сони 5 млн. дан зиёд) миқдори 90-йилларда 30 тани, 2000 йилда эса 60 тани ташкил этди. Ҳозирги кунда ушбу шаҳарларда салкам 0,5 млрд. киши ёки ер шари аҳолисининг 80% дан ортиқ қисми истиқомат қилмоқда.

Учинчи жиҳат-шаҳарлар ҳудудининг кескин кенгайиб, ёйилиб кетиши билан боғланган. Замонавий урбанизация жараёни учун айрим шаҳарлар ва шаҳарчалардан шаҳарлар билан қишлоқларни ўзида қамраб олган шаҳарлар агломерацияларига, йирик шаҳарларни қамраб олган мегаполисларга ўтиш хос бўлмоқда. Шаҳарлар агломерацияларининг ўзаги вазифасини одатда пойтахтлар бошқа муҳим саноат марказлари ва йирик денгиз портлари бажармоқда.

Жуда йирик шаҳарлар агломерациялари Мехико, Токио, Сан-Паулу, Нью-Йорк шаҳарлари атрофида шаклланган, шуларнинг ҳар бирида 16 млн. дан 30 млн. гача киши истиқомат қилади.

Ҳозирги вақтда икки ёки ундан ортиқ агломерациялар ҳудудининг қўшилиб кетиши натижасида урбанизациялашган районлар ва зоналар энг муҳими мегаполислар вужудга келмоқда. Урбанизация даражаси бўйича жаҳондаги барча мамлакатларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Юқори даражада урбанизациялашган мамлакатлар 1 шаҳар аҳолисининг улиши 50% дан юқори;
2. Ўртача даражада урбанизациялашган мамлакатлар шаҳар аҳолисининг улуши 20%-50%;
3. Паст жараёнда урбанизациялашган мамлакатлар шаҳар аҳолисининг улиши 20% дан кам.

Юқори даражада урбанизациялашган мамлакатлар қаторига Европанинг барча давлатлари, Австралия, Янги Зеландия ҳамда Шимолий ва Жанубий Американинг кўпчилиги мамлакатлари киради. Ўртача даражада урбанизациялашган мамлакатларнинг асосий қисми Жанубий, Ғарбий, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё регионлари ҳамда Африкада жойлашган. Паст даражада урбанизациялашган мамлакатларнинг ҳам кўпчилиги Африка ва Осиёда мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳозирги вақтда урбанизация доираси ривожланган мамлакатларда 7% ни ривожланаётган мамлакатлар 37% ни ташкил этади, дунё бўйича бу кўрсаткич 51% га тенг. Урбанизация жараёнининг ўсиш суръатлари мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик ҳамда урбанизациялашганлик доирасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда шаҳар аҳолисининг улуши 75%-90% га, яъни юқори даражага етганлиги туфайли урбанизациялашиш суръатлари анча пасайган, айрим ҳолларда йирик шаҳарлардаги аҳоли сони камаймоқда. Шунга қарамасдан, урбанизация жараёни иқтисодий ривожланган давлатларда тараққий этишда давом этиб, янги-янги шаклларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда урбанизациялашиш жараёни шаҳар аҳолисининг нисбатан паст улушга эгаллиги туфайли ҳар томонлама ва ҳамма

йўналишларда ривожланмоқда. Лекин мазкур мамлакатларда урбанизация жараёнини сифат кўрсаткичларига мутаносиб эмас. Шаҳар аҳолиси кўп ҳолларда қишлоқларда ортиқча бўлиб қолган аҳоли ҳисобига ўсмоқда. Қашшоқ қишлоқ аҳолисининг катта қисми йирик ва катта шаҳарларнинг ҳудудида жойлашиб кулбасимон урбанизациянинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Шундай урбанизациянинг шакллари Мехико, Ления, Манила, Дакка, Калькутта, Бомбей, Киншаса ва бошқа пойтахт шаҳарлар атрофида кенг тарқалган. Умуман урбанизация жараёни ривожланаётган мамлакатларда бошқариб бўлмайдиган ҳолда тараққий этмоқда ҳамда демографик иқтисодий ва экологик муаммоларнинг чуқурлашишига сабаб бўлмоқда. Атроф муҳитнинг ифлосланиши умумий ҳажми 3/4 қисми тўғри келади. Иқтисодий ривожланган давлатларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилмоқда, ривожланаётган мамлакатларда эса, моддий маблағларнинг етарли эмаслиги мазкур муаммоларни тўла тўқис ҳал этишга имкон бермаяпти, уларда шаҳар аҳолисининг сони ва улуши тез ўсади. Шунга қарамадан, жаҳон аҳолисининг ярмига яқин қолоқ аҳоли манзилгоҳларида яшашмоқда. Уларнинг умумий сони 15-20 млн ни ташкил этади.

Қишлоқ аҳолиси асосан гуруҳлашган ва алоҳида жойлашган қишлоқлар бўйича тақсимланади. Бунда тарихий ва табиий шарт-шароитлардан ташқари иқтисодий омиллар аҳамияти катта бўлганлигини айтиб ўтиш лозимдир. Аҳоли тақсимланишининг гуруҳлашган шакллари деҳқончилик айниқса, ҳайдаланадиган ва суғориладиган деҳқончилик ва ривожланган регион мамлакатларга хосдир. Алоҳида жойлашган қишлоқлар чорвачилик интенсив ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Бразилия, Аргентина) кенг тарқалган. Аҳоли жойлашишининг шакллари ҳам мавжуд яйлов чорвачилиги ривожланган ҳудудларнинг кўпчилигида эса доимий аҳоли манзилгоҳлари умуман барпо қилинмаган.

Миграция жараёни аҳоли ҳудудий ҳаракатининг асосий тури бўлиб, у инсон билан табиат ўртасида алоқадорлик вужудга келгандан буён шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Аҳоли миграцияси айниқса, Буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб кенг миқёсда амалга ошмоқда. Миграция ташқи ва ички миграцияга тақсимланади. Мамлакатлар аҳолисининг сони ва таркибига бўлган таъсири сезиларли оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа қатор мамлакатлар тарихида миграция сальдоси аҳамияти табиий ўсиш жумладан, устун бўлган айрим давлатлар кузатилганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ҳозирги вақтда ҳам мазкур мамлакатларда сальдоси аҳоли сони ўсишида муҳим омил бўлиб ҳисобланмоқда. Исроил давлатида эса миграция сальдоси аҳоли сонининг ўсишининг деярли 2/3 қисмини таъминламоқда.

Юқоридаги мамлакатлар аҳолисининг кўчиб келиши бўйича етакчи ҳисобланса, бошқа қатор мамлакатлар, чунончи, Ирландия аҳолисининг кўчиб кетиши бўйича дунёда машҳур бўлиб қолган. Ирландия XIX-XX асрларда аҳолининг катта миқдорда кўчиб кетиши бўйича уч даври бошдан кечирган.

Ушбу даврлар 1840-1900 йилларда қайд этилган бўлиб, унда мамлакат аҳолисининг мутлоқ сони 8,2 млн дан 4,5 млн кишига тушиб қолди.

Ташқи миграциялар ўзларининг хусусиятлари, сабаблари, ҳудудий қамрови, давом этиш даври бўйича бир-биридан фарқ қилади. Миграция хусусиятлари тўғрисида сўз юритганда, авваламбор хоҳишга кўра ва мажбурий миграцияларга XVI-XIX асрлар давомида неча 10 минглаб негр кулларининг Африкадан Америкага зўрлаб олиб кетилиши мисол бўлиши мумкин.

Ташқи миграциялар асосан иқтисодий сабаб билан боғланган. Бунда янги ерларни ўзлаштириш мақсадида ҳамда ишчи кучини шартномалар бўйича бошқа мамлакатларга юбориш билан боғлиқ миграция катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Биринчи турдаги ташқи миграцияларда катта миқдорда аҳолининг кўчиб кетиши Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция, Скандинавия мамлакатлари, Ирландия, Польша, Россия мамлакатларига кўчиб кетиши АҚШ, Канада, Бразилия, Аргентина, Уругвай, Чили, Австралия, Жанубий Африка Республикасига хос яралган. Иккинчи турдаги ташқи миграцияларда дастлабки даврларда Хитой ва ҳиндистонлик ишчилар асосий ролни ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шуларнинг катта жамоалари Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида барпо этилган. Ҳозирги вақтда Шимолий Африка, Жануби-ғарбий Осиё, Жанубий Европа ишчи кучининг катта миқдорининг Ғарбий Европа ва қисман Шимолий Европа мамлакатларида шартнома ҳам иккинчи турдаги ташқи миграцияларга мисол бўлиши мумкин. Чунки шундай миграцияларнинг сони Ғарбий Европа мамлакатларида 12-13 млн. дунё бўйича эса 15 млн. кишини ташкил этади. (АҚШ, Австралия, ЖАР, Форс кўрфази мамлакатлари) мазкур мигрантларнинг ичида йирик олимлар ва мутахассислар бўлиб, уларнинг сони салкам 1 млн. кишини ташкил этади. Сиёсий сабаблар ҳам ташқи миграцияларга катта таъсир кўрсатади. Сиёсий миграция иқтисодий ва сиёсий вазияти беқарор, инсон ҳуқуқлари поймол этилаётган мамлакатларга хос бўлган ва ҳозир ҳам шундайлигича қолмоқда.

Ҳудудий қамровга қараб материкларга ва материк ичидаги миграцияларни ажратиш қабул қилинган. Ҳозирги вақтда иккинчи турдаги миграциялар асосий аҳамият касб этади. Давом этиш бўйича доимий, вақтинчалик ва мавсумий миграция турлари мавжуд. Шартнома асосида амалга оширилаётган миграциялар вақтинчалик миграциялар деб аталади. Икки ой ёки ундан ортиқ вақт давомида дам олиш, даволаниш ёки бошқа мавсумий турдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ миграциялар мавсумий миграциялар деб аталади. Доимий миграциялар уй-жойининг ва иш жойининг тамомила ўзгариши билан боғлиқ аҳоли кўчишлари билан боғлиқ бўлиб, у миграциялар ичида асосий ўрин эгаллайди.

Дунёда 80-йилларнинг охири ва 90-йилларда бўлиб ўтган сиёсий маъмурий ўзгаришлар халқаро миграциялар ҳажмининг кескин кенгайиб кетишига, ҳамда Шарқий Европа, собиқ Иттифоқ ва бошқа регионларда аҳолини ҳудудий катта тақсимланишига сабаб бўлди. Жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатларида ҳозирги вақтда ўзаро давлатлараро миграцион алоқалар асосий роль ўйнамоқда.

3 §. Халқаро миграция тарихи ва географияси

XVIII-XIX асрларда демографик жараёнларнинг ривожланиши ўз навбатида давлатлараро савдо алоқаларининг ривожланишини, кемалар бандоргоҳларининг пайдо бўлиши, саноатлашган минтақаларнинг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Бу даврда эмигрантлар фаоллигида Европа давлатлари етакчилик қилди. Жумладан, Европадаги эмигрантлар сони бўйича биринчи ўринни Буюк Британия эгаллаган 1815-1900 йиллар қарийб 13 млн. киши эмиграция қилинган. Уларнинг аксарият қисми АҚШ (65%), Канада (15%), Австралия (9%), Жанубий Америкага (5%) чиқиб кетишган. Иккинчи ўринни Германия эгалаб, 1841 йилдан то 1900 йилга қадар 4853 минг киши эмиграция этилган. Бу даврда италияликларнинг эмиграцияси ўзига хос бўлиб, мавсумий кўринишга эга бўлган ва моҳиятан мայтнисимон миграцияга ўхшаб кетади, яъни улардан қурувчилар, ер ўзлаштирувчилар Австрия, Болкон ярим ороли давлатлари, Швейцария, Франция каби давлатларга эрта баҳордан кетишиб, кеч кузда қайтишган.

Доимий эмигрантлар оқими эса Аргентина, Бразилия ва АҚШга йўналтирилган. Шундай қилиб, италиялик эмигрантлар китъалар бўйича тақсимооти Америкага – 80%, Африкага – 19%, Осиёга – 0,5%, Австралияга – 0,5% ни ташкил этган. 1900 йиллардан 1939 йилгача Европадаги эмиграция жараёнларини Шимолий Европа давлатлари давом эттирди. Бу даврда Швециядан 305 минг, Норвегиядан 360 минг, Даниядан 206 минг эмигрант чиқиб кетган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Европадаги миграция жараёнлари ниҳоятда тартибсиз кечган. Кишилар ёппасига хавфсиз ҳудудларга кўчирилган. Аммо, уруш Европанинг деярли барча ҳудудини қамраб олди. Сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлганлиги боис, бу миграция жараёнлари вақтинчалик кўринишга эга бўлди.

15-жадвал

XX асрда дунё аҳолисининг кўпайиб бориши

Йиллар	1900	1950	1980	1990	1997
Бутун дунё	1660	2100	4431	5231	5840
Хорижий Европа	290	392	483	499	582
Хорижий Осиё	965	1392	1577	3057	3552
Африка	126	220	470	685	743
Шимолий Америка	90	166	247	273	298
Лотин Америкаси	67	164	363	459	453
Австралия ва Океания	8	13	22	26	29
МДХ	120	180	264,5	281*	263

*Болиқ бўйи давлатлари билан бирга. Манба: В.П.Максаковский маълумотлари ва муаллиф ҳисоби

Шундай қилиб, XX асрга келиб демографик жаарёнлар ниҳоят мураккаб кўринишга эга бўлиб қолди. Инсоният тарихида катта ўрин эгаллаган иккита жаҳон урушини бошидан кечиришига қарамай, дунё аҳолиси 1900-1950 йиллар

давомида 50 йил ичида 440 млн. кишига кўпайган бўлса, 1950-1980 йиллардаги 30 йил ичида 2,1 мартага кўпайди. Шунингдек, ўтган XX асрнинг 50 йилларига нисбатан 1990 йилларда 3571 млн. га, 2000 йилда 4436 млн. кишига кўпайди.

Албатта, алоҳида қитъалар, минтақалар аҳолисининг қайта барпо бўлишида ҳудудлардаги сиёсий, иқтисодий, экологик вазиятлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бўлиб ўтган жаҳон урушлари баробарида фан-техника инқилоби, янги ерларнинг минерал-ҳомашё ресурсларининг беаёв ўзлаштирилиши оқибатида глобал муаммолар юзага келди. Натижада ривожланган мамлакатларнинг аксариятида депопуляция, яъни «демографик инқироз» юзага келган бўлса, бошқа баъзи давлатларда эса «демографик портлаш» ҳолати содир бўлмоқда. Жумладан, БМТ маълумотларига кўра, 2025 йилга бориб, Хитой аҳолиси 1569,6 млн. кишига Ҳиндистон аҳолиси 1384,6 млн. кишига етиши башорат қилинмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида шу каби янги географик омиллар таъсирида ташқи миграцияда кескин ўзгаришлар юз берди. Бу урушдан кейинги даврда тинч ҳўжалик юритишда меҳнат ресурсларига эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ бўлди.

Кам ривожланган мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришининг қолоқлиги, ишсизликнинг юқорилиги ва натижада арзон ишчи кучларининг тўпланиб қолиши ҳам миграцион жараёнларга ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, 1946-1957 йилларда Европадан 5900 минг киши бошқа ҳудудларга (саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг янги ўчоқларига) кўчиб кетишган бўлса, Шимолий Америка, яъни АҚШ ва Канадага 3200 минг киши, Лотин Америкасига 1200 минг киши, Африкага 300 минг киши Австрия ва Океанияга 1000 минг киши кўчиб ўтган.

16-жадвал

Аҳоли миграциясининг қитъалараро натижалари (минг киши) *

Қитъалар	1946-1957 йиллар	1960-1962 йиллар
Европа	-5900	+400-500
Шимолий Америка	+3200	+750-800
Лотин Америкаси	+1200	-250-350
Африка	+300	-900-1000
Осиё	+200	-50-150
Австралия ва Океания	+1000	+250

- Манба: А.Е.Слука маълумотлари

Уруш якунидан кейинги 10-15 йил ичида дунё мамлакатларидаги сиёсий-иқтисодий вазият бирмунча барқарорлашди. Эндиликда, дунё аҳолиси ерлари ҳосилдор, хом-ашё ресурсларига бой минтақаларга эмас, балки саноат ривожланган, ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаси бирмунча юқори, фан-техника ривожда истиқболли ҳудудларга интилишга бошлашди. Жумладан, 1960-1962 йиллар давомида аҳоли миграцион Европа учун ижобий тус олди ва мусбат кўрсаткични ҳосил этди. Аксинча, Африка, Лотин Америкаси, Осиё

давлатларидаги миграция сальдоси манфий кўрсаткичларга эга бўлди. АҚШ ва Австралия давлатларига миграция оқими барқарор ривожлана борди.

17-жадвал

1960-1962 йилларда ташқи миграция сальдоси (минг киши)

Иммиграция давлатлари		Эмиграция давлатлари	
Франция	+1180	Жазоир	-900
Германия	+1080	Италия	-515
АҚШ	+820	Испания	-500
Буюк Британия	+300	Греция	-190
Австралия	+200	Мексика	-130
Швейцария	+180	Португалия	-100

- Манба: А.Е.Слука маълумотлари

1960- йилларда Бутун Ғарбий Европада дунёнинг бошқа минтақаларидан келиб ишлаётганлар 5 млн. кишини ташкил этган. Шундан Францияда 2 млн. дан ортиқ, Германияда ва Буюк Британияда 1 млн. дан 2 млн. гача, Швейцарияда 700 млн. атрофида мамлакатлар ҳудудидан ташқаридан ёлланиб ишлаганларни ташкил қилган.

Бу даврда асосий иммиграция давлатлари сифатида Франция, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Австралия ва Швейцария қайд этилса, эмиграция давлатлари сифатида эса Жазоир, Италия, Испания, Греция, Мексика, Португалия давлатлари қайд этилган. Саноатнинг оғир тармоқларида ишлаш учун асосан эркаклар талаб этилган. Масалан, 1964 йилда Бельгия кўмир саноатида банд аҳолининг 40%ини хорижий муҳожирлар ташкил этган.

Миграция жараёни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатувчи ва ўз навбатида аҳоли жойлашувидаги муҳим муаммолар билан боғлиқ аҳолининг ҳудудий ҳаракатидир. Бугунги кунда аҳоли миграцияси демография, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, социология, статистика, этнография каби қатор фанларнинг тадқиқот объектига айланди. З.Х.Райимжонов таъкидлаганидек: «Инсоният тарихи бу миграция тарихи билан чамбарчас боғлиқ». Меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияси бир неча юз йиллар илгари бошланиб, бу даврлар оралиғида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Албатта, бу Буюк географик кашфиётлар ва унинг оқибати бўлмиш халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўзгаришлар миграция жараёнининг шу даражада ривожланишига сабаб бўлди. Масалан, Америка қитъасининг кашф этилиши ёки Африка материкидаги маъданларнинг ўрганилиши Европа, Африка, Америка қитъалари бўйлаб миграция жараёнларининг фаоллашувини келтириб чиқарди. Биринчи ва иккинчи жаҳон миграцияси асосан сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлди. Бу даврда аҳоли миграциясига таъсир этувчи бошқа омиллар четда қолди.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, йиллик миграция сальдоси 90-йилларнинг ўрталарига келиб, қарийб 1 млн. кишини ташкил этган, яъни қабул қилувчи мамлакатларга кўчиб келганлар сони бу ердан чиқиб кетганларга нисбатан 1 млн. кўп бўлган. Тахминларга қараганда, жаҳон

иқтисодиётининг барқарорлашуви муносабати билан миграция сальдоси яқин йиллар ичида камайиб боради.

Халқаро миграция билан боғлиқ бўлган кун оқими ҳажми 100 миллиардлаб долларни ташкил этади ва уни кўлами жиҳатидан бемалол йиллик бевосита хорижий инвестицияларига тенглаштириш мумкин.

18-жадвал

Халқаро миграция билан боғлиқ кун оқимлари (млрд. \$)

		1987	1990	1995
Меҳнат даражаси	Дебет	13,8	19,5	20,7
	Кредит	-19,5	-25,6	-26,7
Тўпланган хусусий жўнатмалар	Дебет	64,9	100,1	95,6
	Кредит	-58,2	-91,8	-102,5
Жами:	Дебет	78,7	119,6	116,3
	Кредит	-74,2	-117,4	-122,1

Эмиграция меҳнат ресурслари сероб бўлган мамлакатлар иқтисодиётига яхши ишлари таъсир кўрсатади, нега деганда, ишчи кучининг чет элга чиқиб кетиши ишсизликнинг камайтиради. Чунончи, 70-йилларда Миср ҳукумати ишсизликка қарши кураш дастурини қабул қилар экан, унда Форс кўрфази мамлакатларига бўладиган эмиграциялаш, рағбатлантириш чораларини кўзда тутган. Пуэрто-Рикога энг кам иш ҳақи қонун бўйича ишчи кучининг лоақал учдан бир қисми АҚШга кетиши мўлжалланган.

«Ақлий талофот» кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар айниқса, Африка (Малави, Судан, Заир, Замбия) учун жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Бироқ кўп ҳолларда мамлакатда иқтисодий аҳвол яхшиланганда «Ақлий талофот» ҳам барҳам топди. Масалан, ҳинд олимлари Силикон водийсида юксак технологияга асосланган Америка коорпорацияларида бир қанча йил ишлаб кейин ўз юртларига қайтган ҳинд саноатида янги компьютер дастурларини яратиш соҳасига асос қўйдилар.

Иммиграциянинг иқтисодий самаралари кўп ҳолларда юзаки тарзда салбий деб баҳоланади, бунинг сабаби чет элдан келган ишчилар иш жойларини эгаллаб туб аҳоли ўртасида ишсизликни кўпайтиради. Бундай муаммо ҳам борлигини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, иммигрантлар ўзлари билан бирга, тажриба, билим, ўқув деган нарсаларни олиб келадилар. АҚШ, Канада ва Австралия иммиграцияси натижасида пайдо бўлган мамлакатлардир. Баъзи мамлакатларда иммигрантлар бутун бир тармоқни келиб ривожлантириб юборишади. Бунга мисол қилиб, Индонезия, Малайзияда ишлаган хитойлик саноат ишчиларини Африкада фаолият кўрсатган ҳинд ва Ливан бизнесменларини, Форс кўрфазида хизмат қилган иорданиялик ва фаластинликларни кўрсатиш мумкин. Қолаверса, иммигрантлар кўпгина мамлакатларда маҳаллий аҳоли инкор этадиган бўш иш жойларини тўлдиришади. Туркия ва Шимолий Африкадан келадиган иммигрантлар Германия ва Франция иммиграциянинг 60-80%ини ташкил

этишади. Фаластинликлар Исроилда, индонезияликлар Малайзияда, боливияликлар Аргентинада энг оғир ишларга жон деб кўнишади. Қолаверса, мамлакат учун даромад келтирувчи, шу жумладан, экспортдан даромад келтирувчи баъзи саноат тармоқлари иммигрантлар бўлмаса, танг аҳволга тушиб қоларди.

ЖАР кон-руда саноатнинг Доминикан Республикаси, Малайзия ва Испанияда қишлоқ хўжалик плантацияларини, Малайзия каучук ва резина саноатини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шубҳасиз, иммиграция билан боғлиқ бўлган салбий оқибатларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда, бу нарса аввало, иммигрантлар оқиб келиши натижасида кам малакали ишчи кучини реал иш ҳақи камайишига олиб келади.

Иқтисодий сабабларга кўра, мигрантларнинг асосий оқимлари киши бошига тўғри келадиган даромад кам бўладиган мамлакатдаги шу даромад кўпроқ бўлган мамлакатга қараб ҳаракат қилиб келган. Урушдан кейинги бутун давр мобайнида, халқаро миграция йўналишлари доимо ўзгариб турган иқтисодий шарт-шароитларга қараб турлича бўлиб келди.

Бошқа мамлакатлардан келувчи мигрантларни жалб этувчи мамлакат ва минтақалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. АҚШ, Канада, Австралия ва АҚШ ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан энг кўп тараққий этган мамлакат бўлганлиги учун ҳам паст малакали ҳам, юқори малакали ишчи кучи миграциясида асосий йўналиш ҳисобланади. Ҳар йили у ерга дунёдаги барча мамлакатларни кўшиб ҳисоблаганда, кўпроқ иммигрантлар оқиб келади. Паст малакали ишчи кучи АҚШга асосан, Лотин Америкасидаги қўшни давлатлар- Мексика, Кариб ҳавзаси мамлакатларидан келади. Юқори малакали хизматчилар дунёдаги деярли ҳамма мамлакатлардан шу жумладан, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси, Россия, Ҳиндистон ва ҳ.к.лардан иммиграция қилишади. АҚШ ва Канадага келадиган иммигрантлар сони 90-йилларнинг ўрталарида йилига 900. 000 кишини ташкил этди. АҚШга расмий равишда ҳар йили 740 минг киши кўчиб келса, 160 минг киши четга чиқиб кетади. Соф иммиграция (миграция сальдоси) 580 минг кишини ташкил этади.

Ғарбий Европа ва ундаги энг кўп ривожланган мамлакатлар, аввало, элга кирувчи шу минтақадаги кам ривожланган мамлакатлар (Португалия, Мальта, Испания)дан, Шимолий Африкадаги ва Яқин Шарқдаги араб мамлакатларидан, Африканинг Сахарадан жанубдаги мамлакатларидан, Шарқий Европа мамлакатларидан ишчи кучини ўзига жалб этиб келмоқда. Ғарбий Европанинг собиқ мустамлакалари бўлиш, Африка мамлакатларидан миграцияга ёрдам берадиган омиллар бор – булар бир тилда гаплашиш мумкинлигини, тарихан юзага келган анъанавий савдо ва бошқа алоқалардир. Ғарбий Европага келадиган иммигрантлар сони 90-йиллар ўртасида йилига 180 млн. кишидан иборат бўлган. Қолаверса, Ғарбий Европа интеграцияси доирасида умумий ишчи кучи бозори ташкил этилган ва у ривожланиб

бормоқда. Бу бозор ЕИ мамлакатлари ўртасида ишчиларнинг эркин ҳаракатланишини ҳамда меҳнат қонунчилигини ягоналаштиришни назарда тутади.

90-йиллардаги зўр янгилик бу ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида ҳам меҳнат миграциясининг жадаллашуви бўлди. Одатда ишчилар оқими иқтисодий ислохотлар йўлида фаоллик кўрсатаётган мамлакатларга қараб йўл олади. Чунончи, Лотин Америкасида мавсумий ишчилар ва йиғув корхоналарида ишламоқчи бўлганлар Аргентина ва Мексикага боришади. Африкада Сахаранинг жануброқ қисми, Фил суяги соҳили, Нигерия ва ЖАРга барча иммигрантларнинг ярмидан кўпроғи тўғри келади. 1991 йилда Форс кўрфазидаги уруш туфайли қарийб 1 млн. га яқин мисрлик Ироқдан, 100 минг яманлик Саудия Арабистонидан ва 500 мингга яқин фаластинлик ва иорданиялик ишчилар Қувайтдан чиқиб кетди. Уларнинг ўрнини эса Ҳиндистон ва Мисрдан келган ишчилар эгаллади.

Янги саноат мамлакатлари: Жануби-шарқий Осиёдаги бу мамлакатлар гуркираб ривожланганлиги сабабли вақтинча ишга ёлланувчи иммигрантлар оқими кўпайди. Жанубий Корея ва Малайзия мисолида бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бир йилда 25 мингдан ортиқ киши кириб келадиган мамлакатларнинг деярли ҳаммаси аҳоли жон бошига 6900 доллардан кўпроқ ЯИМ тўғри келувчи юксак даражада ривожланган мамлакатларидир. Эмиграция манбаи бу ривожланаётган мамлакатлар бўлиб, буларнинг ичида Мексика ва Осиё мамлакатлари етакчилик қилади.

Демак, миграция билан боғлиқ бўлган сон кўрсаткичлари жорий операциялар балансининг бир қисми бўлиб, меҳнат даромадлари (норезидентларга тўловлар), ҳамда тўланмаган хусусий жўнатмалар, (мигрантлар чет элга кетаётганида ўзи билан олиб ўтадиган мол-мулкнинг пулга чақилган тахминий қиймати ва кейинчалик ўз ватанига маҳсулот ва пул тарзида юборадиган жўнатмалари) деган моддаларга ажратилади. Миграция натижасида эришилган иқтисодий самара, мигрантлар даромадининг ошиши, ўз юртига юборадиган пул жўнатмаларининг кўпайиши шаклларида намоён бўлади. Ривожланган мамлакатлар – иммиграциясининг асосий йўналиши, ривожланаётган мамлакатлар эса эмиграциянинг асосий манбаидир.

Инсоният тарихи – бу миграция тарихи ҳамдир. Одамлар бир жойдан иккинчи жойга бирдан-бир мақсад, яъни яхши яшаш учун мақбул жойларга, иш бор жойларга кўчишади. Миграция жараёни айниқса, кейинги икки юз йилликда жуда тезлашди. XIX асрда 50 млн. европалик, бошқа континентларга кўчишди. Кўчишларнинг асосий сабаби яшаётган жойларида ерларнинг етишмовчилиги ва кўчиб борган жойларида эса ерларнинг арзон баҳоларга сотилишидир. Кўчиб борган мигрантларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларида ўрналашдилар. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида эса миграция оқими йирик саноатлашган шаҳарларга қаратишди. 1846-1939

йилларда Европада 38 млн. одам АҚШ га, 7 млн. Канадага, 2 млн. Австралияга, 7 млн. Аргентинага, 5 млн. Бразилияга кўчиб ўтишди.

Кейинги икки асрдаги жаҳонда рўй берган миграция оқимини тахминан тўртта даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр (XIX аср ва XX асрнинг бошлари 1914 йилгача). Бу даврда Россиядан ташқари Европанинг ҳамма мамлакатларида одамлар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга бемалол ҳеч қандай рухсатсиз ва паспортини алмаштирмасдан биргина XIX асрда, яъни 100 йил мобайнида Европа аҳолисининг 12% бошқа мамлакатларга кўчиб келавериши муносабати билан ушбу мамлакатга кўчиб келувчилар ҳаммасини ҳам қабул қилавермаслик ҳақида қарорлар қабул қилинди. Айниқса, Осиёдан кўчиб боровчилар учун паспорт режими қийинлаштирилди. Хитойликларни то XIX асрнинг охиригача Америкага кўчиб келишлари таъқиқланди.

Иккинчи давр (1914-1945 йиллар), Кўпчилик Европа давлатлари муҳожирларнинг кўчиб келишига қарши бўлган қонунлар қабул қилдилар, чунки биринчи жаҳон уруши даврида ва айниқса, иккинчи жаҳон уруши арафасида Европадан сиёсий ва бошқа турли таъқиблар остига олинган миллионлаб кишилар Европа давлатларини тарк этиб бошқа мамлакатларга кўчиб кетишаётган эди. АҚШда 1921-1924 йилларда иммигрантлар сонига квота эълон қилинди. У йилига АҚШ га мумкин бўлган кўчиб келувчилар сонини 162 киши деб белгиланди. Европаликлар шу давр ичида асосан Лотин Америкага, инглизлар эса ўз колонияларига кўча бошлашди. Англияда 1922 йилда кўчиб кетувчилар учун алоҳида қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан инглизлар ўз доминионларига кўчиб боришаётганларида уларга моддий ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Шундай қилиб, инглизлар доминионларида ўзларининг фуқаролари жойлаштирилишини, давлат миқёсига кўтардилар. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги пайтда Буюк Британия ҳамкорлигидаги давлатларнинг кўпчилиги аҳолисини инглизлар, улар Австралияда (96%) ни, Канадада (45%) ни, Янги Зеландияда (75-80%) ни ташкил қилади.

Учинчи давр (1945-1975 йиллар). Ушбу даврдаги миграция жараёнига иккинчи жаҳон урушининг ва нефть кризисининг асоратлари таъсир қилди.

Миллионлаб одамлар немис асрлигидан мамлакатларига, Германиядан қочиб кетган немислар эса, ўз ватанларига қайтдилар. Шундай жараён 1946 йилнинг охирида Осиё қитъасида ҳам рўй берди. Хитойда Манчжуриядан, Жанубий Кореядан 6 млн. японлар Японияга депортация қилинди. 1947 йили Ҳиндистон иккига бўлиниб, Покистон Республикаси ташкил қилиниши муносабати билан 8 млн. ҳиндлар Ҳиндистонга, 6 млн. мусулмонлар эса Ҳиндистондан Покистонга кўчиб ўтдилар.

Урушдан кейин мамлакатлар ўз иқтисодиётини тиклаш учун, қўшимча ишчи кучи керак бўлди. Кўпчилик мамлакатлар миграциясини чеклаган қонунларини камайтириб, ўрмонга иммигрантлар учун бир канча қулайликлар туғдирадиган янги қонунлар қабул қилишдилар. Масалан, АҚШ

да қабул қилинган янги қонунга кўра, миграция эркинлаштирилди ва миллий таркибга белгиланган квоталар ҳам бекор қилинди. Шу даврдан бошлаб, яъни 1946-1966 йилларда АҚШга 4,3 млн. одам кўчиб борди, шуларнинг 2,9 млн. ни европаликларни ташкил қилди, Канадага 1 млн. одам кўчиб борди. 1948-1963 йиллар Ғарбий Европанинг ўзи эса иммигрантларнинг асосий оқими йўналган жуда катта ҳудудга айланди. 1950-1980 йиллар ўртасида ушбу ҳудудга 10 млн. одам кўчиб борди.

Тўртинчи давр (1970 йилларнинг ўрталаридан то ҳозирги давргача). Бу даврда Европа мамлакатларида айниқса, собиқ Иттифокдан кўчиб борувчилар учун миграцияни қийинлаштирадиган қонунлар қабул қилинди. 1994 йилга Европа Иттифоқидаги давлатлар 1992 йилга қараганда иммигрантларга икки баробар кам рухсатномалар берган. Осиёнинг саноати ривожланган мамлакатларида ҳам ҳозирги кунда малакасиз ишчиларнинг келишини қийинлаштирадиган қонунлар қабул қилинмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифок парчаланиб, унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил суверен давлатларда 25 млн. рус миллатига мансуб аҳоли бор эди, ҳозиргача уларнинг кўпчилиги Россияга кўчиб ўтди. Россия ҳозирги кунда МДХ давлатлари орасида ишчи мигрантлар оқими қаратилган давлат бўлиб қолмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлади. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

Биринчидан, Россиядаги демографик вазият. 2003 йил Россияда туғилиш коэффиценти ҳар 1000 кишига 9,0%, ўлим эса 15% ни, табиий кўпайиш манфий –6,0% ни ташкил этган.

Иккинчидан, Россиянинг бепоён ҳудудидаги табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши.

Учинчидан, МДХ давлатларидаги аҳолининг кўпчилиги рус тилида гаплаша билишидир.

Россия учун ҳозир ҳам, келажакда ҳам Марказий Осиё республикалари асосий ишчи кучи билан таъминлайдиган мамлакатлар бўлиб қолади, чунки ушбу республикаларда ҳали ҳам туғилиш даражаси анча юқори.

Халқаро миграциянинг яна бир турига Хитой Халқ Республикасидаги мигрантлар ва уларга давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам ва чет мамлакатларда ишлаб келиб, Хитой иқтисодиётига, илм-фанига, катта ҳисса қўшаётган иммигрантлар мисол бўла олади. Масалан, ҳозир чет мамлакатларда 30 млн. хитойликлар бор, уларни «Хуацяо» дейилади. Ҳозирги ўз мутахассисликлари бўйича малакаларини ошириб ватанига қайтиб, профессор ва доцент бўлиб ишлаётганлар Хитой олийгоҳларида 30% дан ортиғини ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, халқаро миграцияга иқтисодий, сиёсий, экологик шароит, тилларни билиш бевосита таъсир кўрсатди. Демак, инсоният тарихи бу миграция тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

4 §. Халқаро ишчи кучи миграцияси

Ишчи кучининг халқаро миграцияси, яъни меҳнатга лаёқатли аҳолини иш қидириб бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатларга кўчиб юриши ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Инсоният тарихида одамларнинг катта-катта гуруҳларини у ёки бу мамлакатга кўчишлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга бой - Ғарбий Европа мамлакатлари томонидан Шимолий Американинг ўзлаштирилиши, Британия оролларида чикқанларнинг Австралия қитъасини эгаллашлари, Хитойдан Жанубий Осиё мамлакатларига оммавий кўчишлар, Шимолий ва Жанубий Америкага Африкадан қора танли қулларни ташиб келтирилиши бир қатор ҳозирги ривожланган давлатларнинг вужудга келиши ва юксалишига сабаб бўлган (АҚШ, Канада, Австралия, янги саноатлашган мамлакатлар) жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг барча босқичларида ишчи кучи миграцияси жараёни юз бериб келди. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг янада кучайди.

Ҳозирги пайтда статистик маълумотларга қараганда, дунёда ҳар бир ўн оиладан бири кўчиб юради, улардан ташқари 3/4 қисми ишчи кучи миграциясига тўғри келади. Дунё бўйича бундай ишчи кучларнинг умумий сони 25 млн. кишига яқин. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг ҳозирги даражаси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларида ишчи кучининг ўрни ва аҳамияти тубдан ўзгартириб юборди, давлатлараро алоқалар маданиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди.

Халқаро меҳнат бозори бу ишчи кучи истеъмолчилари ва уларни етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи механизм ҳисобланади. Маълумки, жаҳон меҳнат бозоридаги вазият бошқа барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида аниқланади ҳамда бир қатор кишилар билан белгиланади. Бу омиллар шартли равишда иқтисодий, демографик, сиёсий омилларга бўлиниб, улар ўзаро боғланган. Булар орасида иқтисодий омиллар саналади, чунки қолган барча омиллар пировардида иқтисодий оқибатларга олиб келади. Чунончи мамлакатдаги ишчи ўринларига нисбатан аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши.

Иқтисодий омиллар деганда, ҳар бир давлат иқтисодий тушунчаси мустақамлиги унинг ўсиш даражаси ва ривожланиш кўлами тушунилади. Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий имкониятлар меҳнат шароитлари ва иш ҳақи ўртасида юзага келган сезиларли фарқ ишчи кучларини мамлакатлараро кўчиб юришига сабаб бўлувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Масалан, АҚШ ва Мексикадаги даромадларнинг тахминан бир-биридан фарқ қилиши, мексикалик ишчиларнинг АҚШга иш қидириб кўчиб ўтишлари асосий сабаб бўлиб ҳисобланади. 80-йилларнинг бошида Европа ҳамжамияти мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган янги миллий маҳсулот ҳажми жамиятга аъзо бўлмаган мамлакатларникидан 4,7

марта ортиқ бўлган. Шундай қилиб, Ер юзида бой ва ривожланмаган малакатларнинг мавжудлиги халқаро меҳнат бозори амал қилиши белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Жаҳон меҳнат бозорининг аҳволи у ёки бу давлатларнинг иқтисодий ривожланиш суръатларининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Жумладан, бундай боғлиқликни даврий пасайишлар ва кўтарилишлар пайтида жаҳон бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифлар бевосита акс этади ҳамда мамлакат қанчалик йирик бўлса, унинг таъсири ҳам шундай кучли бўлади. Масалан, 1991-1992 йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида даврий пасайиш рўй берди. Бунинг натижасида 1992 йилнинг ўрталарига келиб расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 30 млн. ошиб кетди. Ишсизлик даражаси 1974 йилдан 5,2% дан 6,0% кўтарилди. Шу билан бирга бундай ҳолат ўз навбатида ривожланган мамлакатларда хорижий ишчи кучига бўлган талабнинг пасайишига олиб келди. Аҳолининг ўсиш суръати аҳоли сонининг кўпайиши ёки қисқариши билан боғлиқ бўлган омиллар демографик омиллар бўлиб саналади.

Жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳолининг юқори даражаларда ўсиши, бу мамлакатларнинг иқтисодий аҳволни янада мураккаблаштириб, ташқи миграцияга шарт-шароит яратади ҳамда уларни жаҳон бозорига ишчи кучи етказиб берувчи давлатларга айлантиради. Бошқача айтганда, бу давлатлар ишчи кучининг асосий истеъмолчиси бўлиб иқтисодий ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан юқори бўлган мамлакатлар ҳисобланади. Масалан, 90-йилларнинг бошларида иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатларида иқтисодий фаол аҳоли йилига ўртача 0,8% кўпайди. Ички миллий ҳажми эса 3% га ошди. Ишчи кучи сонининг минтақалар алоҳида мамлакатлар доирасида ўзгаришини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Аҳолишунос мутахассисларнинг тахминларига кўра, асримизнинг сўнгги йилларида вужудга келган Ер юзи аҳолисининг ўсиш тенденцияси XXI асрнинг бошларида ҳам сақланиб қолади. Жаҳон аҳолиси 2025 йилгача 3,26 млрд. кишига кўпайиши кутилмоқда. Бу асосан «учинчи дунё» мамлакатларининг Европа мамлакатларига ва АҚШ «демография тазйиқи» 2000 йилларнинг ўрталаригача сақланиб қолиши мумкин. Айрим мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги уларнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир этиб, мамлакат ишчи кучини чекка оқими кескин кучайтиради. Масалан, сиёсий омиллар социалистик мамлакатларда рўй берган кенг кўламли аҳоли миграцияси 90-йилларнинг бошларигача кўрилган қаттиқ чора-тадбирлар натижасида тўхтатиб турилган бўлса, ислохотларнинг бошланиши ва барча маъмурий тўсиқлар олиб ташланиши билан муҳожирлар оқими кескин ортди, оқибатда, жараён жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятга айниқса унинг Европа қисмига сезиларли таъсир кўрсатди. Дастлаб, Югославия, сўнгра Венгрия, Польша йирик миқдорда ишчи кучини экспорт қилувчи давлатларга айландилар.

**Ишчи кучининг минтақалар ва алоҳида мамлакатлар бўйича
тақсимланиши**

Минтақалар ва мамлакатлар	1980	1990	Ўсиш суръати фоизда
Бутун дунё	1.957374	2363547	120,7
Ривожланган мамлакатлар:			
Шимолий Америка	121 721	135367	111,2
Европа	130080	159579	106,3
Австралия-Янги Зеландия	8077	9533	118,0
Япония	57097	62202	108,9
Туркия	19090	23697	121,1
Исроил	1946	1906	124,2
Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)	9449	12434	131,6
Ривожланаётган мамлакатлар:			
Шарқий Европа	7566	71785	106,3

Кейинги пайтда бу мамлакатларга собиқ Иттифоқ республикалари ҳам кирдилар. Мутахассисларнинг тахминларига кўра, яқин йиллар ичида собиқ Иттифоқдан 250 мингга яқин киши Ғарб мутахассисларининг ҳисоблари бўйича эса 500. 000 га яқин киши мамлакатларига, яъни Европага ишлаш ва яшаш учун кўчиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий демографик ва сиёсий омилларнинг умум таъсири жаҳон меҳнат бозоридаги аҳволи унинг миқёсини таркибини ва ривожланиш суръатларин белгилаб беради.

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий муносабатларининг муҳим шакли ҳисобланган ишчи кучи миграцияси узоқ йиллар давомида иқтисодий тадқиқотлар объекти бўлиб келмоқда. Ишчи кучини четдан олиб келувчилар учун ҳам уни четга чиқарувчилар учун ҳам ташқи меҳнат миграциясининг ижобий ва салбий оқибатларини таҳлили остида ишчи кучи ҳаракатининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга мўлжалланган қатор иқтисодий назариялар ишлаб чиқилган. Уларнинг ичида кўпроқ маълум бўлган ишчи кучи халқаро миграциясининг «баланс» ва «ассиметрия» назариялари бўлиб, уларнинг ҳар бири ишчи кучини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юришини тушунтиради.

«Баланс» ёки неоклассик назария миграциясини тор маънода, яъни асосан меҳнатга ҳақ тўлаш ишчи кучи билан таъминланганлик ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши нуқтаи назардан кўриб чиқади ёки ишчи кучи миграциясини товарлар капитал оқими сингари, яъни бир ишлаб чиқариш омилининг ҳаракати сифатида тушунтиради. Ушбу назарияга биноан, миграция меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги тафовутлар кўпайиб боришини билан ўсиб боради. Иш ҳақи даражаси ишчи кучини

жўнатувчи мамлакатларда кўтарила борса ва аксинча уларни қабул қилувчи мамлакатларда пасайиб борса ёки ишчи кучи баҳоси турли мамлакатларда тенглашиб борса, мавжуд меҳнат ресурсларини кўчиб юришига зарурат қолмайди. Аммо, бу назария ҳозирги пайтда турли давлатларнинг амалдаги нотекис ривожланишини назарда тутиб, ташқи меҳнат миграциясини ишчи кучини экспорт қилувчи ҳам уни экспорт қилувчилар ҳам қолаверса, бутун жаҳон хўжалиги учун ҳам ижобий оқибатларга эга деб эътироф этилади.

Ташқи меҳнат миграциясидан ишчи кучи экспорт қилувчи ёки жўнатувчи мамлакатларнинг оладиган фойдаси шундан иборатки, унинг ёрдамида мамлакат аҳолисини етарли даражада иш билан банд бўлмаганлигини туфайли вужудга келадиган иқтисодий ва ижтимоий харажатлардан кутилади ҳамда хорижда ишлаётганларнинг юбораётган пул жўнатмаларига қайтиб келаётган ишчиларнинг касб ва тип кўникмаларига эга бўладилар.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари, хусусан Миср, Покистон, Туркия, Югославия, Сальвадор, Никарагуа ва бошқа мамлакатлар учун ишчи кучларини четга чиқаришдан олинadиган даромад экспорт тушумларининг муҳим манбаи ҳисобланади. Масалан, 1978-1988 йиллар мобайнида туркиялик хорижда ишловчиларнинг йиллик жўнатмаларининг ҳажми 893-2490 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ёки Туркия ташқи савдо баланси тақчиллигининг 45-100% ини қоплаган. Агарда 1989 йилда Туркия, Португалия, Марокашда хорижда ишловчиларнинг пул жўнатмалари миқдори шу мамлакатлар экспорти ҳажмининг 25-40%ини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Мисрда 90%, Покистонда 80% дан кўпроқни ташкил этди. Никарагуа ва Сальвадорда эса пул жўнатмалари миқдори уларнинг экспорт кўрсаткичларидан ҳам ошиб кетган.

Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг ташқи меҳнат миграциясидан оладиган фойдаси шундан иборатки, хорижда арзон ишчи кучи жалб қилиш мамлакат ичкарасида иш ҳақи ўсиб боришининг олдини олади ва натижада инфляция хавфи бартараф этилади. Умумжаҳон хўжалиги учун меҳнат ресурсларини эркин кўчиб юриши иқтисодий самарадорликни янада ошириш имкониятини беради.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон ялпи миллий маҳсулоти ҳажмининг шу жараён ҳисобига 15-16 трлн. АҚШ долларигача кўпайтириш мумкин.

Шу билан бирга, ишчи кучи ташқи миграциясининг «баланс» назарияси реал ҳаётнинг аксарият жиҳатларини чунончи иммиграцияни аҳолининг ёш таркибига, умумий фаровонлигининг ўсишига, уй-жой шароитига, жамоат тартибининг барқарорлигига, жамият маданий-диний бир хиллигини бузилишига ва бошқаларга бўлган таъсирини ҳисобга олмайди. Аксинча, асимметрия назарияси ишчи кучи миграцияси натижасида юзага келадиган турли хил оқибатларни баҳолашга кенгроқ ёндашади ва бунда унинг

устунликлари сезиларли даражада камайтиради. Баъзида устунлик ҳолати бутунлай юз бермайди.

Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар бу жараёнда аҳолисининг айни меҳнатга яроқли (24-40 ёш) қисмини йўқотади. Уларнинг пул жўнатмалари аксарият ҳолларда инвестициялар шаклида эмас, балки кундалик истеъмол учун ишлатилади. Натижада, чет элларда ишлаётганларнинг даромадларидан миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун фойдаланиш имкони бўлмайди. Ундан ташқари, ишчи кучининг экспорт қилувчи мамлакатлар учун бу жараён интеллектуал йўқотишлар билан ҳам боғлиқ. Жумладан, хорижий экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, юқори малакали мутахассисларнинг собиқ Иттифокдошнинг эмиграцияси натижасидаги йўқотишлар йилига 60-70 млн. АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда. Бу назария тарафдорларининг таъкидлашларича, ишчи кучи миграцияси туфайли ривожланган мамлакатлар билан «учинчи дунё» мамлакатлари ўртасида иқтисодий ривожланишдаги фарқ камаймайди. Шундай қилиб, жаҳон миграцияси жараёнига турли хил ёндашишлар ва баҳолаш мезонлари мавжуд бўлиб улар алоҳида мамлакатлар давлат сиёсатини ишлаб чиқишида ҳисобга олишади. Шу билан бирга, иқтисодий назариялар ишчи кучини мамлакатлараро кўчиб юришини объектив зарурлигини ва кўпайиш қонуниятларини инкор этмайди.

Ишчи кучини халқаро миграцияси сўнгги йилларда кучая бориб дунё бўйлаб кенг ёйилмоқда ҳамда жаҳон хўжалиги тараққиётига меҳнат ресурслари билан айрибошлашга фаол тортилган мамлакатларнинг ижтимоий иқтисодий демографик, сиёсий ва маданий-диний вазиятига сезиларли таъсир кўрсатиб келишмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, 1990 йилда Ғарбий Европа мамлакатларида 15,2 млн. га яқин чет эллик истиқомат қилган. Шу жумладан, Европа ҳамжамияти мамлакатларида 13,4 млн. киши ёки туб аҳолининг 5%и Европанинг айрим мамлакатларида уларнинг салмоғи янада юқори хусусан, Швецияда 16,5%, Бельгияда 91%, Германияда 8,4% мутахассислар улуши 10% га етади.

Ўз навбатида, Европа мамлакатларидан ҳам ҳар йили миллионлаб одамлар яхши ҳаёт кидириб турли давлатларга кўчиб боришади. Масалан, хорижий ишчилар сони АҚШда 5,65 млн., Латин Америкада 3,5-4 млн., Яқин шарқ ва Шимолий Америка мамлакатларида 2,8 млн, Ғарбий Африкада 1,3 млн. кишини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда миграция оқимининг географик йўналишлари бўйича ишчи кучи жаҳон бозорининг тўртта йирик маркази шаклланган.

Биринчи марказ 60-70 йилларда Яқин Шарқ мамлакатларида нефть қазиб чиқарувчи саноатининг тараққий этиши унга боғлиқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожланиши билан таркиб топган. Бу мамлакатларда ишчи кучига бўлган талабнинг кескин ошиши асосан чет эл фуқароларини жалб қилиш ҳисобига қондириши мумкин эди холос. Шу даврдан бошлаб бу минтақада жадал миграция жараёнлари бошланди. Ишчи

кучларининг сонида хорижий ишчи кучининг улуши (Покистон, Ҳиндистон, Корея, Филиппин ва бошқа мамлакатлардан) БААда 90%га яқин, Қатарда 80% дан юқори, Қувайтда 70% га яқин, Саудия Арабистони ва Бахрайнда 40% га яқинни ташкил этади.

Иккинчи марказ ривожланган Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб миграция ошиши, бу мамлакатларнинг урушдан кейинги даврда ўз иқтисодийларини тиклашда асосий роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда ҳам хорижий ишчи кучи паст малакали ва нуфузли бўлмаган тармоқларда кенг қўлланилади. Бу тармоқларда (автомобилларни йиғиш, кон-руда ва металлургия саноати ва бошқалар) хорижликлар 70% ни ташкил этади.

Европанинг 15 мамлакати доирасида ягона меҳнат бозорининг барпо этилиши бу минтақанинг аҳамиятини кучайтирди ва уни хорижий ишчи кучи учун жозибали қилиб қўйди.

Жаҳон меҳнат бозорининг *учинчи йирик маркази* АҚШ ва Канада бу ерда нафақат Лотин Америкасидан паст малакага эга бўлган ишчилар балки юқори малакали мутахассислар ҳам интилдилар. Шу сабабли АҚШ ўзининг замонавий фан-техникага асосланган тармоқларини юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини кадрлар тайёрлашга катта харажатлар қилмасдан таъминланади.

Халқаро меҳнат бозорининг *тўртинчи маркази* Аргентина бўлиб, ҳозирда бу ерда юзага келган қулай иқтисодий вазият қўшни мамлакатлардан арзон ишчи кучини ўзига жалб қилмоқда.

Кейинги йилларда жаҳон меҳнат бозори географик шаклланиши билан бир қаторда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги структуравий силжишлар Собик социалистик мамлакатлардаги туб ислохотлар бошқача айтганда, жаҳон бўйлаб ўрнатилаётган янги иқтисодий сиёсий тартиблар билан боғлиқ бўлган чуқур сифат ўзгаришларга ҳам эга бўлмоқда.

Бундай ўзгаришлар асосан қуйидагилардан иборат бўлиб, биринчидан, Шарқий Европа мамлакатларини жаҳон ҳўжалиги алоқаларига фаол жалб қилиш жараёни бошланди, шу жумладан, ишчи кучини айрибошлаш соҳасидаги ҳам, иккинчидан бир қатор Жанубий Осиё ва Ғарб мамлакатлари ижтимоий иқтисодий аҳволларининг яхшиланиши миллий иқтисодиётни юқори суръатлар билан ўсиши натижасида шу мамлакатлар аҳолиси ҳисобига бўладиган миграция оқими қисқармоқда.

Учинчидан, янги миграция оқимида юқори малакали ишчи кучининг ва тадбиркорларнинг улуши ошиб бормоқда. Жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятини истикболга таҳлили шундан далолат бермоқдаки, демографик иқтисодий сабабларга кўра ишчи кучини импорт қилувчи асосий мамлакатларнинг юқори даражада сақланиб қолади. Масалан, Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатларда 25 ёшгача бўлган аҳоли сони 2000 йилда 1990 йилдаги 27,8 млн. кишидан 22,1 млн. кишига қисқаради.

АҚШ ва Канада ҳам юқоридагидек, аҳолининг қаршилиқ жараёни кечмоқда. Шундай мураккаб демографик вазиятига қарамасдан ривожланган

мамлакатларда иқтисодий юқори суръатларда ўсиши ва ишсизлик даражасининг пасайиши кутилмоқда. Бундай ҳолат хориждан ёш мутахассисларни жалб қилиш ушбу давлатлар илмий-иқтисодий ва демографик сиёсатнинг муҳим қисми бўлиб қолишдан дарак беради.

Меҳнат бозори ҳам ҳар қандай бошқа бозорлар каби айрибошлашни маълум тартиб қоидаларни ўрнатишга, унга амал қилишга ва назоратга эҳтиёж сезади. Бу одатда, давлат зиммасига юклатилади. Давлатнинг миграция жараёнларида иштироки тарихдан маълум: чунончи, XIII-XIX асрларда ишчи кучини эркин кўчиб юришини чегаралайдиган тўсиқлар мавжуд бўлган. Ҳозирда ишчи кучининг эркин ҳаракати қатор ҳуқуқий, маъмурий, маданий, тил, ижтимоий ва бошқа кўп воситалар билан бошқарилиб туради. Шулардан фақат ҳуқуқий ва маъмурий тўсиқларни давлатнинг ўзи ўрнатишни ёки уларни бартараф этиш мумкин. Агарда XX асрнинг ўрталаригача ишчи кучи ҳаракатини мамлакатлараро тартибга солиш асосан манфаатдор давлатларнинг икки томонлама шартномалари асосида амалга оширилган бўлса, кейинчалик меҳнат соҳасида мамлакатлараро алоқаларнинг мураккаблашуви жаҳон меҳнат бозорида фаолият кўрсатишнинг ташкилий, ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Жумладан, 1953 йилда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари, 1957 йилда эса Европа ҳамжамиятига кирувчи давлатлар ҳам ишчи кучининг эркин кўчиб қувватлаб чиқдилар.

Ташқи меҳнат миграциясининг ташкил этишда тажрибалар ва ахборотлар билан айрибошлашда, бу жараёни тартибли ва режали амалга оширишни таъминлашда миграция бўйича халқаро ташкилотнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу ташкилот аъзо мамлакатлардаги (35 та) аъзо ўз бўлимлар орқали бўлажак муҳожирлар учун тил ўрганиш курсларини ташкил этади. Ушбу йўналишда халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) меъёрлари ҳам ўз ишини фаоллаштириб халқаро меҳнат меъёрлари бўйича 1919-1993 йиллар давомида 174 та конвенция ва 181 та тавсиялар қабул қилди. Уларда ишчи кучини мамлакатлараро кўчиб юришини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, 1949 йилда қабул қилинган муҳожирлар меҳнаткашлар тўғрисидаги конвенцияда ХМТ га аъзо бўлган давлатларга муҳожирларни ишга қабул қилишда, иш ҳақи тўлашда ва уларни камситишларига йўл қўймаслик мажбуриятларини юкловчи қатор қоидалар ўрин олган:

- ХМТ нинг 1958 йилда қабул қилинган ижтимоий меҳнат ва бандлик соҳасида ҳуқуқларини чеклашга қарши конвенцияси;

- ХМТ нинг 1962 йилда қабул қилинган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисидаги битим. Бу битимда ХМТга аъзо бўлган давлатларда муҳожир-меҳнаткашлар манфаатлари талаб қилинадиган қоидалар қайд этилган, яъни муҳожирлар ҳам аҳоли қатори мавжуд ижтимоий муҳофаза имтиёзларидан фойдаланишлари, уларнинг оилалари

эса, иш ҳақидан пул жўнатмаларини олиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгилаб кўйилган;

- ХМТ нинг 1975 йилда қабул қилинган муҳожирлар меҳнаткашлари тўғрисидаги конвенцияси.

Бу ҳужжат миграция соҳасида суистеъмолликларни, муҳожирларни яширин йўллар билан олиб келиш ва қонунсиз меҳнаткашларни ёллашни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб беради ҳамда муҳожирларни меҳнат бандлик, ижтимоий таъминот, касаба уюшмасига бирлашиш ва маданий ҳуқуқлари соҳасида ҳимоя қилишнинг баъзи чораларини кўзда тутди.

Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлган ва унинг асосий ҳужжатларига имзо чеккан, лекин мамлакатлар қайд этилган ҳужжатларда қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилишлари ва ўзларининг меҳнат қонунчиликларини уларга мувофиқ ўзгартиришлари лозим.

Аҳолининг ўсиш суръати, аҳоли сонининг кўпайиши ёки қисқариши билан боғлиқ бўлган омиллар демографик омиллар дейилади. Жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳолининг юқори даражада ўсиши, бу мамлакатларнинг шундай ҳам оғир иқтисодий аҳволини янада мураккаблаштириб, ташқи миграцияга шарт-шароит яратади ҳамда уларни жаҳон бозорига асосан ишчи кучи етказиб берувчи давлатларга айлантиради.

Айрим мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, уларнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир этиб, мамлакат ишчи кучининг четга оқимини кескин кучайтирди, масалан, сиёсий омил собиқ ЎИЁК ташкилотларига аъзо мамлакатларда рўй берган кенг кўламда аҳоли миграциясини аниқловчи сабаблардан бири бўлди.

Агарда бу мамлакатларда аҳоли миграцияси 30-йилларнинг бошларигача кўрилган каттик чора-тадбирлар натижасида тўхтатиб турилган бўлса, бугунги кунда ислохотларнинг бошланиши ва барча маъмурий тўсиқлар олиб ташланиши билан муҳожирлар оқими кескин ортди, оқибатда, бу жараён жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятга, айниқса, унинг Европа қисмига сезиларли таъсир кўрсатди. Дастлаб Югославия, сўнгра Венгрия, Польша йирик мамлакатларга собиқ Иттифок республикалари ҳам қўшиладилар.

Чет эллик ишчилар норезидентларнинг меҳнат даромадларига барча тўловларнинг 9/10 қисми барча тўланилган хусусий жўнатмаларнинг 2/3 қисми ривожланган мамлакатларга тўғри келса, барча ривожланаётган мамлакатлар улуши атиги 1/10 ва 1/3 дан иборат. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, ривожланган мамлакатларда вақтинча мигрант ишчиларнинг асосий қисми тўпланган, айни бир пайтда ривожланган мамлакатлардан, шу жумладан, ўтиш даври иқтисодиётига асосланган мамлакатлардан худди шу томонларга меҳнат лаёқатли хизматчилар экспорт қилинмоқда ва улар резидент бўлиб қолмоқда. Меҳнат миграцияси билан алоқадор бўлган пул оқимлари сарҳисобида хизматчиларнинг жўнатмалари 62% ни, меҳнат

даромадлари қарийб 31% ни, мигрантларнинг кўчиб ўтиши қарийб 7% ни ташкил этади. Швейцария, ГФР, Италия, Япония, Бельгия, АҚШ да хусусий шахслар норезидентларнинг меҳнат даромади юзасидан энг йирик тўловлар амалга оширилади.

Ривожланаётган мамлакатлардан ЖАР, Исроил, Малайзия хорижий ишчи кучидан кўп даражада фойдаланмоқда. Хусусий шахсларга хос энг йирик пул жўнатмалари саноати ривожланган асосий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия) ҳамда янги саноат мамлакатларига ва нефть ҳисобига ривожланаётган мамлакатлар (Қувайт, Саудия Арабистони ва Венесуэла) улушига тўғри келмоқда.

Чет элдан оладиган жўнатмаларни қабул қилиб олувчилар, асосан ривожланган мамлакатлар бўлиб, бу жўнатмалар трансмиллий корпорацияларнинг чет эл бўлинмалари ходимлари хорижий мамлакатларда хизмат қилаётган ҳарбийлар чет эл аппарати ходимларининг иш ҳақининг муайян қисмидан иборат. Кўпгина ривожланаётган хусусий шахслар жўнатмалари маҳсулот экспортидан олинадиган даромадларнинг 25-50% ни ташкил этади. Бангладеш, Буркина Фасо, Миср, Греция, Ямайка, Малави, Марокаш, Покистон, Португалия, Шри-Ланка, Судан, Туркия, Иордания, Лесото, Яманда бу кўрсаткич 10-15% ни ташкил этади.

Назарий жиҳатдан қараганда, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг даромади фақат чет элдаги эмигрантларнинг жўнатмаларидан иборат эмас (гарчи уларнинг ўрни катта бўлса ҳам). ЯИМ ҳажмини кўпайтириб тўлов балансига ижобий таъсир қилувчи яна бир даромад манбаи борки, у яна ҳам бўлса чет элдаги ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи фирмалардан олинадиган солиқлардан, эмигрантларнинг она юрти иқтисодиётига жойлаштирадиган бевосита ва портфел инвестицияларидан эмигрантлар учун таълим соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа харажатларнинг камайишидан (бу харажатлар ўзга мамлакатлар ҳисобидан бўлади) иборатдир, ҳисоб-китобларга кўра, мигрантлар ўз ватанига қайтар экан, банклар орқали жўнатиладиган маблағга тенг миқдорда жамғарма олиб ўтади. Яна шуниси ҳам борки, мигрантлар чет элда тажриба орттириб малака оширган ҳолда ватанига қайтиб келади.

Кейинги йилларда аҳоли миграцияси билан бевосита ёки билвосита боғланган қочоқлар сонининг кескин кўпайиши ҳаммани ташвишга солмоқда. Қочоқларнинг катта миқдордаги ва ички оқимлари Афғонистон, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Ироқ, Кипр, собиқ Иттифок республикалари айниқса, Россия, Эфиопия, Сомали, Руанда, Бурунди, КХДР, Конго Республикаси, Серре, Леоне, Колумбия, Эквадор, Перу мамлакатларидаги беқарор иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий вазият билан тўғридан-тўғри боғлиқдир Собиқ Югославиянинг беш давлатга парчаланиб кетиши ва у билан боғлиқ бўлган ҳарбий ҳаракатлар 2,5 млн. дан ортиқ кишининг қочоқлар қаторига қўшилишига сабаб бўлди. Қочқинлар оқими йилдан-йилга кўпаймоқда, унинг келиб чиқишида авваламбор, сиёсий барқарорлик ундан кейин миллатлароро низолар, очарчилик, ҳудудий

тортишувлар асосий роль ўйнамоқда. Шуларнинг аксарият қисми ривожланмаётган давлатлар қаторига қўшилиш муаммоси билан боғлиқ.

Глоссарий

Халқаро миграция – дунё миқёсида аҳолининг кўчиши ҳолати ва хусусиятлари.

Ишчи кучи миграцияси - меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир давлатдан иккинчи бир давлатга, бир йилдан кўпроқ муддат билан кўчиб ўтиши, бунинг иқтисодий ва бошқа сабаблари бўлиши мумкин.

Ақлий талофат – юқори малакали кадрларнинг халқаро миграцияси.

Реэмиграция – эмигрантларнинг турғун туриш учун ўз ватанига қайтиб келиши.

Ташқи миграция – аҳолининг икки давлат ўртасида кўчиб юриши.

Ички миграция – бир давлат доирасида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш.

Мавсумий миграция - мавсумий ишлар билан боғлиқ миграция.

Урбанизация – шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиши.

Қўшимча маълумотлар

1900 йилда шаҳарларда дунёнинг 14 фоиз аҳолиси, 1950 йилда 29 фоизи, 1990 йилларда 45 фоизи яшаган бўлса, ҳозирги кунда 50фоизга етмоқда. Масалан, АҚШда 75%, Японияда 77%, БуюкБританияда 92%, Швецияда 88%, Австралияда 86%, Мексикада 70%, Ҳиндистонда 26%, Нигерияда 35%, Индонезияда 29 %, Жазоирда 44%, Афғонистонда 20 %, Эфиопияда 16%, Чадда 6%, Нигерда 20 %, Сомалида 20 %.

XX аср бошларида йирик шаҳарлар сони 360 та бўлган бўлса, ўтган асрнинг 80 йилларида 2,5 мингтадан ошди. Йирик агломерациялар Мексика, Токио, Сан-Паулу, Нью-Йорк атрофида тўпланган.

Иммиграция районлари ва мамлакатлари: АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Исроил, Фарбий Европа мамлакатлари, Саудия Арабистони, Кувайт, Бахрайн, Қатар, БАА, Ливия кабилар.

Эмиграция районлари ва мамлакатлари: Испания, Португалия, Босния, Хорватия, Черногория, Македония, Словения, Греция ва Ўрта ер денгизининг бошқа мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Яман, Иордания, Сурия, Миср, Судан, Лотин Америкаси мамлакатлари, Россия, Қозоғистон.

Савол ва топшириқлар

1. Миграция нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Миграциянинг қандай хусусиятларини биласиз?
3. Иммиграция ва эмиграция жараёнларига изоҳ беринг.
4. Ақлий талофат нима?
5. Урбанизация миграция жараёнига қандай таъсир кўрсатади?
6. Замонавий урбанизацияга хос умумий уч жиҳатни изоҳланг.
7. Урбанизация даражаси бўйича жаҳон мамлакатлари қандай гуруҳларга ажратилади?
8. Ривожланган мамлакатлар урбанизациясига изоҳ беринг.
9. Урбанизация ички ва ташқи миграцияга қандай таъсир кўрсатади?
10. Сиёсий миграция нима ва XX асрда юзага келган сиёсий миграция жараёнларига мисол келтиринг.
11. Халқаро мигрантларнинг беш тоифасига мисоллар келтиринг.
12. 1970-90 йилларда халқаро миграцияда юз берган ўзгаришларга тавсиф беринг.
13. XIX-XX асрда рўй берган халқаро миграциянинг тўртта даврига таъриф беринг.
14. Халқаро ишчи кучи миграцияси миграциянинг бошқа турларидан қайси хусусиятларига кўра фарқ қилади?
15. Ишчи кучи миграциясининг халқаро аҳамият касб этиши қайси даврга тўғри келди?
16. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги аҳолининг юқори даражада ўсиши миграция жараёнларига қандай таъсир кўрсатди?
17. Ишчи кучлари экспортидан катта даромад олувчи давлатлар қайсилар?
18. Ишчи кучи экспортининг салбий жиҳати нимада?
19. Ташқи меҳнат миграцияси мамлакатларнинг ички меҳнат тақсимотида қандай ўзгаришларни содир этади?
20. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) фаолиятига тавсиф беринг.

Назорат тестлари

1. Юқори даражада урбанизациялашган мамлакатлар шаҳар аҳолисининг улуши неча фоиз?
А) 20 фоиздан кам
Б) 20-30 фоиз
В) 20-50 фоиз

Г) 50 фоиздан юқори

2. Шаҳар аҳолиси улуши 20-50% бўлган мамлакатларнинг урбанизациялашиш даражасини белгиланг.

А) жуда юқори

Б) юқори

В) ўртача

Г) паст

3. Шаҳар аҳолисининг улуши 75-90 фоизга етиши қандай мамлакатлар учун хос?

А) ривожланган

Б) ривожланаётган

В) шаҳарлари денгиз қирғоқларида жойлашган

Г) мегаполисларга эга

4. Депопуляция нима?

А) «Демографик баҳор»

Б) «Демографик қиш»

В) «Демографик портлаш»

Г) «Демографик инқироз»

5. Миграция оқимининг биринчи даври қайси?

А) XIX аср ва XX асрнинг бошлари

Б) 1914-1945

В) 1945-1975

Г) 1970 йилнинг ўрталаридан ҳозирги давргача

6. Миграция оқимининг географик йўналишлари бўйича биринчи марказни белгиланг.

А) Яқин Шарқ мамлакатлари

Б) Ривожланган Ғарбий Европа мамлакатлари

В) АҚШ ва Канада

Г) Аргентина

7. Халқаро меҳнат ташкилоти 1958 йилда қандай конвенция қабул қилди?

А) муҳожирлар, меҳнаткашлар тўғрисидаги

Б) муҳожирлик меъёрлари тўғрисидаги

В) ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисидаги

Г) ижтимоий меҳнат ва бандлик соҳасида ҳуқуқларни чеклашга қарши

8. 1950 йилларда дунё аҳолисининг неча фоизи шаҳарларда яшаган?

А) 14

Б) 29

- В) 45
- Г) 50

9. Швецияда шаҳар аҳолисининг салмоғи қанча?

- А) 77
- Б) 86
- В) 88
- Г) 92

10. XX аср бошларида йирик шаҳарлар сони қанча бўлган?

- А) 250
- Б) 280
- В) 320
- Г) 360

Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Т.;1997;
2. Демографический энциклопедический словарь. М.;1985;
3. Ахмедов Э, З. Саидаминова, Ўзбекистон Республикаси. Т.,1998.
4. Ата-Мирзаев О.Б, Гентшке В.М., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент., 1998.
5. Буриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. Ташкент, 1991.
6. Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. Ташкент, 1983.
7. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. Ташкент, 2000.
8. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. Ташкент. 1983.

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИНГ ТАБИЙ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

1 §. Ўзбекистонда аҳоли сони динамикаси

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда жойлашган бўлиб, унинг майдони 447,9 км² ни ташкил этади. Аҳолиси 25,7 млн кишига. Аҳоли зичлиги 1 км² га 57,5 киши (2004й). Ўзбекистон аҳолиси сони бўйича МДХ га кирган мамлакатлар орасида Россия ва Украинадан кейин 3-ўринда туради. Бу ерда Марказий Осиёдаги жами аҳолининг 1/3 дан кўпроғи яшайди. Пойтахти Тошкент шаҳри (1930-йилдан). Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси (1936-йил) ва 12 та вилоят киради. Жамиятда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, қолаверса, жамиятнинг ўзини мавжудлиги ҳам аҳолига боғлиқдир. Аҳолининг кўпайиб бориши ёки аксинча, камайиб кетиши жамият тараққиётида маълум муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу муаммоларни олдини олиш, аҳолининг нормал ўсиб боришига эришиш учун демографик вазиятни мунтазам илмий тадқиқ этиб бориш зарурдир. Лекин бунинг ўзига хос томонлари бор. Чунки жаҳондаги давлатларда аҳолининг ўсиши ҳам, улардаги иқтисодий имконият, ижтимоий ҳолат ҳам бир хил эмас.

Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар унинг аҳолисини шаклланишида, демографик вазиятида асосий омил ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатишича, Ўзбекистонда аҳоли сони, таркиби ва демографик хусусиятларига оид маълумотлар 19-асрнинг 2-ярмидан бошлаб мавжуд.

XIXаср охири - XXаср бошлари. Ушбу даврга оид маълумотларга қараганда, республика аҳолиси мунтазам кўпайиб келган, лекин аҳолининг кўпайиши суръати турли тарихий даврларда турлича бўлган.

Республика аҳоли сони, таркиби ва демографик вазиятига оид маълумотлар асосан Ўзбекистонда ўтказилган аҳоли рўйхатлари (1897 й., 1926 й., 1939 й., 1959 й., 1970 й., 1979 й. ва 1989 й.) да мавжуддир. Шунингдек, аҳолишунос олимлар олиб борган тадқиқот натижалари, демографик йилномалар, социологик-демографик тадқиқот натижалари ҳам Ўзбекистон демографик хусусиятларини ўрганишда илмий манба ҳисобланади [1,2,3].

1897-йил ўтказилган аҳоли рўйхатига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида 3,9 млн. киши яшаган; шундан 19 % шаҳар аҳолиси бўлган. Ўша кезларда Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо этилиши туғилиш ва ўлимнинг юқори даражаси ўртача умр кўришнинг қисқалиги билан характерланади. Ёш болалар ўлими коэффиценти Европа ва Россиядагига қараганда 65-70% юқори бўлган. Туб аҳолининг миграцияси жуда паст эди. Ушбу ҳолатлар республикада аҳоли сони динамикаси шаклланишига таъсир этди.

Аҳолининг ўсиши асосан туғилиш ва ўлим жараёнларига боғлиқ бўлган. Ўзбекистонда аҳоли табиий ўсишига оид статистик маълумотлар асосан XIX

асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мавжуддир. Ушбу маълумотлар гувоҳлик беришича, Ўзбекистон ҳудудида XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида туғилиш юқори даражада бўлган. Оилада фарзандлар туғилиши назорат этилмаган, яъни чекланмаган. Масалан, Е.С.Тимм, Б.Ц.Урланис маълумотларига қараганда, 1885-1929 йилларда ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 45-55 ни ташкил этган. Соддароқ қилиб айтганда, ҳар 1000 та аҳоли бир йилда туғилиш ҳисобига 45-55 тага кўпайган, бу туғилишнинг юқори кўрсаткичидир.

20-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли сони динамикаси (минг киши)*

Йиллар	Жами аҳоли	Жумладан	
		Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ
1865	3320	466	2854
1897	3948	743	3205
1920	4470	807	3663
1926	4621	1012	3609
1939	6347	1470	4877
1959	8119	2729	5390
1970	11800	4322	7478
1979	15391	6350	9041
1989	19880	8119	11761
1991	20708	8366	12342
1995	22562	8732	13830
2000	24582	9235	15347
2004	25707	9381	16326

* Жадвал М.К.Қараханов. Некапиталистический путь развития и проблемы иародонаселения. Ташкент, 1983; "Численность населения Республики Узбекистан", Демографический ежегодник Узбекистана - 2003". - Ташкент, 2004. Статистик йилномалари маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, XIX асрнинг бошига қадар республикада аҳоли жуда секин ўсган. 1897-1917 йилларда республика аҳолиси ҳар йили ўртача 27 минг кишига кўпайган. Ўртача йиллик ўсиш 0.7% ни ташкил этган. Аҳолишунос олимлар М.Қ.Қорахонов, И.Р.Муллажоновларнинг илмий изланишларида ҳам Ўзбекистонда XIX аср охири XX аср бошларида туғилиш юқори бўлганлиги таъкидланади [4,5,6,7]. Туғилишнинг бундай юқори даражада бўлиши жуда кўп омиллар билан боғлиқ, албатта. Улардан дастлабкиси ўлкадаги мавжуд феодал ишлаб чиқариш муносабатлари эди.

Умуман олганда, капиталистик босқичгача мавжуд ижтимоий-иқтисодий даврларда туғилиш биологик характер касб этган, яъни сунъий равишда чекланмаган. Қулдорлик даврида ҳам, феодализм даврида ҳам, кўп болаликдан ҳар бир оила, жамият манфаатдор бўлган. Сабаби оилада боланинг (айниқса ўғил боланинг) иқтисодий мавқеи жуда юқори турарди. Кўпгина мамлакатларда оила юмушларида, хунармандчилик, чорвачилик, деҳқончиликда болалар меҳнатидан

фойдаланилган, оиладаги иқтисодий даромаднинг бир қисми бевосита болалар меҳнати орқали ҳосил қилинган. Демак, бола меҳнати миллий даромаднинг бир улушини ташкил этганлиги учун, у жамият томонидан ҳам қўллаб қувватланган.

Туғилишга таъсир этувчи навбатдаги омил - аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнидир. Маълумки, қадимда ўзбек аёллари, асосан, уй ишлари ва бола тарбияси билан банд бўлган. Улар халқ хўжалиги соҳаларида жуда кам қатнашганлар.

Шунингдек, жамиятда серфарзанд оилаларнинг кадрланиши, ҳурмат эътиборга сазовор бўлиши ҳам туғилишнинг юқори бўлишига олиб келувчи омиллардан ҳисобланган. Қадимда кўп болали онанинг ўтирган ўрни, кийган кийимлари «муқаддас» деб билинган ва бола кўрмаган аёллар «Менга ҳам бола берсин», деган яхши ниятлар билан «муқаддас аёл» ўрнига ўтиришган. Янги келин-куёвларга солинган биринчи тун тўшагига ҳам серфарзанд аёллар думалаб, табаррук қилиб беришган. Бундай одатлар халқимизда маълум даражада бугунги кунга қадар ҳам сақланиб келмоқда.

Қадимда қишлоқ турмуш тарзининг кенг тарқалганлиги (XX аср бошларида Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоизи қишлоқларда истиқомат этишган)» қизларнинг ниҳоятда эрта турмуш қуриши, болалар (айниқса бир ёшгача бўлган) ўлимнинг юқорилиги каби олимлар ҳам оилаларда фарзандлар туғилишини чекланмаслигига олиб келган. Лекин туғилишнинг кўплиги, бу ҳали аҳоли кўпаяди дегани эмас. Туғилган болалар тирик қолиб, ўсиб улғайсагина аҳоли кўпайиб боради. Маълумотлар кўрсатишича, Ўзбекистонда, ўтмишда аҳоли ўлими, айниса аёллар ва болалар ўлими жуда юқори бўлган.

Ўтмишда ўлкамиз аҳолиси ўртасида ўлим ҳолларининг юқорилигига, асосан ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлиги сабаб бўлгандир. Бу даврда ўзбек меҳнаткашлари ҳам рус подшолиги, ҳам маҳаллий ер-мулк эгалари томонидан аёвсиз ишлатилганлар. Маҳаллий ишчиларга жуда кам иш ҳақи тўланиб, меҳнати ижтимоий муҳофаза этилмаган, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ниҳоятда паст даражада бўлган. Тиббий хизматнинг етишмаслиги, иссик иқлим, оғир меҳнат туфайли ўлкада юқумли касаликлар тарқалиб, жуда кўп аҳоли қирилиб кетган.

Ўзбекистондаги оғир турмуш шароити, тиббий хизматларнинг етишмаслиги, аҳоли ўртасида ўлимнинг кўплиги аҳолининг ўртача умр кўриш даврнинг камайишига олиб келган. Ўтмишда Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриш даври 32 ёш бўлган, ҳолос (ҳозир 70 ёш). Шундай қилиб, қадимдан ўлкада туғилиш юқори бўлишига қарамай, аҳоли ўртасида ўлимнинг кўплиги, аҳолининг ўртача умр кўриш даври жуда қисқа бўлганлиги туфайли аҳолининг табиий ўсиш жараёни секинлашган.

1886-1917 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг табиий кўпайиши паст бўлган. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 0,6 фоизни ташкил этган. Ушбу даврда Ўзбекистон аҳолиси 3 млн. 320 мингдан 4 млн. 52 мингга етди, яъни 31 йил мобайнида ўлка аҳолиси атиги 638 минг кишига кўпайган, ҳолос. Бу кўрсаткич ҳозирги даврга қараганда 2-3 марта камдир.

21-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши (1866-1920 йиллар)*

Ҳар 1000 аҳолига нисбатан			
Аёллар	Туғилганлар	Ўлганлар	Аҳолининг табиий ўсиши
1866-1870	49,9	44,0	5,0
1881-1885	49,1	44,2	4,9
1901-1905	49,6	44,1	5,5
1916-1917	48,5	41,9	6,6
1920	44,8	33,8	11,0

*Жадвал "Народонаселения и экономика". - М., 1967. - С. 85; М.Бўриева. Оилада нечта фарзанд бўлгани маъкул. - Тошкент, 1995. - Б.16. маълумотларига асосланиб тузилган.

1920-1930 йиллардан бошлаб, Ўзбекистонда халқ хўжалик соҳалари ривожлана бошлади. Ўлкада экин майдонлари кенгайтирилиб, қишлоқ хўжалиги тараққий этди ва бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги билан банд аҳоли салмоғини кўпайишига олиб келди. Аста-секин саноат, қурилиш, транспорт тармоқлари ҳам ривожланиб, уларда ишлайдиган ишчилар сони ҳам ошиб борди, янги шаҳарлар барпо этила бошланди. 1897-1939 йилларда аҳолиси 50 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлар сони 10 дан 23 га кўпайди. Аҳолининг ана шу тарзда ишлаб чиқариш воситалари ва ер-сув билан таъминланиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиши Ўзбекистонда миллий даромаднинг кўпайишига олиб келди. Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариши ҳам ривожланди. Айниқса, сабзавот, полиз экинлари, узум, гўшт, тухум, сут каби озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Натижада аҳолининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш бир мунча ошди.

Ўзбекистонда ишчи ва деҳқонлар учун ҳам билим олишга кенг имконият яратилди. Республикада соғлиқни сақлаш тизими ривожланди. Агар 1913 йили Ўзбекистонда фақат 63 та касалхона аҳолига хизмат қилган бўлса, 1940 йилда уларнинг сони 139 тага етди. Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза этиш муассасалари очилди ва фаолият кўрсата бошлади. Натижада, юқумли касалликлар сони кескин камайди. Ўлка аҳолисининг ҳам моддий ҳам маънавий ҳаётидаги қатор ижобий ўзгаришлар, унинг демографик вазиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Биринчи навбатда аҳоли ўлими, жумладан, аёллар ва болалар ўлими кескин камайди. Аҳолишунос олим Қорахонов М.К. маълумотига қараганда, 1920-1930 йилларда Ўзбекистонда ҳар 1000 кишидан 19-23 таси ўлган бўлса, 1940 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 2-2,5 марта камайган ва 13-14 ни ташкил этган. Айни пайтда ўзбек оилаларида туғилиш юқори даражада сақланиб қолаверган. Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, 1917-1940 йилларда ўлкада ўлимнинг кескин камайиши туфайли аҳолининг табиий ўсиши ва шу асосда унинг умумий сони кескин ортди. Бу даврда Республика аҳолиси йилига ўртача 1,5 фоиздан ўсиб борди ва унинг умумий сони 4 млн. 48 мингдан 6 млн. 55 мингга етди.

Иккинчи жаҳон уруши 1941 йилдан бошлаб барча собиқ Иттифоқ таркибига кирган давлатлар катори Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятига таъсир этди. Ўзбекистондан кўплаб эркаклар фронтга чақирилди. Қизларнинг турмушга чиқиши, янги оилалар пайдо бўлишига имкониятлар камайди. Уруш туфайли ўлкада очарчилик юзага келди, аҳолининг иқтисодий аҳволи оғирлашди. Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг демографик ҳолатига салбий таъсир кўрсатди.

22-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг туғилиши, ўлиши ва табиий кўпайиши (1920-1990 йиллар) *

Ҳар 1 000 аҳолига нисбатан			
Йиллар	Туғилганлар	Ўлганлар	Аҳолининг табиий ўсиши
1920	44,8	33,8	11,0
1930	38,7	17,1	21,6
1940	33,6	13,2	20,4
1950	30,9	8,8	22,1
1960	39,8	6,0	33,8
1970	33,6	5,5	28,1
1980	33,8	7,4	26,4
1990	33,7	6,1	27,6

*Жадвал илмий манбаларда ва статистик тўпламларда чоп этилган маълумотлар асосида тузилган.

Уруш йилларида Республикада никоҳга кириш ҳоллари икки марта камайди. Ўлим эса 1941-1945 йилларда 2-3 бараварга кўпайди, баъзи йиллари эса туғилганлар сонидан ҳам ошиб кетди. Натижада аҳолининг табиий ўсиш суръати қисқарди. Масалан, 1940 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6 млн. 55 мингдан 1945 йилда 5 млн. 197 мингга тушиб қолди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тинч ҳаёт даври бошланиб, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият яхшилана бошлади. Урушга кетган эркаклар қайтиши минглаб янги оилаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. 1945-1950 йилларда туғилиш 20,7 фоизга кўпайиб, ўлим 7 фоизга камайди. Туғилишнинг бундай тез ўсиши аҳолининг кўпайишига қулай шароит яратди. Шунинг учун бу даврни аҳолишунос олимлар «компенсация», яъни «тўлдириш» даври деб аташган. Ушбу даврда Ўзбекистон аҳолиси 3,8 фоиздан кўпайиб, урушдан олдинги миқдорига етиб олди. Аҳолининг шундай юқори суръат билан ўсиши 1970 йилга қадар давом этди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда аҳоли кўпайиб боришида маълум даражада миграциянинг ҳам (бошқа ҳудудлардан аҳолининг кўчиб келиши) ҳиссаси анчагинадир. Масалан, 1896 йилда мигрантлар жами аҳолининг 6,1 фоизини ташкил этган бўлса, 1925 йилга келиб, уларнинг салмоғи 13,4 фоизга етди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг ҳам Ўзбекистонга кўп минглаб мигрантлар келиб, яшаш учун қолиб кетганлар.

Умуман, махсус олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, 1970-1987- йилларга қадар республика аҳолисининг кўпайишида миграциянинг ҳиссаси бирмунча юқори бўлган.

1970-1990 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръати аста-секин пасайиб борди. Агар 1950-1970 йилларда Республика аҳолиси ҳар йили ўртача 3,5 фоиздан дан кўпайган бўлса 1980-1990 йилларда, бу кўрсаткич 2,7 фоизни, 1991-2000 йилларда 1,9 фоизни ташкил қилди. Бунинг асосий сабаби кейинги йилларда ўзбек оилаларида ҳам, фарзандлар туғилишининг камайиб боришидир. Масалан, 1960 йилда Республикада ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 39,8 ни ташкил этган бўлса, 1990 йили бу кўрсаткич 33,7 ни ташкил этди ёки 6,7 пунктга камайди.

Туғилиш даражасининг камайиб борганлиги оилада бешинчи ва ундан кейинги (олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва ҳ.к.) туғилаётган болалар салмоғининг қисқариб боришида ҳам кузатилади. Улар 1970 йилда жами туғилган болаларнинг 43,1 фоизини ташкил этган бўлса, 1990 йилда 14,3 фоизини ташкил этди ёки уч мартага қисқарди. Умуман 1950-1990 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 6 млн 264 минг кишидан 20 млн 322 минг кишига етди.

Республиканинг мустақиллик даври. Маълумки 1986-1990 йиллардан собиқ СССР нинг парчаланиш жараёни бошланди. Натижада унинг таркибига кирган қатор республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам мустақил тараққиёт йўлига ўтди. Собиқ СССР таркибидаги давлатлар ҳўжалиги бир бутун организм, тизим сифатида бирлашиб ривожланар эди. СССРнинг парчаланиши натижасида ана шу тизим бузилди. Энди ҳар бир давлат ўз ҳўжалик тизимини ўзи янгитдан барпо этиб, ривожлантириши зарур бўлди. Бунинг учун маълум вақт ва имконият керак. Ана шу вақтда мустақил тараққиёт йўлига кирган ҳар бир давлатни бошқаришда маълум қийинчиликлар бўлиши муқаррардир. Чунки ушбу вақтда давлат бир томондан ўз халқини моддий-маънавий эҳтиёжини таъминлаши керак бўлса, иккинчи томондан ўз ҳўжалик тизимини барпо этиши, ривожлантиришга керакдир. Бу вақт ўтиш даври деб аталиб, бу даврда давлат раҳбарияти жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиши лозимдир. Ўзбекистон давлати ҳам бундан мустасно эмас.

Ўтиш даврида Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қийинчиликлар, ўзгаришлар юз берди. Пулнинг қадрсизланиши, аҳолининг мунтазам равишда давлат томонидан ижтимоий муҳофаза этиб турилишига қарамай, маълум иқтисодий қийинчиликларга сабаб бўлди.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда кўплаб корхоналар қурилди, маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Бир сўз билан айтганда, ўлкада хорижий ўлкалар, айниқса, Ғарб давлатлари ишлаб чиқариш усуллари ҳўжалик маҳсулотлари кенг тарқала бошлади. Шунинг билан бир қаторда, Ўзбекистонда хорижнинг тиббий воситалари, айниқса ҳомиладорликдан сақланувчи тиббий воситалар ҳам аҳоли эҳтиёжига ҳавола этилди. Ўлкада содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар биринчи навбатда, унинг демографик

вазиятига ўз таъсирини кўрсатди. Аввало республикада туғилиш сезиларли даражада қисқарди.

23-жадвал

Ўзбекистонда мавжуд аҳоли сонининг ўзгариш кўрсаткичлари (компонентлари, 1000 киши) *

Йиллар	Йил бошида аҳоли сони	Йил давомида ўзгаришлар			Йил охирида аҳоли сони	Йиллик умумий ўртача йиллик ўсиш, %
		Умумий ўсиш	Табиий ўсиш	Миграцион ўсиш		
1998	23867,4	363,2	413,2	-50,0	24230,6	1,52
1999	24230,6	352,2	414,3	-62,1	24582,8	1,45
2000	24582,8	325,4	392,0	-66,6	24908,2	1,32
2001	24908,2	302,6	380,4	-77,8	25210,8	1,21
2002	25210,8	312,2	395,5	-83,3	25523,0	1,23
2003	25523,0	279,5	372,5	-93,0	25802,5	1,10

* Жадвал "Демографический ежегодник Узбекистана - 2003". - Ташкент, 2004. -Б.29.- статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, республикада аҳолининг кўпайиш суръати 1991-2005 йилларда икки баробарга камайган.

Шаҳар аҳолиси. Республикада шаҳар аҳолисининг абсолют сони мунтазам ўсиб келган (жадвал 1). Шаҳар аҳолисининг ўсиши айниқса, совет даврида максимал даражага етган. 1917—1990-йилларда шаҳар аҳолисининг сони тўққиз марта ошди, бу республика умумий аҳолисининг ўсиш суръатидан икки марта юқори. 1991-2004-йилларда Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати сезиларли камайди. Бунинг асосий сабаби шаҳарларда туғилишиинг пасайиб кетганлигида.

Қишлоқ аҳолисининг мунтазам равишда ўсиб бориши Ўзбекистоннинг демографик тараққиётига хос хусусият бўлиб келган. Совет даври йилларида қишлоқ аҳолисининг сони 1917 йилги 3,5 млн.дан 1990 йилда 12,0 млн. кишига етган, яъни мазкур давр мобайнида 3,5 мартадан ҳам кўпроқ ошган. Қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиши ҳозирги вақтда давом этмоқда ва бу ҳол урбанизация жараёнини секинлашишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг 2,3 миллиони Андижон вилоятида жойлашган. Андижон ҳудуди Республика ҳудудининг 0,9 % ни ташкил этган ҳолда, аҳолисини эса 9 % и Андижон вилоятида яшайди. Андижон аҳолисининг зичлиги бўйича республикада биринчи ўринда туради. 2004-йилда вилоятда 1 кв км га 551,2 киши тўғри келди. Фарғона вилояти ҳам Республикадаги аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудлардан бўлиб, бу ерда зичлик 419,6 кишини ташкил этади. Республика аҳолисининг эса 10% и истиқомат этади.

Аҳоли сони бўйича Самарқанд вилояти Республикада 1-ўринда туради, аҳолисининг сони 2,8 млн ни ташкил этади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳам 1991-2004 йилларда аҳолининг ўсиш суръати бирмунча

камайганлиги кузатилади. Аҳоли кўпайиш суръатининг пасайиб бориши ўлкада қатор иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бир мунча қулайдир, лекин масаланинг иккинчи томони бор.

Агар Ўзбекистонда туғилиш шундай суръат билан камайиб борса, келажакда аҳолининг демографик қариши, яъни аҳоли таркибида қарилар салмоғининг ошиб бориши каби муаммоларни келтириб чиқариши муқаррардир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган социал сиёсат аввало, аҳоли саломатлигига, оила мустақиллигига қаратилмоқда. Дарҳақиқат, ушбу сиёсатни амалга ошириш, Республиканинг бугунги қулай демографик вазиятини сақлаб қолиш - энг биринчи ва долзарб вазифадир. Ўзбекистоннинг демографик вазиятида кейинги беш йилда кескин ўзгариш содир бўлди. Республикада аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати яна ҳам пасайиб кетди.

Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг сони ва таркибига миграция жараёнлари, айниқса, давлатлараро миграция жараёнлари таъсир кўрсатмоқда. Бу таъсир XX асрнинг 80-90 йилларигача бир тенденция билан, ундан кейинги даврда бутунлай бошқа тенденция билан ифодаланмоқда. Чунки миграция сабаблари, мотивлари ана шу даврларда турлича бўлган. Баъзи бир экстремал воқеа ва ҳодисалар бўлиб ўтган йилларни ҳисобга олмаганда, республика XX аср 80 йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда мусбат миграция сальдосига, ундан кейинги даврда эса манфий миграция сальдосига эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг сони жами аҳоли сонига нисбатан юқорида қайд этиб ўтилган қонуниятлар ва ўзгаришлар таъсирида 1,5 мартадан зиёд бўлган суръатларда ўсмоқда. Чунончи, мамлакатда 1991-2000 йилларда жами аҳоли сони йилига ўртача 1,9% ўсган бўлса, ушбу кўрсаткич меҳнатга лаёқатли аҳоли бўйича 2,5 %, 2000-2004 йилларда эса тегишли равишда 1,2 ва 3,2 % ташкил этди. Бунинг натижасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг жами аҳоли сонигаги улуши муттасил кўпайиб бормоқда. Мамлакатда 1991 йилда 20608 минг кишига тенг жами аҳолининг 10120 минг кишига ёки 48,9% тенг қисми меҳнатга лаёқатли ёшга эга бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2003 йилда 55,0% ташкил этди. Шунингдек, Ўзбекистонда жами аҳоли сонига нисбатан иқтисодиётда банд аҳоли сони ва салмоғи кўпайиши давом этмоқда. Иқтисодиётда банд аҳолининг жами аҳоли сонигаги улуши 1991 йилда 33,2% дан, 2000 йилда 36,0%га, 2003 йилда эса 37,5% га етди. Шунга қарамасдан, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларга хос кўрсаткичдан анча паст эканлигини эътироф этиш лозим. Ўзбекистонда ҳар 100 кишига унда банд бўлмаган 166 киши тўғри келади. Бундай ҳолатнинг шаклланишида демографик хусусиятлардан ташқари иқтисодий муаммоларнинг даставвал саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасининг етарли даражада ривожланмаганлиги, қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги билан алоқдор бўлмаган тармоқларда иш жойларининг етишмаслиги ҳал қилувчи ролни ўйнамоқда.

2 §. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари шаклланиши ва жойлашишининг демографик ҳамда геоэкологик хусусиятлари

Демографик жараёнлар ҳаётнинг барча иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига бевосита таъсир этувчи жараён ҳисобланади. Аҳолишуносликни ривожланишининг умумий қонуниятлари алоҳида иқтисодий ва табиий шароитларга эга ҳудудларда кўпгина жиҳатларига кўра мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради ва фан олдиға янги муаммоларни қўяди. Чунки, бу жараёнлар инсон ҳаёт-мамоти тарзини ифода этувчи фандир.

Юқорида қайд этилган жиҳатлар алоҳида минтақаларда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ва улар қуйидагилар:

- а) аҳоли умумий сонигаги ўзгаришларни ҳисобга олиш;
- б) таркибигаги қишлоқ ва шаҳар аҳолиси улуши;
- в) меҳнат ресурслари бандлигининг тармоқ таркиби ва уларнинг жойлашуви кабилар.

Шу жиҳатлар эътиборга олиниши ишлаб чиқаришнинг самарали жойлашуви ва ишчи кучларидан тўла фойдаланишда вазифани амалий жиҳатдан мувофиқлаштиради. Шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг демографик сиёсати ҳам муҳим бўлиб, у нафақат шу мамлакат балки у билан чегарадош давлатларнинг аҳоли билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий манфаати, ҳудудда ҳукм сураётган умумменталитетга ҳам мос келиши лозим.

Маълумки, Марказий Осиё минтақасидаги демографик жараёнлар жаҳон урушлари ва аср охиридаги геосиёсий ўзгаришлар (мамлакатларнинг мустақилликка эришиши) билан боғлиқ бўлган бўлса, мамлакатларнинг суверен давлатларга айланиши арафасида демографик жараёнлар янада фаоллашди. Улар минтақадаги этник руслар, татарлар ва бошқа халқларнинг Россия ва бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши билан боғлиқ бўлди. Бироқ, ўтган 15 йил мобайнида, бу жараёнлар ҳозирга қадар давом этмоқда.

1991 йил собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши муносабати билан Марказий Осиёдаги сиёсий-иқтисодий вазият ўзгарди, яъни бу ҳудудда пайдо бўлган 5 та мустақил давлатда бозор иқтисодиётига асосланган муносабатлар шаклланди. Бироқ, минтақадаги экологик вазият табиатдан фойдаланишни бошқаришда ўзгача ёндашиш заруриятини келтириб чиқарди. Бу биринчи навбатда, минтақадаги сув ресурслари тақсимооти билан боғлиқ бўлди. Ўтиш давридаги алоҳида мамлакатлар ўз тамойилларини ишлаб чиқаётган бир пайтда, минтақадаги бу борадаги халқаро тамойилларнинг ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан 1991 йилнинг октябрида Марказий Осиё давлатлари сув хўжаликлари органлари раҳбариятлари келишувлари асосида 1992 йилнинг февралига келиб, Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ҳақидаги 5 та давлат ўртасида келишув имзоланди. Давлатлараро сув хўжалигини координацион комиссиясига асос солинди. Ўтган давр мобайнида, бу комиссиянинг 39 та йиғилиши бўлиб ўтди. Масалан, 2004 йилнинг 26-27 майида бўлган йиғилишида вегетация даври давомида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда барча давлатлар манфаатлари эътиборга олиниши

лозимлиги тўғрисида келишиб олинди. Бирок, сув ресурслари танқислиги минтакавий муаммолигича қолмоқда ва халқаро аҳамият касб этмоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда олинадиган чучук сувнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида, 6 фоизи саноатда, 0,5 фоизи коммунал хўжаликда ишлатилади, 1,5 фоизи эса буғланиб кетади. Шундай экан, аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли пунктларида чучук сувнинг аҳамияти кишилар турмуш тарзини белгиловчи энг муҳим восита сифатида майдонга чиқади. Кейинги йилларда, қишлоқ хўжалигида сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Бирок, бу борадаги ишларни ҳамон талаб даражасида деб бўлмайди. Айниқса, бу бозор иқтисодиёти шароитида янги пайдо бўлган хўжалик субъектлари (фермер хўжаликлари) олдидаги муҳим муаммодир. Шу боис, қишлоқ хўжалигида сувни тежаб фойдаланишни кўзда тутган лойиҳалар ва дастурлар кўлами ва уларнинг амалиётдаги жорий этилишига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Маълумки, меҳнат ресурсларининг деярли 96-98% меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолидан ташкил топади. Иқтисодиётда банд бўлган пенсионерлар ва ўсмирларнинг меҳнат ресурслари сонидagi улуши 4% дан ошмайди. Унинг деярли 3,5% пенсионерлардан иборат. Ўзбекистонда ҳам меҳнат ресурсларининг таркиби деярли ана шундай нисбат билан ифодаланади. Меҳнат ресурсларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари шаклланиш, тақсимланиш ва улардан фойдаланиш жараёнларининг бевосита ва билвосита таъсири натижасида ўзгариб туради. Ушбу жараёнлар ўз навбатида табиий, ҳудудий ва социал ҳаракатларга алоқадор бўлади.

Аҳолининг табиий ҳаракати туғилиш, ўлим ҳамда никоҳланиш ва ажралиш жараёнларини ўз ичига олади. Уни аҳолини табиий такрор барпо этилиши деб ҳам аташади. Ушбу жараёни демография фани ўрганади. Аҳолининг ҳудудий (географик) ҳаракати унинг миграцион фаолияти билан белгиланади. Бунда айниқса, давлатлараро миграцион жараёнлар муҳим ўрин эгаллайди. Чунки давлатлараро миграцион жараёнлар мамлакат аҳолисининг миқдорий таркибига таъсир кўрсатади. Миграцион жараёнларни иқтисодий-ижтимоий география фани тадқиқ этади.

Ўзбекистонда аҳоли ва меҳнат ресурслари сонининг ўсишида табиий ҳаракат кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Лекин табиий ҳаракат жараёнларида туғилиш маълум даврдаги аҳоли сонига дарҳол таъсир кўрсатса, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига бир хил шароитда фақат 16 ёшдан кейин таъсир қилади. Ўлим жараёни учун ҳеч қандай ёш чегараси мавжуд эмас. Бирок мазкур жараён ўзига хос йўналишга эга. У «0» дан «1» ёшгача нисбатан катта бўлиб, ундан кейинги 1-13 ёшларда жуда кичик кўрсаткичлар билан ифодаланади. Ундан кейинги 14 ёшдан бошлаб, ўлим даражаси аста-секин, кейинчалик нисбатан тез, 65 ёшдан кейинги даврда тез суръатларда пасая боради. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туғилганлар ичида ўғил болалар сони ва салмоғи қиз болаларга нисбатан катта бўлади. Лекин бу ҳолат 13-14 ёшда ўғил болалар ичида ўлим нисбатан

кўп бўлганлиги сабабли ўзининг аҳамиятини йўқотади. Умуман олганда, ўлим ҳодисаси бир хил шароитда эркаклар ўртасида аёлларга нисбатан кўпроқ кузатилади, 65 ёшдан кейинги даврда эса мазкур демографик қонуниятнинг таъсири яна ҳам яққолроқ тус олади. Натижада, пенсия ёшидаги аҳолининг фақат чорак қисмини эркаклар ташкил этади, холос.

Кейинги, аниқроқ қилиб айтганда, XX асрнинг 90-йилларидан кейинги даврларида Ўзбекистонда туғилиш ва табиий ўсиш даражаларининг кескин пасайиши аҳоли, шу жумладан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ва салмоғига жуда катта таъсир кўрсата бошлади. Маълумки, Ўзбекистонда туғилиш ва табиий ўсиш даражалари XX асрнинг 60-йилларда энг юқори нуқталарга етиб, ундан кейинги даврда аста-секин пасая бошлади. Чунончи, туғилиш даражаси 60-йилларда 36-38 промилледан 1980 йилда 33,9 промиллегача, 1990 йилда 33,7 ва 1995 йилда 29,4 промиллега пасайган бўлса, кейинги 1995-2003 йилларда 29,4 промилледан 19,8 промиллега тушиб кетди ёки салкам 10 пунктга қисқарди. Худди шундай тенденция табиий ўсиш динамикасига ҳам хос бўлди. Табиий ўсиш коэффициенти 1995 йилда 22,8 промилледан 2003 йилда 14,5 промиллега тушиб қолди. Табиий ҳаракат жараёнларида бўлиб ўтган мазкур «ўзгаришларни» жуда жиддий ўзгаришлар деб атаса муболаға бўлмайди. Ўзбекистон демографик ривожланишида юз бераётган ўзгаришлар жараёнларнинг мутлоқ кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

3 §. Ўзбекистоннинг ҳозирги халқаро миграция алоқалари

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига қўшилиши уни жаҳон меҳнат бозорида ҳам фаол қатнашишини тақозо этади. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки йилларидаги ўзгаришлар, демографик вазиятнинг мураккаблиги Ўзбекистонни ишчи кучини экспорт қилувчи давлатга айлантириши мумкин. Шу билан бирга бошқа хорижий мамлакатлардан юқори малакали ишчи кучини жалб қилиш имкониятлари ҳам мавжуд. собиқ Иттифокнинг бошқа республикалари каби Ўзбекистонда ҳам аҳолининг ташқи миграцияси икки оқимда рўй бермоқда:

- меҳнат миграцияси, яъни қайтиб келиш ва фуқароликни қайта сақлаш шарти билан;

- этник миграция, яъни қайтиб келмаслик ва фуқароликни сақламаслик шарти билан.

Ҳозирда Ўзбекистонда жаҳон меҳнат бозорида фаол қатнашишни таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий асослар шаклланмоқда ва бу соҳадаги давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда халқаро меҳнат ташкилотига 170 та давлат, жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо бўлиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ушбу ташкилот қабул қилган ҳужжатларга амал қилмоқда. Хусусан, Республикамизда «Аҳолини иш билан

таъминлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ўз касби бўйича шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишга жойлаштиришни тартибга солиш ва бу жараёни мувофиқлаштириш борасида давлатнинг жавобгарлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижий давлатларда ўз касблари бўйича меҳнат фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги «Ишчи кучларини олиб келиш ва ташқарига олиб чиқиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида» ги қарорига ва шу билан тасдиқланган Низомга асосан амалга оширмоқдалар. Ўз навбатида мамлакатга келиш ва мамлакатдан чиқиб кетиш тўғрисидаги, хорижда ишлаётган Ўзбекистон фуқароларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда ташқи миграция соҳасидаги сиёсатни ташкилий жиҳатдан таъминлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Шу мақсадда меҳнат вазирлиги қошида муҳожир-меҳнаткашлар ишлари бўйича республика агентлиги тузилган. Бу ташкилот вазирликнинг қарорига биноан, ишчи кучини экспорт қилиш учун хорижий шериклар билан битимлар ва контрактлар тузади, чет элларда ишлаш учун мутахассисларни танлайди, уларни жўнаб кетишларини ташкил қилади, контракт шартларини бажарилишини назорат қилиб боради ва ҳ.к.

Республикада фуқароларнинг ташқи меҳнат фаолияти лицензиялар ёрдамида бошқарилиб борилади. Фуқароларни ишга ёллаш ва хорижда ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи барча жисмоний ва юридик шахслар ёки хорижий иш берувчилар билан хусусий равишда контракт тузилган фуқаролар ҳамда ишлаш учун Ўзбекистонга келаётган чет эл фуқаролари тегишли давлат идораларидан рухсатнома (лицензия) олишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қабул қилинган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатининг асосий вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган, яъни миллий меҳнат бозорида ишчи кучи касб-малака таркибини мувозанатга келтиришга, хорижда ишлаётган, яширин ташқи меҳнат миграциясининг олдини олишга ва бошқаларга қаратилган. Айни вақтда Ўзбекистонда меҳнат бозорини ахборот методик базаси шаклланишига қараб, давлат миграция хизматини янада кенгайтириш билан бир қаторда шундай вазифани бажарувчи муқобил хизматни ҳам ривожлантириш чоралари қидиришмоқда.

Республика кўламида урбанизация юқори бўлган Наманган вилоятида шаҳарда иш билан банд бўлганлар улуши анча юқори. Агар қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги вилоятлар бўйича ўрганиб чиқиладиган бўлса, бу сустр урбанизациялашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида юқори эканлиги аён бўлди. Умуман олганда, мамлакат ҳудуди бўйича иш билан банд бўлганларнинг тақсимланиши ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий

тузилмасини акс эттиради. Республика бозор муносабатларига кириши давомида ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари тобора кўпроқ роль ўйнайди. Бу аҳолини иш билан таъминлашни ўсишига олиб келади. Бозор муносабатларининг ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва уларнинг ичидаги эмас, балки мулкчилик шакллари ва меҳнатни ташкил этиш турлари ҳамда мамлакат ҳудудлари ўртасида иш билан бандларини қайта тақсимланишига кўмаклашади.

Таъкидлаш жоизки, фаолият шакллари ва мулкчилик шакллари бўйича иш билан бандликни тақсимланиши ўрганиб чиқиладиган даврда бир қанча омиллар, шу жумладан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашишининг ўзгариши, демографик вазият ва бошқалар таъсирида ўзгаради.

Ноишлаб чиқариш соҳасида иш билан бандликни энг умумий тенденциялари қуйидагилардан иборатдир:

- молиявий ресурслар етишмаслиги (илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш, маданият ва санъат, бошқарув) туфайли келиб чиққан иш билан бандлик даражаси ошишининг унчалик юқори эмаслиги;

- бюджетдан молиялаштиришдаги қийинчиликларга қарамай, иш билан бандлик даражасини асосан сақланиб қолиши (соғлиқни сақлаш, таълим);

- жамият учун ниҳоятда зарур соҳаларда (уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар) иш билан бандликнинг кенгайиши сабабли ходимлар сонининг кўпайиши.

Маълумки, Ўзбекистон туб аҳолисининг миграциясига мойиллиги жуда кам. Маҳаллий аҳоли айниқса, хорижий мамлакатларга кўчишга интилмайди. Аҳолининг миграциясига кам мойиллик хусусиятлари собиқ Иттифок даврида аниқ мақсад сари йўналтирилган. Бу давлатнинг «темир парда» ҳамда «ёпиқ эшиклар» ўз аксини топиб, янада мустақамланди. Совет давридаги миллий республикалардаги миграция жараёнларини кўчадаги бир томонлама ҳаракатга ўхшатса бўларди. Марказий Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон, собиқ Иттифокнинг бошқа республикаларига қараганда, советлар мустамлакаси даврида кучли миграция босқинчилигига мубтало этилди. Марказий Осиё давлатларига, шу жумладан, Ўзбекистонга мунтазам равишда турли йиллар ва даврларда руслар, украинлар, яҳудийлар, татарларнинг катта оқими жўнатилиб турилди. Республикага зўрлаб турли хил халқ вакиллари корейслар, немислар, қрим татарлари, месхетия турклари, чеченлар кўчирилиб келтирилди.

Ўзбекистонда 1970 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, янги йўналиш, яъни аҳолининг республикадан кўчиб кетиши кузатила бошланди. Ушбу жараён йилдан-йилга кўпая бориб, 1990 йилда ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Ўша йили давлат органлари томонидан расмий равишда қайд қилинган миграциянинг манфий қолдиғи – 140 минг кишини ташкил қилди. Кейинги йилларда эса у аста-секин камайиб борди. 1999 йил бундан

мустанасно бўлиб, миграциянинг манфий қолдиғи кескин кўтарилиб кетди. Ўзбекистонда ўтган аср 80-йиллари охиригача совет Иттифоқи республикалари ўртасида миграция алоқалари нормал ҳолатда эди. Чет мамлакатлар билан миграция алоқалари жуда оз эди. Ушбу йилларда республикадан ўртача йилига 100-150 минг одам кўчиб кетарди ва шунча одам кўчиб келарди.

Миграция жараёнидаги катта ўзгариш 1989-1990 йилларда рўй берди. Ушбу икки йил ичида Ўзбекистондан расмий маълумотларга кўра, 400 млн. га яқин одам кўчиб келди, миграциянинг манфий қолдиғи эса –233,7 минг кишини, шу жумладан, хорижий мамлакатлар билан –34,1 минг кишини ташкил қилди. СССР парчалангандан кейин, Ўзбекистонда миграция жараёни бутунлай ўзгарди. Ўзбекистондан русийзабон ва бошқа миллатларнинг кўчиб кетиши, аксинча Ўзбекистонга қўшни республикадан ўзбекларнинг кўчиб келиш тенденцияси кучая бошлади.

Ҳозирги кундаги ташқи миграциянинг манфий қолдиғини асосан Европа миллатларига хос бўлган аҳоли ташкил қилмоқда. Масалан, 1991-1999 йилларда Ўзбекистон шаҳар аҳоли манзилгоҳларидан 356,8 минг руслар, 32,3 минг украинлар, 55,5 минг яҳудийлар, 22,6 минг немислар 108,0 минг татарлар кўчиб кетишди. Республикамиздан 1990-2003 йилларда жами 1,5 млн. киши кўчиб кетди, 500 минг киши кўчиб келди. Шундай қилиб, миграциянинг манфий қолдиғи 10 млн. кишини ташкил этди.

Ўзбекистоннинг ушбу йиллардаги ташқи алоқалари асосан Россия, Украина ва қўшни Марказий Осиё республикалари билан бўлди. Миграцияда қатнашганларнинг жами Россия ҳиссасига 50,9%, Украинага 12,9%, Қозоғистонга 10,9% бошқа Марказий Осиё республикаларига 13,2% тўғри келди. МДХ давлатларидан ташқаридаги хориж мамлакатлари ҳиссасига 8,4% тўғри келди. Ўзбекистон аҳолиси ташқи миграциясининг манфий қолдиғи кўрсаткичларидан Россия ҳиссасига 62,0%, Украинага 20,4%, бошқа хорижий мамлакатларга 15,8% тўғри келди. Ташқи мигрантларнинг асосий кўпчилигини руслар, татарлар, қрим татарлари ва яҳудийлар ташкил қилади. Булардан ташқари мамлакатдан месхетия турклари, греклар, немислар ҳам кўчиб кетишмоқда. Яҳудийлар Исроил ва АҚШга, немислар Германияга, греклар Грецияга, руслар Россияга кўчмоқдалар.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда русийзабон аҳолининг кўчиб кетиши кескин камаймоқда. Бундан ташқари мамлакатимизда кўчиб кетганларнинг яна қайтиб келиши (реэмиграция) шароитлари кузатилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ички миграция ҳаракатларининг пасайиши кузатилмоқда, унинг асосий сабабларидан бири, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мураккаб социал-иқтисодий ўзгаришлар жараёнидир.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ-шаҳар йўналишидаги доимий миграция ва ўқишга, ишлашга (вақтинчалик) келадиган вақтинчалик миграция оқимлари ҳам сезиларли даражада камайди. Маълумки, шаҳарлардан русийзабон аҳолининг кўчиб

кетиши йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ушбу вазият республикада азалдан паст бўлган урбанизация даражасининг янада камайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг иш билан таъминланганлик даражасига республикадаги ички миграция оқимлари ҳам бевосита таъсир кўрсатади, чунки миграциянинг ушбу тури бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Мустақиллик йилларидаги социал-иқтисодий ислохотлар таъсирида республикалараро миграция алоқаларида ҳам пасайиш рўй бермоқда. Ушбу ҳолат вилоятлараро ҳамда вилоят ичидаги миграция ҳаракатларига ҳам хосдир. Масалан, 1980-2003 йилларда Республика ички миграция ҳажми 461,8 минг кишидан 250 минггача яъни 250 минг кишига камайди. Вилоятлар ичидаги миграция ҳам ушбу давр ичида 283,6 минг кишидан, 138,0 мингга, яъни 118,6 минг одамга камайди.

Республика ички миграциянинг ҳаракатлари ва жами ҳажми унинг ҳамма асосий йўналишлари бўйича (айниқса қишлоқ-шаҳар) киши камайди. Мустақиллик йилларида маҳаллий тадбиркорларнинг чет мамлакатларга меҳнат сафарлари кенгаймоқда. Айниқса, Ўзбекистонда кўшма фирмалари ва корхоналари бўлган хорижий мамлакатларга бундай сафарлар кўпроқ уюштирилмоқда. Ўзбекистондаги йирик кўшма корхоналарнинг ёш ишчилари малакаларини ошириш, зарур мутахассисликни эгаллаб олиш учун Жанубий Корея, Туркия, Германияга ўқишга ва ишлашга юборилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон аҳолисининг барқарорлашган миграция тури – бу жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германияларнинг нуфузли олий ўқув юртларида ва коллежларида билим олиш учун ўқишга кетаётган ёшлардир. Ушбу миграция ҳукуматимиз томонидан кадрлар тайёрлашнинг махсус ишланган миллий дастури асосида амалга оширилмоқда. Иқтидорли ёшларни хориждаги ривожланган мамлакатларда ўқитиш учун Ўзбекистонда махсус «Умид» жамғармаси тузилган. Ушбу жамғарма орқали ҳар йили иқтидорли ёшлар танлаб олиниб, чет мамлакатларга ўқишга юборилади. Уларнинг кўпчилигини ўзбек миллатига мансуб ўғил ва қизлар ташкил қилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин аҳолининг хорижий мамлакатларга қисқа муддатли сафари Меҳнат вазирлиги томонидан амалга оширилмоқда. Кейинги 9 йилда (1995-2004 йиллар) республика Меҳнат вазирлиги томонидан ишлаб келиш учун хорижий мамлакатларга 89 минг киши жўнатилди.

Жанубий Кореяга 5 йилда 9,5 минг одам жўнаб кетди. Унчалик кўп бўлмаган ишчи мигрантлар вақтинчалик ишлаб келиш учун АҚШга, Маалайзияга, Бирлашган Араб Амирлигига (БАА) жўнатилди. Меҳнат вазирлиги томонидан хорижда ишлаб келишга жўнатилганларнинг кўпчилигини ўзбеклар (82%), корейслар (15%) ташкил этади. Чет мамлакатларга шахсий билим асосида жўнатилганларнинг ярмидан кўпи ўзбеклар қолган қисми бошқа миллатлар – руслар, украинлар, яхудийлар ва татарлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон фуқароларининг 1995-1999 йилларда Меҳнат вазирлиги томонидан хорижий мамлакатларга ишга юборилиши динамикаси қуйидаги жадвалда берилган.

24-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг табиий ва миграцион ўсиши

Йиллар	Аҳоли сони минг киши	Аҳоли сонининг умумий ўсиши		Шу жумладан			
		минг киши	%	Табиий ўсиш		Миграцион ўсиш	
				минг киши	улуши, %	минг киши	улуши, %
1980	15757	366,0	100,0	417,4	114,0	-51,4	-14,0
1985	17972	451,0	100,0	547,4	121,3	-96,4	-21,3
1990	20222	386,0	100,0	567,4	146,9	-181,4	-46,9
1991	20608	498,0	100,0	593,1	119,1	-95,1	-19,1
1992	21106	496,0	100,0	570,4	115,1	-74,4	-15,1
1993	21602	490,0	100,0	544,3	111,0	-54,3	-11,0
1994	22092	370,0	100,0	532,0	143,8	-162,0	-43,8
1995	22462	444,0	100,0	533,0	120,2	-89,8	-20,2
1996	22906	443,0	100,0	543,5	122,7	-100,5	-22,7
1997	23349	423,0	100,0	499,3	117,5	-76,3	-17,5
1998	23772	364,0	100,0	492,9	135,4	-128,9	-35,4
1999	24136	352,0	100,0	490,0	139,2	-138,0	-39,2
2000	24488	325,0	100,0	392,0	120,6	-67,0	-20,6
2001	24813	303,0	100,0	382,7	126,3	-79,7	-26,3
2002	25116	312,0	100,0	395,5	126,8	-83,9	-26,8
2003	25428	273,0	100,0	372,0	136,3	-99,9	-36,3
2004	25701	-	—	-	-	-	-
1991- 2003й.	-	5093,0	100,0	6342,4	124,5	-1249,4	-24,5

Ўзбекистонликларнинг чет мамлакатларда иш билан бандлигининг анча ривожланган шакли, бу моқисмон (челнок) бизнес бўлиб, у асосан шахсий меҳнат фаолияти асосида амалга оширилмоқда. Лекин, кейинги йилларда маҳаллий аҳоли ўртасида моқисмон савдо бизнесининг тури биров камайганлиги кузатилмоқда. Лекин шунга қарамасдан, кейинги ўн йилликда тадбиркорликнинг ушбу тури республика аҳолисининг чет элдаги бандлигида аҳоли ўртасида энг кўп тарқалган тури бўлиб қолмоқда.

Кейинги тўрт йил ичида мамлакатдаги 165 та нодавлат ва нотижорат ташкилоти 117,2 минг кишини иш билан таъминлади. Уларнинг 41,2 мингтаси (35,2%) бевосита нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали, 76,0 минг (64,8%) эса ушбу ташкилотларнинг воситачилиги орқали ишга жойлаштирилди. Демак, битта нодавлат ва нотижорат ташкилоти 710 та

одамни иш билан таъминлаган. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги аҳоли бандлигининг янги тури республика меҳнат бозорида ва хорижий мамлакатларда ўз ўрнини топмоқда.

Глоссарий

Миграцион ўсиш – кўчиб келувчилар ҳисобига аҳоли сонининг ортиши.

Моқисимон (маятниксимон) миграция – бирор ҳудудда яшаб, иккинчи ҳудудда меҳнат ресурсларининг ишлаши.

Кўшимча маълумотлар

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда аҳоли сони мунтазам кўнайиб келган. Масалан, 1865 йили ўлкада 3320 минг аҳоли истиқомат этган бўлса, 1920 йили аҳоли сони 4470 мингта, 1970 йили - 11800 мингта, 1991 йили - 20708 мингта ва 2004 йили 25707 мингта етди. Асримиз бошидан то ҳозирги даврга (2004 й.) қадар Ер шари аҳолиси 3,2 мартага кўнайган бўлса, Ўзбекистон аҳолиси 6,5 мартага кўнайди. Ўзбекистонда аҳолининг юқори суръат билан кўнайиб бориши, унинг ўзига хос демографик вазияти билан боғлиқдир. 19-асрга қадар Ўзбекистон ҳудудида асосан ўзбеклар ва дини, урф-одатлари ўзбекларга яқин бўлган тожиклар, қорақалпоқлар (Амударёнинг қуйи қисмида ва Орол бўйларида), қozoқлар (шимолий-ғарбий чала чўлларда), қирғизлар (тоғлик жойларда-шарқда), туркманлар (жанубий-ғарбий чўлларда) яшаганлар.

20-аср бошларида ўзбеклар учта йирик этник гуруҳ: воҳаларда яшаган қадимий ўтроқ аҳоли (20-аср бошларида улар рус адабиётида - "сартлар" деб аталган); мўғуллар истилосигача бу ерда яшаган туркий халқлар; мўғуллар даврида ва ундан кейин 16-асрда бу ерда келиб ўрнашган туркий қабилалар.

XIX-асрнинг 60-70-йилларида Ўзбекистон ҳудудини Россия подшолиги босиб олди. Шу муносабат билан 19-аср охири - 20-аср бошларида Россия аҳолисининг бир қисми, жумладан, деҳқонлар кўчириб келтирилди ва Мирзачўлга жойлаштирилди; бу ерда янги қазилган канал бўйлаб муҳожирлар аҳоли масканлари (посёлкалари) ташкил топди. 19-асрда Ўзбекистон ҳудудига Шарқий Туркистондан (Синьцзян) уйғурлар кўчиб келган ва улар Ўзбекистоннинг шарқий қисмда тоғ водийларига жойлашган.

Мамлакатда туғилган болалар сони 1980 йилда 540,0 минг, 1990 йилда 691,6 минг, 1995 йилда 669,8 минг тани ташкил этган бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2000 йилда 527,6 минг ва 2003 йилда 509,4 минг болага тенг бўлди, холос. Табиий ўсишнинг мутлоқ кўрсаткичи 1980 йилда 421,1 минг боладан, 2000 йилда 392,0 минг тага 2003 йилда эса 372,9 мингта болага тушиб қолди.

Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистоннинг аҳоли сони ва жойлашувига кўра Марказий Осиёда тутган ўрнига тавсиф беринг.
2. XIX асрнинг 60-70-йилларида Ўзбекистон аҳолиси таркибида қандай ўзгаришлар юз берди?
3. Ўзбекистонда туғилишнинг юқорилиги билан боғлиқ омилларга тавсиф беринг.
4. XX асрнинг 20-30-йилларида аҳоли динамикасидаги ўзгаришлар қандай жараёнлар билан боғлиқ бўлди?
5. 1970-90 йилларда туғилиш даражасидаги ўзгаришларни изоҳланг.
6. Республиканинг мустақиллик даврида аҳолининг кўпайиш суръатига тавсиф беринг.
7. Ўзбекистонда ҳозирги кунда аҳоли сони ва зичлигига кўра қандай ҳудудий тафовутлар мавжуд?
8. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва тақсимотига изоҳ беринг.
9. Ҳозирги МДХ ҳудудидаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар демографик жараёнларга қандай таъсир кўрсатди?
10. Марказий Осиёдаги демографик жараёнларга Орол экологик инқироzi қандай таъсир кўрсатди ва бу билан боғлиқ ўзгаришлар Ўзбекистонда қандай кечди?
11. Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларига баҳо беринг.
12. Ўзбекистоннинг ҳозирги халқаро миграция алоқаларига тавсиф беринг.
13. Ноишлаб чиқариш соҳаси иш билан бандликнинг энг умумий тенденцияларини изоҳланг.
14. Мустақилликдан сўнгги даврдаги реэмиграция жараёнлари ва омилларига изоҳ беринг.
15. Ўзбекистон аҳолисининг барқарорлашган миграцияси иштирокига тавсиф беринг.

Назорат тестлари

1. Ўзбекистонда аҳоли табиий ўсишининг энг юқори бўлган даврини белгиланг.
А) 1950
Б) 1960
В) 1970
Г) 1980
2. Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ҳақидаги 5 та давлат ўртасидаги келишув қачон имзоланди.
А) 1991 йил, октябрь

- Б) 1992 йил, февраль
- В) 1996 йил, март
- Г) 2004 йил, май

3. Ўзбекистонда туркманлар қайси ҳудудда яшайди?

- А) Орол бўйларида
- Б) Шимоли-ғарбий чала чўлларда
- В) Тоғли жойларда, шарқда
- Г) Жануби-ғарбий чўлларда

4. Ўзбекистонда козоқлар қайси ҳудудда яшайди?

- А) Орол бўйларида
- Б) Шимоли-ғарбий чала чўлларда
- В) Тоғли жойларда, шарқда
- Г) Жануби-ғарбий чўлларда

5. 2004 йилда Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси қанчага етди?

- А) 8366 минг киши
- Б) 8732 минг киши
- В) 9235 минг киши
- Г) 9381 минг киши

6. Ўзбекистоннинг демографик тараққиётига хос хусусиятни белгиланг.

- А) шаҳар аҳолисининг ўсиши
- Б) қишлоқ аҳолисининг ўсиши
- В) миграцион фаоллик
- Г) депопуляция

7. Ўзбекистондаги аҳолиси энг кўп вилоятни белгиланг.

- А) Тошкент вилояти
- Б) Андижон вилояти
- В) Самарқанд вилояти
- Г) Қорақалпоғистон Республикаси

8. 2003 йилда табиий ўсиш коэффициенти неча промиллени ташкил этди?

- А) 33,9
- Б) 29,4
- В) 22,8
- Г) 14,5

9. Ўзбекистондаги суғурта урбанизациялашган ҳудудларни белгиланг.

- А) Сурхондарё, Қашқадарё
- Б) Жиззах, Сирдарё
- В) Бухоро, Навоий

Г) Фарғона, Наманган

10. Ҳозирги кунда хорижга ишлаб келиш учун жўнатилган фуқароларнинг неча фоизини ўзбеклар ташкил этади?

А) 61

Б) 74

В) 82

Г) 94

Адабиётлар

1. М.К. Караханов. Некапиталистическая путь развития и проблемы народонаселения. - Ташкент. 1983. - С. 90;
2. Численность населения Республики Узбекистан 1998. - Ташкент, 1999. - С.12;
3. Показатели социально-экономического развития. Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкента. - Ташкент, 2000. - С.8.
4. Тимм Е.С. Опыт изучения естественного движения населения в кишлаках. - Ташкент, 1935. - С.18;
5. Б.Ц.Урланис. История одного поколения. - М., 1968. - С.83.;
6. М.К.Караханов. Некапиталистическая путь развития и проблемы народонаселения. -Ташкент, 1983. - С.134;
7. Мулладжанов И.Р. Демографическое развития Узбекской ССР. -Ташкент, 1983. -С. 169.

Қўшимча адабиётлар:

9. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Т.;1997;
10. Демографический энциклопедический словарь. М.;1985;
11. Ахмедов Э, З. Саидаминова, Ўзбекистон Республикаси. Т.,1998.
12. Ата-Мирзаев О.Б, Гентшке В.М., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент., 1998.
13. Буриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. Ташкент, 1991.
14. Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. Ташкент, 1983.
15. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. Ташкент, 2000.
16. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. Ташкент. 1983.

Жаҳон мамлакатларидаги меҳнат таклифи

Мамлакатлар	Меҳнат ресурслари 1995 йил			
	15-64 ёшдаги ишчилар минг киши		Ўртача йиллик ўсиш, фоиз	
	Эркак	Аёл	1965-1991	1995-2025
Жануби-шарқий Осиё				
Вьетнам	19299	16996	2.53	2.05
Индонезия	52766	24161	2.48	150
Хитой	406660	316623	2.60	0.41
Малайзия	5365	3004	3.49	2.01
Мьянма	12529	6983	2.38	190
Таиланд	16542	13084	2.66	0.63
Филиппин	17426	7644	2.85	191
Европа ва Марказий Осиё				
Озарбайжон	1670	1278	2.23	
Арманистон	387	754	2.71	
Белоруссия	2671	2554	1.42	
Болгария	2225	2007	0.00	-0,07
Венгрия	2878	2398	0.34	-0.15
Грузия	1381	1179	1.13	
Қозоғистон	4192	3608	2.80	
Латвия	962	827	2.41	
Қирғизистон	660	631	0.62	-0.02
Литва	953	888	0.87	0.20
Молдава	1081	1025	1.13	
Польша	10583	36613	0.85	0.34
Россия	39212	9081	1.04	
Руминия	6112	5373	0.43	0.42
Тожикистон	1082	792	2.70	
Туркменистон	816	663	2.95	
Туркия	17067	8856	2.36	1.65
Ўзбекистон	4240	3644	2.83	
Украина	13060	12496	0.66	
Эстония	394	372	0.72	
Лотин Америкаси				
Аргентина	8472	3442	1.25	1.28
Бразилия	41470	16551	2.95	1.31
Колумбия	8788	2553	2.72	1.52
Мексика	23132	8937	3.58	1.83
Венесуэла	5351	2154	3.73	1.75
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка				
Жазоир	5926	676	3.06	3.32
Миср	14430	1687	2.70	2.35
Эрон	15765	3737	3.86	3.74
Марокаш	7100	1893	3.39	2.52
Сурия	2911	634	3.69	4.46
ИХТТ га аъзо мамлакатлар				

Буюк Британия	17290	10941	0.45	-0.04
Германия	24381	15493	0.52	0.31
Испания	10741	3527	0.84	0.08
Италия	15653	7469	0.45	0.41
Канада	8353	5607	2.24	0.65
АҚШ	73443	52242	1.70	0.44
Франция	15641	10721	0.95	0.07
	36799	23025	0.83	0.35
Жанубий Осиё				
Бангладеш	31458	2723	2.57	2.75
Ҳиндистон	260802	83502	2.09	1.61
Покистон	34008	5344	3.29	3.21
Африка				
Заир	9530	5128	2.45	3.54
Нигерия	26686	13993	2.73	3.19
Судан	6630	2045	2.87	3.42
Эфиопия	13425	7777	2.17	2.86
Жанбуий Африка Респ.	9275	5250	2.56	2.40

Жаҳон мамлакатлари аҳолиси сони

2-илова

№	Мамлакатлар	Аҳолиси (2006 йил)
1.	Дунё бўйича	6,525,170,264
2.	Хитой	1,313,973,713
3.	Ҳиндистон	1,095,351,995
4.	ЕИ	486,642,177
5.	АҚШ	298,444,215
6.	Индонезия	245,452,739
7.	Бразилия	188,078,227
8.	Покистон	165,803,560
9.	Бангладеш	147,893,540
10.	Россия	142,893,540
11.	Нигерия	131,859,731
12.	Япония	127,463,611
13.	Мексика	107,449,525
14.	Филлипин	89,468,677
15.	Вьетнам	84,402,966
16.	Германия	82,422,299
17.	Миср	78,887,007
18.	Эфиопия	74,777,981
19.	Туркия	70,413,958
20.	Эрон	68,688,433
21.	Таиланд	64,631,595
22.	Франция	62,752,136
23.	Конго Демок. Респ.	62,660,551

24.	Бирлашган Қироллик	60,609,153
25.	Италия	58,133,509
26.	Жанубий Корея	48,846,823
27.	Бирма	47,382,633
28.	Украина	46,710,816
29.	Жанубий Африка	44,187,637
30.	Колумбия	43,593,035
31.	Судан	41,236,378
32.	Испания	40,397,842
33.	Аргентина	39,921,833
34.	Польша	38,536,869
35.	Танзания	37,445,392
36.	Кения	34,707,817
37.	Морокко	33,241,259
38.	Канада	33,098,932
39.	Алжир	32,930,091
40.	Афғонистон	31,056,997
41.	Перу	28,302,603
42.	Непал	28,287,147
43.	Уганда	28,195,754
44.	Ўзбекистон	27,307,134
45.	Саудия Арабистони	27,019,731
46.	Ироқ	26,783,383
47.	Венесуэла	25,730,435
48.	Малайзия	24,385,858

49.	Шимолій Корея	23,113,019
50.	Тайвань	23,036,087
51.	Гана	22,409,572
52.	Румунія	22,303,552
53.	Яман	21,456,188
54.	Австралія	20,264,082
55.	Шри-Ланка	20,222,240
56.	Мозамбік	19,686,505
57.	Сурія	18,881,361
58.	Мадагаскар	18,595,469
59.	Код І'Вуар	17,654,843
60.	Камерун	17,340,702
61.	Нідерландія	16,491,461
62.	Чили	16,134,219
63.	Қозоғистон	15,233,244
64.	Буркіно Фасо	13,902,972
65.	Камбоджа	13,881,427
66.	Эквадор	13,547,510
67.	Малаві	13,013,926
68.	Нигер	12,525,094
69.	Гватемала	12,293,545
70.	Зімбабве	12,236,805
71.	Ангола	12,127,071
72.	Сенегал	11,987,121
73.	Малі	11,716,829
74.	Замбія	11,502,010
75.	Куба	11,382,820
76.	Греція	10,688,058
77.	Португалія	10,605,870
78.	Бельгія	10,379,067
79.	Белоруссія	10,293,011
80.	Чехія	10,235,455
81.	Туніс	10,175,014
82.	Венгрія	9,981,334
83.	Чад	9,944,201
84.	Гвінея	9,690,222
85.	Сербія	9,396,411
86.	Домінікан Респ.	9,183,984
87.	Швеція	9,016,596
88.	Болівія	8,989,046
89.	Сомалі	8,863,338
90.	Руанда	8,648,248
91.	Гаїті	8,308,504
92.	Австрія	8,192,880
93.	Бурунді	8,090,068
94.	Озарбайжон	7,961,619
95.	Бенін	7,862,944
96.	Швейцарія	7,523,934
97.	Болгарія	7,385,367
98.	Гондурас	7,326,496

99.	Тожикистон	7,320,815
100.	Гонг Конг	6,940,432
101.	Эл Сальвадор	6,822,378
102.	Парагвай	6,506,464
103.	Лаос	6,368,481
104.	Исроил	6,352,117
105.	Сьерра Леоне	6,005,250
106.	Иордания	5,906,760
107.	Ливия	5,900,754
108.	Папуа Янги Гвінея	5,670,544
109.	Никарагуа	5,570,129
110.	Того	5,548,702
111.	Дания	5,450,661
112.	Словакия	5,439,448
113.	Фінляндія	5,231,372
114.	Қирғизистон	5,213,898
115.	Туркменистон	5,042,920
116.	Эритрея	4,786,994
117.	Грузія	4,661,473
118.	Норвегія	4,610,820
119.	Боснія, Герцеговіна	4,498,976
120.	Хорватія	4,494,749
121.	Сінгапур	4,492,150
122.	Молдова	4,466,706
123.	Марказій Афр. Респ.	4,303,356
124.	Янги Зеландія	4,076,140
125.	Коста Рика	4,075,261
126.	Ірландія	4,062,235
127.	Пуэрто Рико	3,927,188
128.	Ліван	3,874,050
129.	Конго	3,702,314
130.	Литва	3,585,906
131.	Албанія	3,581,655
132.	Уругвай	3,431,932
133.	Панама	3,191,319
134.	Мавританія	3,177,388
135.	Оман	3,102,229
136.	Ліберія	3,042,004
137.	Арманистон	2,976,372
138.	Мўғулистон	2,832,224
139.	Ямайка	2,758,124
140.	БАА	2,602,713
141.	Ғарбий Соҳил	2,460,492
142.	Қувайт	2,418,393
143.	Бутан	2,279,723
144.	Латвія	2,274,735
145.	Македонія	2,050,554
146.	Намібія	2,044,147
147.	Лесото	2,022,331
148.	Словенія	2,010,347

149.	Гамбия	1,641,564
150.	Ботсвана	1,639,833
151.	Гвинея-Бискау	1,442,029
152.	Ғазо сектори	1,428,757
153.	Габон	1, 424,906
154.	Эстония	1,324,333
155.	Маврикий	1,240,827
156.	Свазиленд	1,136,334
157.	Тринидад ва Тобаго	1,065,842
158.	Шаркий Тимор	1,062,777
159.	Фиджи	905,949
160.	Қатар	885,359
161.	Кипр	784,301
162.	Гайана	767,245
163.	Бахрейн	698,585
164.	Комор ороллари	690,948
165.	Черногория	630,548
166.	Соломон ороллари	552,438
167.	Экваториал Гвинея	540,109
168.	Джибути	486,530
169.	Люксембург	474,413
170.	Макао	453,125
171.	Суринам	439,117
172.	Кабо-Верде	420,979
173.	Мальта	400,214
174.	Бруней	379,444
175.	Мальдив ороллари	359,008
176.	Багам ороллари	303,770
177.	Исландия	299,388
178.	Белиз	287,730
179.	Барбадос	279,912
180.	Француз Полинезияси	274,578
181.	Ғарбий Сахро	273,008
182.	Антил ороллари	221,736
183.	Ян. Каледон. ороллари	219,246
184.	Вануату	208,869
185.	Самоа	176,908

186.	Гуам	171,019
187.	Муқаддас Люсия	168,458
188.	Сент-Винсент, Грена.	117,848
189.	Тонга	114,689
190.	Виргин ороллари	108,605
191.	Микрон.Федер. Штат.	108,004
192.	Кирибати	105,432
193.	Джерси ороллари	91,084
194.	Гренада	89,703
195.	Шим. Марианна о.	82,459
196.	Сейшел о. Респ.	81,541
197.	Мэн ороли	75,441
198.	Аруба	71,891
199.	Андорра	71,201
200.	Антигуа ва Барбуда	69,108
201.	Доминика	68,910
202.	Бермуд ороллари	65,773
203.	Гернси ороллари	65,409
204.	Маршалл ороллари	60,422
205.	Америка Самоаси	57,794
206.	Гренландия	56,361
207.	Фарер ороллари	47,246
208.	Кайман ороллари	45,436
209.	Сент Киттис ва Невис	39,129
210.	Лихтенштейн	33,987
211.	Монако	32,543
212.	Сан Марино	29,251
213.	Гибралтар	27,928
214.	Брит. Виргин о.	23,098
215.	Кук ороллари	21,388
216.	Палау ороллари	20,579
217.	Валис ва Футуна	16,025
218.	Науру	13,287
219.	Тувалу	11,810
220.	Ватикан	932

Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ аҳолисining салмоғи

(фоиз ҳисобида) *

	Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	1991	2004	1991	2004
Ўзбекистон Республикаси	40,5	36,5	59,5	63,5
Қорақалпоғистон Республикаси	48,2	48,7	51,8	51,3
Андижон вилояти	2,2	29,8	67,8	70,2
Бухоро вилояти	34,5	30,0	65,5	70,0
Жиззах вилояти	28,7	29,9	71,3	70,1
Қашқадарё вилояти	26,3	24,8	73,7	75,2
Навоий вилояти	41,2	39,8	58,8	60,2
Наманган вилояти	38,2	37,5	61,8	62,5
Самарқанд вилояти	30,8	25,9	69,2	74,1
Сурхондарё вилояти	19,3	19,4	80,7	80,6
Сирдарё вилояти	34,9	31,4	65,1	68,6
Тошкент вилояти	44,2	39,5	55,8	60,5
Фарғона вилояти	31,2	28,4	68,8	71,6
Хоразм вилояти	27,4	22,6	72,6	77,4
Тошкент шаҳри	100	100	—	—

*Жадвал "Демографический ежегодник Узбекистана - 2003".- Ташкент, 2004. - Б.31. - статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳудудлар бўйича жойлашуви *

	2004 йил		
	Жами аҳоли	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси
Ўзбекистон Республикаси	25707,4	9381,3	16326,1
Қорақалпоғистон Республикаси	1560,3	760,6	799,7
Андижон вилояти	2309,1	687,1	1622,0
Бухоро вилояти	1490,1	446,4	1043,7
Жиззах вилояти	1030,7	308,6	722,1
Қашқадарё вилояти	2336,4	579,7	1756,7
Навоий вилояти	804,2	319,8	484,4
Наманган вилояти	2042,5	765,2	1277,3
Самарқанд вилояти	2826,1	732,6	2093,5
Сурхондарё вилояти	1864,2	361,3	1502,9
Сирдарё вилояти	668,5	209,7	458,8
Тошкент вилояти	2430,4	960,6	1469,8
Фарғона вилояти	2799,2	795,0	2004,2
Хоразм вилояти	1410,3	319,3	1091,0
Тошкент шаҳри	2135,4	2135,4	—

* Жадвал "Демографический ежегодник Узбекистана - 2003". - Ташкент. 2004. - Б.80.
- статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган.

Мундарижа

Кириш	2
I боб. Аҳоли географиясининг предмети ва вазифалари	4
1 §. Аҳоли географияси ва демографиясининг предмети, мақсади, вазифалари ва тадқиқот методлари	4
2 §. Демографик тадқиқотлар тарихи ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари	10
3 §. Демография статистикаси	14
II боб. Дунё аҳолиси жойлашувининг асосий хусусиятлари	26
1 §. Аҳолининг жамият тараққиётидаги аҳамияти	26
2 §. Аҳолининг айрим тарихий даврлардаги сони ва динамикаси	29
3 §. Аҳолининг дунё ҳудудлари бўйлаб жойлашуви ва унинг омиллари	33
4 §. Дунё аҳолисининг қитъалар бўйича тақсимланишига хос хусусиятлар	38
5 §. Жаҳон аҳолисининг ирқий, этник ва диний таркиби	45
III боб. Аҳолининг табиий такрор барпо бўлиши, замонавий демографик жараёнлар ва уларнинг географик жиҳатлари	53
1 §. Аҳолининг табиий такрор барпо бўлиши	53
2 §. Аҳолининг табиий ҳаракатининг умумий, тарихий ва регионал жиҳатлари	54
3 §. Демографик жараёнлар ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши	59
4 §. Аҳолининг ёш-жинс таркиби ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши	64
5 §. Экологик омилнинг демографик жараёнларга таъсири	65
IV боб. Аҳоли миграцияси	73
1 §. Миграция ва унинг турлари	73
2 §. Урбанизация ва аҳоли миграцияси	76
3 §. Халқаро миграция тарихи ва географияси	80
4 §. Халқаро ишчи кучи миграцияси	88
V боб. Ўзбекистонда аҳолининг табиий такрор барпо бўлиши ва демографик жараёнлар	101
1 §. Ўзбекистонда аҳоли сони ва динамикаси	101
2 §. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари шаклланиши ва жойлашувининг демографик ҳамда геоэкологик хусусиятлари	109
3 §. Ўзбекистоннинг ҳозирги халқаро миграция алоқалари	111
Иловалар	122